

495

1990/11-12

ISSN 0134-2207



3015
№3

GULISTAN

ГУЛИСТОН

11-12
1992



Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Олий Кенгаш раиси Шавкат Йўлдошев, бош вазир Абдулқошим Муталов, Давлат котиби Раҳим Ражабов ва ҳукумат аъзолари.

Сураткаш А. ЖУМАЕВ.



№ 11—12

(513—514)

Қавс—Жадий

(Ноябр—Декабр)

1992

Ойнома 1925 йилдан
чиқа бошлаган

МУАССИС:
Ўзбекистон жумҳурияти «Шарқ»
нашриёт-матбаачилик концерни
ҳамда «Гулистон» жамоаси

НОШИР:
Ўзбекистон Республикаси
«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир хайъати:
Оқилжон ҲУСАН
(бош муҳаррир
ўринбосари)
Абдусайд НУРБОЕВ
(масъул котиб)
Абдураззоқ КАРИМ
ШУКРУЛЛО
Ҳамид ЗИЕЕВ
Эргаш МУҲАММАД
Хуршид ДАВРОН

Бадий муҳаррир
Мирвосил ОДИЛОВ

Манзилгоҳимиз:
Тошкент — П, 700000,
«Правда» рўзномаси
кўчаси, 41.

Таҳририят телефонлари: бош му-
ҳаррир — 33-35-20; бош муҳаррир
ўринбосари 33-35-90; масъул котиб ва
умумий бўлим — 33-36-02; безатиш
бўлими ва мусахҳих — 33-36-59.

С: «Гулистон» 11—12, 1992



Қардош Туркиянинг миллий байрами — Республика кунининг 69 йиллик тантаналарида туркий давлатларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этишди.


Суратда: Туркия Республикаси Президенти Тўғрут Ўзол, Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроҳ Каримов, Туркия Бош вазири Сулаймон Демиррел, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркманистон Республикаси Президенти Сафармурод Ниёзов, Озарбойжон Республикаси Президенти Абулфаз Элчибей, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев.

Суратқаш С. Низомов (ЎЗА)

БУ СОНДА:

Асил РАШИДОВ:

...Шароф Рашидовнинг фожиаси бир шахснинг қисмати эмас, балки давр фожиасидир. Мени жуда озурда қилган нарса шу бўлдики, бир талай амал бандалари марҳумга тош отар экан, бу тигу парронлар, бошқа бировларга эмас, охир-оқибатда маломат қилинаётган ўз одамларимизга, ўз-ўзимизга бориб тегишини ҳам андиша қилишмади...



Ориф УСМОН:

...Ҳазрати Нақшбанд бутун умрини ўз хоҳиши билан фақирлик ва йўқсилликда ўтказган. У киши ўз қўли кучи билан кун кўришни ёқтирган, топган-тутганларини доимо егим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган...



Раҳим ОТАУЛИ:

...«Чақирилмаган меҳмон» Иўлмирзанинг сочларини тароқлаб ўйнар экан, қолганларга синчковлик билан тикилди. Саломларига алик ўрнида ҳазиломуз гап қотди:

— Мени ҳам ўйинларингга қўшасанларми, азаматлар?..



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

ИСЛОМ КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Президенти

ВАТАН ЖАМОЛИ

Дунё харитасида янги мустақил давлатларнинг ҳудудлари акс эттирилди. Ўзбекистоннинг пойтахтидаги Мустиқлик майдонида қад ростлаган истиқлол рамзи — ер қурраси меҳварида Ўзбекистон давлатининг сарҳади ҳам яққол акс этиб, оламда янги бир давлат, ўзбек халқининг мустиқил Ватани пайдо бўлганлигидан далолат бериб, чарақлаб турибди.

Ниҳоят, жаҳон тараққиётига кишилиқ тарихи давомида муносиб ҳисса қўшиб келатган, қутлуғ ўтмишининг довуғи етти иқлимга кетган қадим Туркистонда яна мустиқил Ўзбекистон давлати вужудга келди.

Бир асрдан ортиқ давом этган турли кўринишлардаги мустамлакачилик истибдоди чекиниб, чинакам истиқлол қўлга киритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши Раёсати 1991 йилдан бошлаб 1 сентябр кунини Ўзбекистон Республикасининг Мустиқлик

қуни деб белгилади. Бу йил шу улғу санани Ўзбекистон давлати халқлари эрк байрами, озодлик шодиёнаси сифатида бутун жумлаи жаҳон кўз ўнгида ниҳоятда кенг миқёсда байрам қилди. Мустиқликка эришган собиқ иттифоқдош жумҳуриятларнинг бирортасида ҳам бунчалик юксак даражада Мустиқлик қуни нишонланмади, десак, муболаға бўлмас.

Чунки бизнинг жумҳуриятимиздаги осойишталик, миллий, сиёсий соҳалардаги барқарорлик, халқимизнинг собитқадамлиги улғу байрамимизни ўзлимизни англаган ҳолда, миллий ифтихор туйғуларини ҳис қилган ҳолда ўтказишимизга сабаб бўлди.

Яратганининг ўзига шукрки, халқимиз тарихий вазиятнинг даврга бирмунча мос келуви натижасида қон тўкилишига йўл қўймасдан, тинч йўл билан мустиқликни қўлга киритди. Бугун энди шу рўшноликнинг иккинчи йилига қадам қўяётимиз.


Озод Ўзбекистон суверен давлат сифатида шу ўтган қисқа вақт ичида ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Аввало мустиқликнинг келажак истиқболи учун мустиқкам пойдевор яратилишига киришилди. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда Ўзбекистон танлаган йўл тўғри эканлигини вақт исботлаб бермоқда.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини, иқтисодини, халқ ҳужалигини, фан ва маорифини ривожлантириш учун қабул қилинган қонун ва фармонлар мамлакатимизнинг бундан кейинги юксалиш йўлини белгилаб берди.

Маълумки, қўшни жумҳуриятларда бўлаётган нотинчлик, биродарқушлиқ ва миллатлараро ҳамда худудий жанжаллар юзлаб одамларнинг ёстигини қуритди, беғуноҳ кишиларнинг қони тўкилишига сабаб бўлмоқда. Шундай пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ақл-заковат билан иш юритиши халқимиз учун энг зарур бўлган осойишталикни республикамизда таъминлади.

Ҳукумат раҳбарларининг демократияни қарор топтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш дастури асосида иш юритиши Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириб юборди. Ҳозирда дунёнинг барча бурчакларида Ўзбекистон отлиг давлат борлигини жуда яхши билишади. Қисқа вақт ичида жаҳоннинг 129 давлати Ўзбекистон Республикасини мустиқил давлат сифатида тан олди, 50 давлат дипломатик алоқалар ўрнатди. Шунингдек Ўзбекистон барча халқаро энг обрўли ва эътиборли ташкилотларга аъзо бўлди.

Жумҳуриятимизга чет эл сармоясини жалб этиш ва ҳуқуқий негизларини яратиб кенг йўлга қўйилди. Ҳозирда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 1300 дан ортиқ қўшма корхоналар шунинг амалий исботидир.



Албатта бозор иқтисодиёти анча-мунча ташвишлар келтирганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Моддий жиҳатдан халқимиз бироз қийналаётган бўлса-да, маънавий жиҳатдан руҳлари юксакдир. Чунки халқимизнинг миллий қадриятлари тикланиб, ўзлигини англамоқда. Қолаверса, чарақлаб, умидбахшлик эпкинлари эсаётган келажакка ишончлари мустиқкамдир. Улғу боболар руҳи ёр бўлган қуёшли бу юртнинг келажаги порлоқ, истиқлоли манғундир.

Абдураззоқ БОТИР УЎЛИ



Ўзбекистон Республикаси мудофаа қўшини сардорларидан.

Сувратқаш А. ЖУМАЕВ





АКАМ ҲАҚИДА

Энг буюк ҳакам — вақт. У шафқатни билмайди, ҳамма нарсани ўз жойига қўяди.

Ҳозирча шунини айтиш мумкинки, у кишининг вафотидан кейин ўтган йиллар орасида «ўзбеклар иши» атрофидаги гаплар бутун бир миллатга хусумат ва суиқасд қилишдан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлди. Қонунсиз жамиятда қонуний яшаб бўладими? Дунёда энг илғор деб аталган бизнинг қонуларимиз эса деярли ҳеч нарсани исботлай олмади. Зотан, йўқ нарсани қандай «исботлаш» мумкин? Бугун мен ўша «қозикалонлардан» сўрамоқчиман:

— Жаноблар, ўн йиллаб тиришдингиз, қириб-қиртишладингиз, кавлаштирдингиз, ҳаммаёқни галвир қилдингиз. Бурнингизни тикмаган жойингиз қолмади ҳисоб. Ҳатто акамнинг гўрини ҳам кавладингиз. Балким кафанларининг қат-қатига олтину гавҳарлар яшириб қўйилмаганмикан деб! Юзлаб, минглаб жилд «делолар» тўқидингиз. Сизга ҳам қийин бўлди. Лекин... гўё тенглар ичра тенг бўлган бутун бир жумҳуриятга тоғдай давво қилдингиз, айтарли бiron натижага эриша олмадингиз чоғи? Хўш, нимани аниқладингиз? «Аср жинояти» содир бўлган эканми? Акамнинг миллиардлаб сармоялари, чиндан ҳам бор эканми? Агар бўлса, қайси банкларда, хориждаги қайси хазинахоналарда сақланаётибди?

Агар хато қилмасам, ўзбек халқини, унинг бир ҳалол фарзанди бўлган Шароф Рашидовни Масковдан туриб маломат қилган казо-казоларнинг аллақанчаси ўзлари бугун нопок «бизнесменлар» бўлиб чиқди. Афсонавор маблағларни қаёқдан олишдикин ул даҳолар, а? Улар ҳеч қандай давлат ёки жамоат арбоблари эмас, балки халқро миқёсдаги пихини ёрган майда чайқовчилар эканлиги маълум бўлиб қолди.

1983 йилдан кейин салкам етти йил давомида жумҳуриятимизда содир бўлган ур-сур, васваса, хунрезликларни, мудҳиш воқеаларни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади.

Жумлаи жаҳон, унинг узоқ хориждаги турли миллатларга мансуб сон-саноксиз дўстлари Шароф Рашидовга нисбатан бўлаётган бўҳтонлардан ҳайратланиб: «Наҳотки шундоқ одам шунча бўлиб чиқса!» дея ёқа ушлади. Соф ниятли хорижий фуқароларки бундай уйдирмаларга ишонч ҳосил қилмай, уни Оллоҳдан сўраб, қалбдан қувватлаб турган экан, ўша мудҳиш кунларда ўзимизникилар нима қилди? Қайнаса қони қўшилмайдиган муртад шахслар-ку ўз йўлига. Даставвал унинг қўл остида ишлаб, кўзи тириклигида қўйнига сув пуракاب келган Усмонхўжаев, Нишонов, Осетров ва бошқалар нима қилди? Уларнинг орқасидан иккиюзламачи қалам-кашлар сафсатабозликни авжига миндирмадиларми?

Бунга таажжубланмасам ҳам бўлади, албатта. Чунки бу биз учун ангиллик эмас. Оқибатсизлик... жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг, зулм ва зўравонликка асосланган ёвуз салтанатнинг яшаш тарзи, иш усули ўзи шундай!

Мен «акамнинг укаси» бўлганим учун эмас, балки оқни оқ, қорани қора деб тарбияланганимдан ўзим билган гапларни айтмоқчиман. Чунки узоқ йиллар мобайнида у кишининг қутлуғ даргоҳида яшаб, акамнинг қай йўсинда ишлашини, одамларга нисбатан қандай муносабатда бўлганини билар эдим.

Шу топда мени зил-замбил бир андиша қаттиқ эзиб турибди. Шароф Рашидов вафотидан кейин унинг собиқ «аъён аҳқомларидан» кўпчилиги, ўз бошини сақлаб қолиш учун, акамнинг шаънига ўта бўлмағур гапларни айтишди. Энди бўлса, Ўзбекистоннинг бугунги биринчи қонуний сайланган оқсоқоли бу инсон ҳақида илиқ сўзлар айтганидан кейин, кўча-кўйларда ёки марҳумнинг маросимларида, ҳеч нарса кўрмагандай, яна белгиларни шатайтилаб қизартириб юришибди. Менинг айниқса ҳазрат Бузрукхўжа ўғли Усмонхўжаевга алоҳида айтадиган «икки оғиз сўзим» бор.

Мунтариийлар каминани тўғри тушунишин. Мен ҳеч кимга: «Ҳорманлар энди! Қолларинг қалай? Ҳақиқат рўёбга чиқадиган кун ҳам келар экан-ку!» деб таъна тошларини отмоқчи эмасман. Биламанки, парвардигорга ҳам, бандасига ҳам ёқмайди бундай шаккоқлик. Бунинг устига, уларнинг ўзлари ҳам сувдан қуруқ чиқмади. Ўз тўхмату маломатларининг «муқофотини», рўзи махшарни ҳам кутиб ўтирмай, шу ёруғ дунёнинг ўзида олишди. Хуллас, номлари тилга олинганлар мендан хафа бўлишмасин. Унутмасинларки, биз ҳам — Шароф Рашидовлар хонадони, улардан кам ақилларимизни йўқотмадик, улардан кам хўрликлар кўрмадик.

Шароф Рашидов хусусида республикамиз матбуотида ҳам, собиқ Иттифоқнинг марказий нашрларида ҳам шу қадар кўп нарса ёзилдики, булар жамланса бутун бир китоб бўлади. Рашидов ҳатто халқро миқёсдаги айрим бадиий тўқималарнинг «қаҳрамони» айланди. Босилиб чиққан ва чиқаётган мақолалар орасида айниқса, кейинги вақтларда жуда қуюнчақлик, хайрихоҳлик ва инсоф билан ёзилганлари ҳам кўп. Уларнинг муаллифларига бизга нондай таниқ бўлган далда ва таскин сўзлари учун самимий миннатдорчилик билдирамыз.

Акамиз вафот этганидан кейин, бир неча йил давомида бир тўда ёвуз ниятли кимсаларнинг кутқуси билан юзлаб, минглаб ҳалол, меҳнаткаш инсонлар турли уйдирма, таъқиб ва қувғинларга гирифтор бўлди. Оқ пахтанинг қора меҳнатида тобланган жуда кўп одамлар урилди, сурилди, қамалди, отилди. Афсус ва надоматлар бўлсинки, улар орасида, аксарият эмаган сомсага пул тўлаб, дегандай, қурбон бўлиб кетганлар, обрўсизланган, бола-чақаси дайдиб, рўзгори тўкилган ва соғлигидан ажралиб, бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолганлар ҳам кам эмас. Тўхмат балосига йўлиқиб, номусига чидаёлмай жонига қасд қилганлар, дунёдан бевақт кўз юмганларни худо раҳмат қилсин. Барча жабрдийда оилаларга чин инсоний ҳамдардлик билдирамыз. Турган гап, барчамиз учун мусабати бўлган ўша оғир йилларда энг кўп жабр кўрган оилалар каторидан биз ҳам четда турмадик.

Орадан ўтган ўн йил ичида биз «рашидовчилар» юз йилга қаридик. Аммо, бир улуг донишманд айтганидай, тун қанчалик чўзилмасин, ортидан балкиб тонг отди! Қанчалик оғир бўлмасин, илоҳим у машъум кунлар бир оғир тушдай, саробдай ўтиб кетгани рости бўлсин.

Шароф Рашидовнинг фожиаси бир шахннинг қисмати эмас, балки давр фожиасидир. Мени жуда озурда қилган нарса шу бўлдики, бир талай амал бандалари марҳумга тош отар экан, бу тигу парронлар, бошқа бировларга эмас, охир-оқибатда маломат қилинаётган ўз одамларимизга, ўз-ўзимизга бориб тегишини ҳам андиша қилишмади. Мана шу кўргуликда акамнинг иштироки қанча? У биз «Улуг Октябрь социалистик революцияси» деб лофқоф урган Акраб тўнтариши оқибатида юзага келган мислсиз турғунлик даврининг энг кўзга кўринган арбобларидан бири эдимки ёки аҳвол сал бошқароққимди? Балки унинг ўзи ҳам ўша турғунлик даврининг қурбони бўлгандир? Билмадим. Мен сиёсий арбоб эмасман. Бу дардли саволга жавоб беришим мушкул.

Ушбу мақола «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» да ёрилгандан кейин муаллиф уни анги маълумотлар билан бойитиб, ойнамамызга тақдим этди. (Тахририят)

Шароф ака халқни, ватанни чексиз севиб ардоқлади, мудом эл-юрт таъшишида юрди. Шу мушфиқ халқ, эл-юрт манфаатларини, шу манфаатлар йўлида курашишни ҳар нарсадан устун қўйди. Азадан маълумки, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик инсон кадр-кимматини белгилловчи, уни улугловчи мезонлардан бўлиб келган. Шароф Рашидовни улуглаб эъозлаган, ҳурматини жойига қўйган, қўйингки, уни мўр-малахдек ёпирилиб келган бало-қазолардан халос этган ҳам сеvimли халқни, ватан йўлидаги фидойилиги — жасоратли меҳнати деб ўйлайман.

Ҳўш, у кишининг фаолиятида нуқсонлар ҳам бўлганми? Беайб парвардигор, дейдилар. Тўғри, ҳар бир инсонда, у ким бўлиши, қайси лавозимда ишлашдан қатъий назар, ўзига хос хато-камчиликлар содир бўлиши турган гап. Қатрада куёш акс этганидек, жумҳурият ҳаётида, ҳатто собиқ Иттифоқ ҳаётида юз бераётган мураккаб ўзгаришлар Ш. Рашидов нигоҳида қанчалик ўз ифодасини топган бўлмасин, барибир, икки кўз ҳаммасини кўра олмади. Кўра олмас ҳам эди... Қолаверса, у одамларга ҳаддан ташқари ишонар эди. Акамнинг фаолиятида ҳам муайян нуқсон ва қусурлар содир бўлганлиги маълум. Улар ҳақида матбуот саҳифаларида ошириб-тошириб гапиришди, анжуманларда оғиз кўпиртириб сўзлашди ҳам. Гарчи, Шароф Рашидов фаолиятидаги хатолар ҳар қанча танқиду дашномларга овиқ берган бўлмасин, барибир, шунинг ўзи ҳам эндиликда, вақт ўтиши билан, унинг «заминни елкасида кўтариб турган» донишмандлардан бири эканлиги маълум бўлиб қолди.

«Биз одамлардаги кўндан-кўп қусурларни илғамаймиз-у, аммо яхши фазилатларни камдан-кам эътироф этамиз». («Донлар боситдан»). Шуниси юрак-бағримни тирнайдики, ёруғ ниятли бир инсон қирқ йилдан зиёд давр мобайнида халқим, ватаним деб, бутун ақл-ҳидрокини, қалб кўрнини сарфлаб, тиним билмай, жонини жабборга бериб, ҳатто фарзандларининг ҳам дийдорига тўймай, вақти келганда уйку ҳисобига тинимсиз меҳнат қилган бўлсаю халок бўлганидан сўнг... тавқил лаънатга учраса! Пахта якка ҳоқимлиги ҳам, Орол фожиаси ҳам, жумҳуриятда ўрис тилини ўрганишга даъват ҳам, ўртамбена асарларнинг урчи кетиши ҳам, қўйингки, қўшларимизнинг тури камайганию, чувалчангларга қурин келиши ҳам биргина инсон номи билан боғлиқ бўлса! Шуми инсоф, шуми диёна?

Далилинг тоши оғир, дейдилар. Ш. Рашидов шаънига айтилган танқидий фикрларни сарҳисоб қилиш мавриди ҳам келди. Бир куни собиқ Марказий Қўмитанинг дала ҳовлисида Шароф ака билан Усмоҳўжаев Бузрукўжанинг суҳбатини чой қўйиб тинглаб ўтирибман: «Болам Шарофжон, ўғлимни сиёга, сизни эса ҳудого тошпирдим. Раҳнамолик қилсангиз. Бир умр сизни алқаб, миннатдор бўлиб юраман, худойим мартабангизни янада зиёда қилсин».

Шароф ака падади бузрукворнинг сўзини ерда қолдирмади. Ҳуни у Усмоҳўжаев Бузрукўжани эъозларди. Унга ҳайкал ўрнатилган ҳам бошчилик қилганди. Илтимосини ҳам ерда қолдирмади: унинг фарзанди Иномжоннинг юқори мартабаларга кўтарилишига раҳнамолик қилди. Шароф аканинг вафотидан сўнг эса, унга қарши тельвор хуружни бошлаб берган ҳам, хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги собиқ КПСС Марказий Қўмитаси ва собиқ СССР Вазирлар Кенгагининг (1983 йил, 23 декабрь) қарорини бекор қилдирган ҳам ўша И. Б. Усмоҳўжаев бўлди. Марҳумнинг қабрини ким қўчиртирди? Усмоҳўжаев... Шунга қарамай, у ҳаммасини Масковнинг иши қилиб кўрсатишга уринди. Ҳамма қилганини қилиб, эндиликда, ҳибсдан чиққандан сўнг: «Ш. Рашидов республика учун энг кўп жон кўйдирган одамлардан эди. Юзидан нур ёғилиб турган бу одам билан учрашиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермасди», дея тилёғламалик билан фибрирлик йўлига ўтиб олди... («Еш ленинчи» рўзноси, 1991 йил, 12 ноябрь). Раҳматли акам ўша кезларда ношуд ва нобакор шоғирд улғаяётганини, қўйида шайтон урчиётганини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Бундан ҳам даҳшатли фожа шундаки, у марказдан ва Русиянинг бошқа жойларидан келган, ўзи чорлаб қақирган аксарият қизил фибрибгарларга сажда қилиб ишлади. Сажда қилишгина эмас, уларнинг кўнглини овлаб, барча шароитларни яратиб берди, жумҳурият ва халқимиз тақдирини уларга бутунлай топириб қўйди. Ўзи эса ўша «қизил десантчилар» қўлида қўғирчоқ бўлиб яшади. Улар эса, қамчисидан қон томиб, қиличини қайраб, қатагон йўлини тутдилар. Жумҳуриятни оёқ ости қилиб, қанчалар бегуноҳ кишиларнинг ёстигини қуритдилар. Аслини олганда, бу қизил келгиндилар, Усмоҳўжаев икки гапнинг бирида тўтикуш бўлиб такрорлаганидай, одамларимизнинг юқини енгил қилиш учун эмас, балки, аксинча, яна ўша кулфат чекаётган меҳнаткаш халқни талаб, хонавайрон қилиш учун келган мустамлақачиларнинг айнаи давомчилари бўлиб чиқдилар. Пиrowардида эса, улар Ўзбекистон диёри, Ўзбек халқининг шаънига надоматлар ёғдирдилар. Ниҳоят интиком навбати ўзларига келганда, Иномжон Бузруквични ҳам гум қилиб, ҳамёнларини тўлдирганча ҳайёҳув деб қочиб қолдилар. Мана қалтис иш тутган раҳбарнинг фожиали тақдири!

«Садҳоқатли» шоғирдларидан яна бири Нишонов Шароф Рашидов шаънига тўхмату бўҳтонлар ёғдиршида Усмоҳўжаевини ҳам бир чўқишга қочирди. «Рашидовчилик», «нишонпараст», «рекордпараст» ва яна аллақандай «сифатларни» тўқишга устаси фаранг чиқиб қолди у. «Мен ҳам Рашидовдан озор чекканман, ўз вақтида чет элга бадарга қилинганман», деб айюҳаннос солди. Марказий матбуотда бот-бот чиқишлар қилиб, Ш. Рашидов баҳона, жумҳуриятимиз шаънига таъна тошларини ёғдирди. Аслини олганда, Шароф



Асил РАШИДОВ

ака ўз вақтида Нишононинг турли ноҳўя хатти-ҳаракатларини ошкор қилишни, унинг обрўсига путур еттишни лозим кўрмаганди. Акс ҳолда, иш бошқача тус олган бўларди... Очиғини айтганда, кимларнингдир оилавий тинчлигини бузиб, иззат-нафисга текканида ва қонунга хилоф иш қилгани учун жиний жавобгарликка тортилиш олдида Рашидов миллатимиз шаънини ва партиянинг обрўсини деб уни жазовдан олиб қолди...

Горбачевнинг пинжига кириб олган Нишонов собиқ СССР Миллатлар Кенгагининг раиси бўлатуриб, ўзи қандай ҳунар кўрсатди? Халқлар ўртасидаги дўстликка ва тотувликка раҳна солиди. Мисли қўрилмаган миллий низолар авж олди. Бундай бузғунчиликлар айнан Нишонов фаолияти даврига тўғри келди. Қолаверса, у ўз халқни, жумҳуриятни шаънига ҳам ғаразғўйлик ишларини давом эттирди. Фарғона ва бошқа жойлардаги фожиаларга чек қўйиш ўрнига, Масковдаги янги маънавий оталари, акалари пинжиде сукот сақлаб, ҳайбаракаллачи бўлиб ўтирди. Жумҳуриятимиз мустакилликка ёришиб, шахдам одимлаётган ҳозирги кундачи?.. Ундайларга бизда сичконинг ини минг танга! Булар ҳали ҳалво. Нишононинг энг катта қилмиш-қидирмишлари олдида. Улар эндиликда ўз ечимини кутмоқда.

Юқориде номлари зикр этилган «даҳоқлар» ёлчишиб ишлаш олмадилар. Ёлчишиб келганларни эса қўролмай, ғаразғўйлик йўлини туттишди. Қаранг-а, марҳум билан кимлар олиша ётибди! Етти ёт бегоналар эмас, балки ўзи тарбиялаб вояга етказган шоғирдлари, ҳамқору ҳамдастлари. Демак, улар яхши тарбияланмаган эканда, шундайми? Йўқ, менимча, тарбия тўғри бўлган, бироқ юқориде таъкидлаб ўтганимдек, бу чиркин тузумнинг ўзига хос бўлган «мерос»: субустизаллик, ғараз, сунқасд, маънавий падарқушлик ва биродарқушлик — қизил империянинг тутган йўли, сийсати эди.

«Правда» рўзносининг бир сониде Сурхондарё вилоят фирқа қўмитасининг собиқ котиби Абдуҳолиқ Каримовнинг сўзларини ўқиган эдим... Темир панжарга ортида болаларимни қўролмай итдек ўлиб кетмасам бўлгани... Ш. Рашидов ҳам вақти-вақти билан вилоятларга чиқиб ўлпон олиб турар эди... дейилганди рўзносида. Бу ҳаммамиз учун аталадан суяқ чиққандай бир гап бўлган эди. Мен Абдуҳолиқ ака қамқодан чиқиб келса: «Бу сўзларнинг учун ҳисоб бера оласизми?» деб сўрашни кўнглимга туғиб қўйгандим. Замоннинг зайли билан Жиззахда акамнинг маросимига бағишланган бир йилгина учрашиб қолди.

— Мана, қамқодан ҳам омон-эсон чиқиб келдингиз, — дея гап бошладим. — Утган гапга савалот, дейдилар. Бироқ кечирасиз, акам ҳақидаги ўша гапларни ҳақиқатан ҳам айтганмидингиз ёки?..

— Бу ғирт ёлгон, ука, Шароф акани устозим деб, раҳбарим деб эъозлаб келганман, бундан кейин ҳам янада кўпроқ эъозлайман. Бу гап эса матбуотнинг уйдирмаси, қолаверса, жаллодларнинг иши.

Бу сўзлар Абдуҳолиқ Каримовнинг виждонига ҳавола. Бизнингча, Абдуҳолиқ Каримов ҳибсдан чиққандан сўнг мусичан бегуноҳ бўлиб, сукот сақлаб юрмасдан аллақачон матбуотда раддия бериши, бор гапларни дангал айтиши керак эди. Шунда у балки ўзини ҳам, бошқаларни ҳам унчалик шубҳада қолдирмаган бўлар эди.

У ёки бу масалада Ш. Рашидовнинг танқид қилиш модага айланган ўша пайтларда у кишига тош отганлардан, Усмоҳўжаев ва Нишоновларнинг ноғорасига ўйнаганлардан яна бири собиқ халқ таълими вазири Ойдиной Аббосова бўлди.

Аббосова қўпгина йилларда, шу жумладан, Тошкент давлат муаллимлар тайёрлаш олийгоҳининг мажлислар залида неча бор сўзлаб, жумҳурият аҳолисининг рус тилини ўрганишида Ш. Рашидов қанчалик тарғибот, ташвиқот ишларини олиб борган бўлмасин, унинг сўзлари билан айтганда, рус тили деб жонини жабборга бериб, ҳамма ёққа жар солиб, турна қатор мақолалар ёзиб, рисолатлар, тадқиқотлар чиқармасин, бари бир бу соҳада бошқа жумҳуриятлардан энг орқада қолиб келаётимиз, деб сафсатабозлик қилди. Ҳар икки гапнинг бирида бу сўзларни такрорландан чарчамади. Рус тили жаҳон халқлари билан алоқа қилиш қуроли

ЭЛ ФАРЗАНДИ

МИРМУҲСИН

Шароф Рашидов халқимиз дилига тушган чин инсон, улкан давлат арбоби, адиб эди. Бундай кимсани тарих саҳифасидан ўчириб бўлмайди. Дунёдан ўтган буюк одамнинг орқасидан тош отадиганлар (муқаддас Хадиси шарифда, ўлган одам орқасидан носазо гаплар айтмоқ гуноҳ, дейилган), падаркушо бетсизлар кўпайиб кетди. Мана, адалат тантана килиб, халқ ўз фарзандини оқлаб олди.

Ўрнатилган Президентимиз Ислоҳ Каримов Шароф Рашидовнинг ниҳоятда камтар инсон эканини таъкидлаб, шунга яраша иш тутишимизга маслаҳат берди. Уни оқлаб олишда ва «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган бўҳтонлардан бошқа кўпгина жамоат ва давлат арбобларини қамоқхоналардан қутқариб олинди. Одамнинг бошида ҳар хил ишлар бўларкан, халқни қўллаган раҳбарга ишониш ва суяниш керак, бундай раҳнамога ҳудуд узоқ умр берсин.

Шароф Рашидов ўзбек халқининг асл фарзанди, унинг таваллуд топган ери — Жиззах. Бу ер фуқаролари ўз фарзандлари-

га илинган тавқи-лаънатни йўқотишда қаттиқ курашдилар. Бу — қутлуг кураш, бу ҳаракат таҳсинга сазовор.

Ўрни келганда фахр билан ўтмишни эслашман: биз уч талаба: Шароф Рашидов, Асқад Мухтор ва камина урушдан аввал, 1939 йили Каттақўрғон сув омбори қурилишида танишиб, «Каттақўрғон ҳовузи» газетасини чикарганмиз. Шароф ака билан Асқад Самарқанд дорилфунунидан, биз Тошкент педагогика институтини талабалари билан бирга қурилишга сафарбар этилган эдик. Ўшандан бошлаб оғамизнинг жумҳурият раҳбари, Сийёсий Бюро аъзолигига номзод вақтигача алоқамиз ҳеч қачон узилмаган. Мақола муаллифи, Шароф аканинг кичик укалари Асилжон ўша вақтда 9 ёшда эди. Катта бўлиб, ўқиб, олим бўлди, ака ҳақида энг тўғри ва адалатли гапни айтди. Шундақ укалар, фарзандлар ҳаммамиз учун ҳам фахр!

Бир неча йил аввал, ҳали буюк инсон ҳақида сўз айтиш қийин вақтида самарқандлик адиб Вобомурод Даминов жасорат

билан катта мақола ёзди — баъзиларнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Бундай учкунлар Жиззах ва Самарқанд халқи юрагига аланга пайдо этди.

Албатта ҳар даврнинг ўз фарзандлари, ўз раҳбару саркардаю зиёлилари бор, ўз ютуғу нуқсонлари бўлади. Муллоқ яхши, муллоқ ёмон кишилар бўлмайди. Шароф аканинг энг яхши фазилатларидан бири — адабиёт аҳли билан сўнгги дамгача алоқани узмади, иқтидорли адибларни ҳам биларди, таъмагир, аслида қобилиятсиз кимсаларни ҳам беш қўлидек яхши биларди. Чақувга ва итгога қўлоқ солмасди, ўзи бир фикрга келмагунча қаламкашлар қисмати билан ўйнашмоқ бу жуда хавфли эканини тушунарди. Лекин — унинг жумҳурият раҳбарининг кўзини ёғини еганлар ҳам анча-мунча топилди.

Бўлган аччиқ тажрибалардан хулоса: ҳадеб орқага қараб, кавлаштирабериш, олдинга боққан киши ютиб чиқади, фақат буюк Хитой тажрибаси эмас, жаҳоний тажриба шунини кўрсатадики, оёқ остида ўрлашиб қолганлар ютқази. Халқ айтганидай, эшак миниб, оёқ остига эмас, туя миниб, олисини кўзлаш керак!

Жумҳурият фарзандлари океанлар устидан учиб, ўзга мамлакатлар эътиборини тортиб, дарвозаларимизни очиб, бозору маданиятга, ҳамкорликка қақираётганини каминан чин юракдан қувватлайди, ўзини ҳам сафарбор ҳисоблайди.

Марҳум оғамизнинг арвоғи жумҳурият устидан учиб юрибди, ҳозирги мардонавор ишларни маъқул кўраётгани бизнинг ҳаммамизга маълум.

еканлигини ҳам қўйиб турайлик, ҳеч бўлмаганда рус халқининг ўзи билан алоқа қилиш қуроли ҳам-ку. Рус тилини ўрганиш, уни ташвиқ қилишнинг нима ёмон томони бор экан. Ҳеч қандай исбот талаб этмайдиган бу ҳақиқатни наҳотки Аббосова тўшунини истамас!

Аббосованинг сафсаталари бўйича эса Ш. Рашидовнинг бу борадаги жамики хизматлари ҳеч қандай наф келтирмасдан, аксинча, сароб бўлиб чиққан эмиш. Тўғри, Аббосова бу масаланинг замирида катта «дипломатия» ҳам борлигини тўшунмаган бўлиши мумкин. Ойдиной Аббосованинг Ш. Рашидовга нисбатан рус тили масаласидаги қўнимсизлиги, бебурдлиги, ҳеч бир асосга эга бўлмаган ақидалари А. П. Чеховнинг «Жонинам» («Душечка») ҳикояси қаҳрамони Оленкага жуда-жуда ўхшаб кетади.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, дейишади. Рус тилини тарғиб ва ташвиқ қилишда Ш. Рашидовнинг сай-ҳаракатларини қоралашда Аббосованинг қалималарини айнан ёлдаб олган садоқатпешалар, яъни олийгоҳимизнинг айрим сафсатавоз тўтиқуш домларини ҳам «халис» хизматдан четда қолмадилар. Улар сиёсий ўқиш баҳонасида Ш. Рашидовнинг «қилмишларини», шу жумладан, унинг рус тилини тарғиб қилиш борасидаги хизматларини қораланиш асосий танқид объектига айланган пайтлари ҳам бўлди. Бу хатти-ҳаракатлар ҳаёт ҳақиқатига эстетик дид, эстетик муносабатда бўлиш қобилиятининг етишмаслиги оқибати эмасмикин?

Ўзимиздаги айрим ҳоқими муллоқлар ва қизил десантчилар, бир сўз билан айтганда, ғаразгўйлар акамининг айрим оила аъзоларига ҳам таъйиқ ўтказдилар, уларга ишлаб турган жойларида тинчлик бермай қувғин остига олдилар. Жизияларимдан бирини тўрт-беш бор ишдан олишди. Энди бу ишлар нга тушиб, ҳақиқат ўз ўрнида қарор топаётти. Оила фарзандларининг ҳаммаси андишали, хушфелъ, одамжон бўлиб, илмининг турли соҳалари бўйича иш олиб боришади. Улар бир-бировлари билан иноқ, элу халққа оталаридек сидқидилдан, астойдил хизмат қилишмоқда.

Ўзинга келганда шунини айтиш керакки, расмий, норасмий доираларда менга ҳам турлича муносабатда бўлдилар.

Умуман олганда, дўстларимнинг кўпчилиги менга бўлган муносабатларини ўзгартирмади. Айтиш мумкинки, улар, аксинча, менга ўзларини янада яқинроқ тутгандек, ўқисган қалбимга далда бергандек бўлдилар. Шу билан бирга, очигини айтганда, институтимиздаги Ш. Рашидовдан манфаат кўриб келган айрим шахслар менга ҳам (уларнинг фирромлигини, умуман ноўя хатти-ҳаракатларини узоқ йиллар мобайнида кескин танқид қилиб келган эдим) зимдан таъйиқ ўтказишга уриниб кўрдилар, устимдан юмалоқ хатлар ҳам уюштириб, барча ёзув-чушувларини ўзларича галвирдан ўтказиб кўрдилар. Натижа чиқмади. Ш. Рашидов ҳеч қачон одамларнинг тақдирига бефарқ қараган эмас. Энг оғир дамларда уларга

ёрдан қўлини чўзарди, шафқатталаб одамлардан ўз меҳр-оқибатини дариг тутмасди.

Ш. Рашидов олийгоҳимиздаги бир домланинг (исми шарифларини айтиб ўтиришни лозим кўрмадим) хизматларини юксак баҳолаб ҳурматларди. Чунончи, домланинг докторлик диссертацияси ВАҚда тасдиқланмай узоқ туриб қолганда, Ш. Рашидов унинг тақдирини билан неча бор қизиқди. Мен ҳам ул кишининг илтижоларини ерда қолдирмай, акамникига бўзчининг моксидек катнадим. Афуски, масала чигал экан, ижобий ҳал бўлмади. Бу хусусда акам билан сўнгги бор учрашганимда: «Буёғига ожизман!» деб икки қўлини кўтарди. Диссертация юзасидан бўлиб ўтган гаплардан сўз ҳам очмади. Эҳтимол, биринчи бор шашти қайтгандир, деб ўйлайман. Лекин шунда ҳам, акам домлага диссертацияни иккинчи марта ёқлашни маслаҳат берган эди. Бу орада домланинг хизмат кўрсатган фан арбоби бўлишига ва сўнгроқ қайта ёқлашига ҳам раҳнамолик қилганлигидан яхши хабардорман. Қисқаси, Ш. Рашидов унга ҳаммаша ғамҳўрлик қилиб келган эди. Домла эса...

Бир куни сиёсий ўқишга тўпланаётганимизда: «Бировлар учинчи юлдузини тақиб учун Сибир суваринини Ўрта Осиёга оқизиб проблемасини кўтариб чиқди», дея дарсхонага тунд ҳолда кириб келди. «Э, Худо, қанақа кунларга қолдик. Оқибатсизлик шунчалар ҳам бўладими», дедим нафасимни ичимга ютиб. Кўзим жиққа ёшга тўлди. Энди эса, вазиятга қараб, домла ҳам нуқтани назарини гўё ўзгартирган бўлди.

Ниҳоят, ғанимлар раҳматли акамнинг қабрига кўз тикдилар. Марҳумнинг оила аъзолари бир неча бор хат ёзишиб, қабрини она юрти Жиззахга кўчиришни сўраб мурожаат қилганларида ҳам Усмонхўжаев ва унинг атрофидаги бировнинг салласини деса калласини олиб келадиган музей югурдақлари, аёну аҳкомлари аксинча йўл тутдилар. Қарасаларки, жумлаи мўмин унинг қабри сари оқиб келмоқда... Биров белбоғини, биров яқтагини, биров тўғини ёзиб, курьон тиловат қилишмоқда, дуои фотиҳа ўқишмоқда. Эртаю кеч одамлар қўлида гул кўтариб, қабрини зиёрат қилмоқда. Уёқда Ленин майдони, буюқда Ленин музейи. Нима қилиш керак? Қабр ўрнини албатта ўзгартириш керак, деган қарорга келинган. Гўё бу ер «хурфот» ўчоғига айланиб қолаётгандай туюлган отасини ҳам танимайдиган даҳрийларга. Собик марказга пайдарпай қўнғироқлару турна қатор мактублар йўллашиб, мурожаат қилаверишган. Аслида, Масков ўзинча Шароф Рашидов қабрига кўз тикмаган эди.

Кунлардан бирида, ногаҳонда, жумҳурият Вазирлари Кенгашининг собиқ расни Ғайрат Қодиров уйимга кўнғироқ қилиб қолди. Мен билан кўпдан бери қўришиб юрган қадрдорлардек, ҳол-аҳвол сўраб, «маслаҳатли бир иш» борлигини айтди. Кабинетига ташриф

Шарофат БОТИРОВА

*Ота, бугун баҳорнинг қизил гули очилди,
Номингизни беркитган қўлф қалити очилди.
Денгиз мисли қўдратли элнинг дили очилди,
Қабоғимга суртайин қадрингиз кулган кунни.*

*Ота, бугун юзлари қаро бўлди ғанимнинг,
Эл ғазаби ўқ бўлиб тешиди улар танини.
Нафратига дуч келди қўлим Ҳазрат Алининг,
Қабоғимга суртайин қадрингиз кулган кунни.*

*Ота, Наврўз кунлари Сизни борлиқ сўради,
Қизгалдоқлар қабрингиз қизил гулга ўради.
Мустақил жумҳурият Сиздай қаддин тиклади,
Қабоғимга суртайин қадрингиз кулган кунни.*

*Ота, гўзал Жиззахда тикланмоқда бўйингиз,
Карвон келар Кашмирдан, бошланади тўйингиз,
Дунёдаги жами халқ тўрлар элингиз,
Қабоғимга суртайин қадрингиз кулган кунни.*

*Ота, мен Ойқиз бўлиб эл васлига чиқурман,
Юртинг элчиларига суюнчилар тутурман,
Сувдаги оқ рўмомим Чигатойга илурман,
Қабоғимга суртайин қадрингиз кулган кунни.*

*Отажон, Ҳақиқатнинг тирилгани рост бўлсин,
Бўхтон-у қаллобликнинг қўмилгани рост бўлсин,
Қўллагувчи дўстларнинг минг-минглиги рост бўлсин!
Қабоғимга суртайин қадрингиз кулган кунни!*

Жиззах



Таниқли жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов доимо халқ билан бирга эди.

буюришим керак экан (у менинг боршимга машина ҳам юборган эди). Кўчага чиқсам, машина кутиб турибди. Қизил майдонга равона бўлди. Борсак, мени раиснинг муовини иззат-хурмат билан лифта олтинчи қаватга олиб чиқди. Ҳайҳотдай хонада ҳеч ким йўқ эди. Қодировни сўрадим. «У киши янганинг олдида ўтишга кетдилар, ҳозир келадилар», деди. Узоқ кутдим. Вақт ўтапти. Эртага кун бўйи сабоқ бор, дарсга бора олмайдиганга ўхшайман. Узримни айтиб, ишхонамни (деканат) хабардор қилиб қўйишим керак, дедим. Муовин руҳсат бермади. «Раис ҳозир келадилар, хотиржам бўлинг. Уларни ректорингизга айтиб қўяди», деди.

Ниҳоят, раис ҳам кириб келди. Юзлари шолғомдай қизариб кетган. Кейинчалик билишимча, унга ҳамроқ бўлиб борган прокурор — иккаласи ҳам яхшигина таъзирини еган. Хуллас, бир пиёла чой ичилиб, бирпас сукут сақлангандан сўнг, у тилга кирди.

— Авф этасиз, ука, акангизнинг қабрини кўчиришга қарор қилингани хусусида сизни хабардор этмоқчиман.

Мен у кишининг оиласи ва укаси Саҳобиддин Рашидов акамнинг жасадини Жиззахга, ота-боболаримиз ёнига дафн этилишини сўраб мурожаат қилганлигини эсладим ва «Усмонхўжаев иккинчи Жиззах қўзғолони кўтарилишидан чўчибди-да», дедим.

— Гапингизда жон бор, ука, — деди Ғ. Қодиров. — Бироқ бу иш биргина Усмонхўжаевнинг инон-ихтиёри билан қилинаётгани йўқ. Бу бюронинг қарори. Қолаверса, Масков билан келишилган. Шароф Рашидович атоқли партия ва давлат арбоби. Жиззахдаги қабристон қаердаю Тошкентдаги коммунистлар мазори қаерда! Бу ерга дафн этилгани маъқул.

Қўйингки, 1987 йил 25 февралдан 26 февралга ўтар кечаси, соат иккилардан кейин эл-халқни ухлатиб, тумонат одамлар қатнашувида (булар нуқул формадаги қуролланган аскарлару миршаблар эди) ишни бошладилар. Жуда ваҳимали манзаранинг гувоҳи бўлдим. Эпирай! Наҳотки, бу ерга тўпланган, ҳатто қуролланган кўплаб девдай навкарлар қаерда тинчгина ётган бир мўмин инсон, раҳматли акамдан шунчалар кўрқинса!.. Йўқ, навкарларда не айб! Булар ҳаммаси ўша даврдаги ўз соясидан кўрққан нобакор, аламзада бир тўда сотқин амалпарастларнинг кирдикори эди.

Махсус эксперт орқали кўзни қамаштирувчи сон-саноксиз барқ (проекторлар) нурида, турли-туман техника ёрдамида қабрни очишга тутиндилар. Мен ва жиянларим пайдо бўлишимиз билан, гўё ёв қувиб келаятгандек, зудлик билан чақира-чуқур суратга ола бошлашди. Енимда Ғайрат Қодиров ва бу алланечук гайритабиий «маросимга» мутасадди бошқа шахслар. «Ҳим — дедим ўзимча, — сизларга худди ана шу нарса — оила аъзолари қатнаши», деган гап керак эди, муддаоларингга эришдиларинг. Эҳ, малъунлар!..»

Чиндан ҳам эртасига «Тошкент оқшоми» рўзномасининг 27 февраль сонида гўё «қариндошларининг аризасига мувофиқ Ш. Рашидовнинг хоки Форобий кўчасидаги қабристонга қайта дафн этилди», деган маъмулда чумчуқнинг тилидай хабарнома босилиб чиқди.

Буюқда раҳматли акамнинг гўрнини қавлаб ётишибдию ўша топда менинг хаёлимдан нималар кечаётганини ҳозир тушунтиришим қийин. Орадан етти-саккиз йиллар ўтар, иштихонлик бир деҳқон шоир Абдулла Турдиев ҳаммамизни ўртаб юборган бу мудҳиш воқеани шундай ёзади (шеърининг айрим бандларини келтираман):

*Тирикликда сўнги нафас: «Алvido, ҳаёт!»,
Фано топиб, бир қабрга сўғмадим, ҳайҳот!
Ўз элимга эмасдим-ку, ахир, етти ёт—
Бу не шўрши — гўрингда ҳам, оҳ, озор етса!!*

*Каслар айтсин — бир жонимга минг жон асрадим,
Эл ғамидан ўз ғамимни пинҳон асрадим.
Наҳот, дўст деб, гоҳ қўйнимда илон асрадим—
Ҳайҳот, дўстинг чиқса агёр — қўлдан тор кетса!!*

*Ўз қадримга йиғлагайман — ҳолимга эмас,
Жон аччиғи — ортда қолган молимга эмас,
Рухимга ҳам тошлар отган золимга эмас—
Қай бир бедин ўз сўягин, ваҳки, хор этса!!*

*Икки дунё дунёсида ёлғиз Оллоҳ ҳақ,
Ҳақ-ноҳақлик фатвоида ёлғиз Оллоҳ ҳақ.
Ҳақ каломники айтгувчи Оллоҳимсан — халқ —
Шароф номим шараф топай — Оллоҳ ёр этса!..*

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Усмонхўжаев Ўзбекистон фирқачилари Марказий Қўмитасининг ахборотида «КПСС Марказий Қўмитасига мурожаат этиб, Ш. Рашидовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорни бекор қилишни сўради» («Совет Ўзбекистони», 1986 йил, 7 июнь) деган, шунингдек, КПСС Марказий Қўмитаси ва Вазирлар Кенгашининг қароридоги «Ўзбекистон Компартияси ҳамда Вазирлар Кенгашининг таклифларини ўрганиб чиқиб...» каби ибораларни тан олишдан бош торти.

Е бўлмаса Шукрулло Мирсаидов имзо чеккан бир тутуриксиз қарордаги уйдирма сўзларга эътибор қилинг: «Ш. Рашидовнинг

жасолади қариндошларининг аризасига биноан дафн этилгандан сўнг орадан уч йил ўтганини ҳисобга олиб, унинг хоҳини Форобий кўчасидаги қабристонга қайта дафн этишга рухсат берилсин» («Ўзбекистон овози», 1992 йил, 8 апрель). Бу ва юқоридаги қўшტიриқ ичидаги сўзлардан ақл бовар қилмайдиган бундай бадкирдорликни биринчи бўлиб бошлаганлар, яъни марҳум акамни гўрдан олиб гўрга солишни «қонунийлаштирганлар» аслида кимлар экани беш қўлдек равшан бўлса-да, ҳамон улар Масковни пеш қилмоқдалар. Бу қанақа лўттивозлик! Қабрни Жиззахга кўчириш хусусида жаноб Усмонхўжаевга неча бор мурожаат этилганку, ахир. Бу тўғри. Такрорлайман: Жиззахга кўчиришни сўралган. «Қариндошларининг аризасига биноан, орадан уч йил ўтганини ҳисобга олиб», «Форобий кўчасидаги қабристонга қайта дафн этиш» каби ибораларни қайси ноинсоф, хонасаллот ўйлаб чиқарди экан! Биринчидан, қариндошлар бундай аризани ҳеч қачон ёзмаган ва ёзиши мумкин ҳам эмас эди. Иккинчидан, ўша бетамиз қарорнинг мантисиз мантиқига кўра, инсонлар қабри уч йил муддатдан сўнг муқарраб ўзгартирилиши керак экан-да! Учинчидан, Форобий кўчасидаги қабристонга дафн этиш ҳақидаги гаплар тўқиб чиқарилган. Бу нима ўзи: росмана саводсизликми ёки учига чиққан сиёсий кўрликми? Гирт уйдирмалардан иборат мазкур қарор аслида Усмонхўжаевнинг зуғуми ва қистови, қатъий талаби билан бажарилган. Афсус ва надоматлар бўлинки, халқ тақдири ана шундай доводир риёкор раҳбарлар кўлида қолган эди. «Эй, парвардигор, ички душманлардан ўзинг асра, ташқисини яқсон этармен...» деган экан соҳибқирон Амир Темур. Хуллас, барча разолатликларни ўзгалар эмас, балки Шароф Рашидовнинг ҳаёт эканлигида унинг саховатидан баҳраманд бўлиб келган мунофиқ «садоқатли дўстлари» амалга оширдилар.

Иккинчи акам Саҳобиддин Рашидов ҳақида. У ҳам бу орада, қабрни Жиззахга кўчириш масаласида Усмонхўжаев, Осетров ва Абдуллаеваларнинг олдига қатнайвериб, озиб-тўзган (ўзи кўпдан бери жигар хасталигидан азият чекиб юрар эди), ғам-алам ўтида қовурилиб, ҳаётдан эрта кўз юмди. Бу ҳам етмагандай, усмонхўжаевчилар яна ўлганининг устига тепган қабилда иш кўриб, урушда қон тўккан, турли лавозимларда ҳалол ва бенуқсон ишлаб, хизмати сингган бир инсоннинг жасдини ўз вақтида ўз жойига дафн этилишига рухсат бермай, сарсон-саргардон қилиб куттириб қўйдилар. Усмонхўжаевга сажда қилган Лазиз Қаюмов сингари гумроҳлар эса (у ўша кезларда «Совет Ўзбекистони» рўзно-маси бош муҳаррири эди) марҳумни дафн этиш учун бир парча ер топилмагани сингари, олийгоҳимиз жамоасининг менинг номимга юборилган икки энлик таъзияномасини «ўз газетасида» эълон қилишни ҳам лозим топмади.

«Зарбдор» танқидчилар орасида Шароф Рашидовни ижод аҳлига маъмурий таъйиқ ўтказиб келган раҳбар қилиб кўрсатишга зўр бериб уринганлар ҳам бўлди. Узоқ йиллар давомида, то яқин даврларгача бизнинг Марказқўмда мафкура соҳасини қандай шахслар бошқариб келганлигини ҳозир ҳамма билади (ҳали билиб олинмаган нарсалар қанчадан-қанча!). Агар лозим бўлса, ўт ўчирувчилардан чиққан ёки айрим таги маънавий нопок ўша мафкурачилар саркотиб, ёзувчи Шароф Рашидовнинг ўзига ҳам адабиёт нима эканлигини зимдан «ўргатиб қўйишга» тайёр эдилар. Бунга ажабланиб бўладими?

Фирқавий раҳбарлик мақоми, барча соҳаларда бўлгани каби, бадиий адабиётда ҳам, ўзига хос бир «ёшинчоққ ўйин» эди. «Социалистик реализм» жонли бадиий адабиёт учун тайёрланган улкан бир қарасдан бошқа нарса эмасди. Мафкура, жумладан, адабиёт ҳам ўша минг хил оҳангга солиб мақталган «ленинча сиёсат»нинг югурдагига айланиб қолгандан кейин нима ҳам қилиш мумкин?.. «Адабий ўт ўчирувчилар» эса том маънодаги ёнгинни эмас, балки «йилт» этган ҳар қандай рўшноликни, адабиётнинг уни адабиёт қиладиган қўрнини ҳам сўндириб юборётганини яшириб қаёққа ҳам борамиз? «Туяни яширсанг, ўрқачи кўринади», дейдилар.

Ўзимнинг бу мулоҳазаларим билан акамни ҳар қандай соғлом танқиддан бутунлай холи қилмоқчи эмасман. Афсуски, унинг ўзи ҳам аллақачна асарларида жамиятда фирқанинг етакчилик ролини, ўрис халқининг оғаларча «бегараз» ёрдами ва бошқа шундай росмана қарашларни ортқ даражада бўрттириб тасвирлашга майл билдирган, «шахсий намуна» кўрсатиб, бошқаларни ҳам шунга рағбатлантирган. Нима ҳам дейин? Бўлган иш бўлганда энди.

Лекин ёзувчи Шароф Рашидовнинг қисса, роман ва шеърларини билиб ўқиш керак. (Сўзловчи нодон бўлса, тингловчи доно керак, дейдилар. Аксинча, эмас: сўзловчи доно бўлса, тингловчи нодон бўлмасин.) Асарларининг юза қатламларида жойланган сўзларни кўриш эмас (буни ҳамма ҳам кўради!), балки адбнинг чуқур дардини ва асл муддаосини тағматидан топиб, фаҳмлаб, ички бир туйғу билан мутлола қилишга тўғри келади. Ёзувчига муносиб ўқувчи керак. Еки бир асарда айтмоқчи бўлган, ўз муҳити учун — даҳшатли фикрга миллионлаб кишиларни тайёрлаш мақсадида бир неча «қизил» қиссалар ёзишга ҳам мажбур бўлган кўринади...

Бундай воқеаларни эслаётганимнинг боиси Шароф ака ўзига мурожаат этган кишиларга аввало одамгарчилик ва меҳр-шафқат розасидан ёндашиб, муомала қилганини қайд этиш. У киши билан чиқишмаган айрим ёзувчиларга келганда шунга айтиш керакки, акам вафотидан сўнг, ҳаётлигида унинг мурувватидан баҳраманд бўлган айрим ижодкорлар ҳам, қарангки, тескари йўл туттиди: «Совет Ўзбекистони санъати» журналида ишлаб юрганимда, — деб ёзади Нурали Қобул «Ёшлик» ойнамосининг 1987 йил, 9-сонида, — истеъдодли шоиримиз Хуршид Давроннинг Абдулла Қаҳҳорга бағишланган шеърини чоп этдик (1979 йил эди). Сарлавах астида «Грузиянинг

Қултураби шахрида Абдулла Қаҳҳорга ҳайкал қўйилди», деган жумла бор эди. Журнал мушториларининг қўлларига бориб етгач, мени Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша пайтдаги биринчи секретари ўз хузурига чақиртирди. У хонасига қирар-қирмасимдан: — Нега «Санъат» журналида шеър босасан, шундан бошқа ишинг йўқми, — деб журналини башарамга қаратиб отиб юборди. Мен ёшлик қилдимми, қўрқдимми — билмадим, лекин унга кўнглимдагидек жавоб қайтара олмадим. Кўнглимдаги жавобни эса устоз Абдулла Қаҳҳор худди ўша биринчи секретарнинг юзига қараб туриб, 1968 йили, Навоий театрида 60 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган юбилей кечасида айтган эди:

— Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман!

Лекин мен лом-лим дея олмадим. Нима дейман, бари бефойда эди. Ер билан битта бўлиб, «хаммаиз учун ҳурматли бўлган» раҳбар хузуридан чиқдим. «Солдатлар» эса каминани зикновга ола бошлади. Шундай йўсинда улар ўзларини энг катта СОЛДАТга садоқатли эканликларини исботлар эдилар. Лекин биз ҳам ўзимизнинг ишимизни адо этгандик».

Бу қуруқ сафсата, тўқима гап. Аслида, Ш. Рашидов бировларга журналини улоқтириш у ёқда турсин, ҳатто овозини кўтариб муомала қиладиганлар ёки кўнглида кек сақлаб қовоқ уядиганлардан эмас эди. Аксинча, табиятан фариштадай бир инсон эди, доимо каттаю кичик билан очик чеҳра, иляқ табассум билан кучоқ очиб кўришарди. Колаверса, Абдулла Қаҳҳорга ҳурмати бор эди акамнинг.



Шароф Рашидов деҳқонларнинг ҳолидан доимо хабар олиб турарди.

А. Қаҳҳорнинг шахсиятига келганда, унинг 80 йиллик таваллудига санъаткор ижодини бир ёқда қолдириб, адиб шахсини Шароф Рашидовга қарши қўйиб тасвирлаганлар ҳам бўлди.

Ҳар бир даврга баҳо берганда, ўша замон шароитини ҳисобга олиш лозим, деймиз. Бу тўғри, албатта. Аммо бари бир, гуноҳ гуноҳлигича қолади. Уни қанча хаспўшлагша уринишмасин, тарих кечирмайди. Мард инсон бошига қилич келган тақдирда ҳам ўз эътиқодидан қайтмайди. Ҳаётдан кетса кетадикки, гуноҳдан ўзини тияди, қабиҳликка бормайди.

Хуллас, айрим улкан ёзувчиларимизнинг жувонмарг этилишида, афсуски, баъзи адибларнинг ҳам қўли борлиги эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Акам ҳақида ёзаялман-у, тепамда унинг арвохи тургандай. Афсуски, ҳамма гапни айта олмаيمان. Ким бўлмасин, биронинг хотири ранжида бўлишни сира-сира истамасди у. Ҳатто ўз ганимининг ҳурматини ҳам жойига қўя биларди. Шундай экан, гинакудуратнинг мавридини ҳозир? Ҳа, айни мавриди. Истайманми-истамайманми, гоҳо марҳумларнинг ҳам номини тилга олишга тўғри келар. Начора, у марҳумлар ҳам марҳум акамнинг хотирасига рўй-рост тухмат қилган эди-да.

Отаси Акмал Икромов ҳақида ёган романида ўрусийзабон ўзбек ёзувчиси Комил Икромов фавқуллод мунофиқлик қилиб (акам тириклиги чоғида унга «маънавий отам» деб ситинар эди!), Шароф Рашидовлар сулоласи ҳақида ўта беандишалик билан шундай ёзган: «Отаси чор ҳукуматининг соқчиси бўлганини Рашидов яширади. Фалокат унинг бу нарсани ва яна бошқа баъзи нимарсаларни яшириганида ҳам эмас, балки у ёлгон ичида ёлгон ҳаёт кечирди. Улғу Ватан уруши йилларида Рашидов, сирли бир ҳолатда ҳаш-паш дегунча армиядан қайтди, унинг жангдан қочганиги ҳақида жиноий

иш ҳам қўзғатилган ва бу иш бирданга ёпиб юборилгани ҳақида гап-сўзлар ҳам юради. Лекин булар миш-мишлар.

Бу миш-мишларни текшириб кўриш жуда душвор, деб ўйлайман. Хўжжатларнинг изини ўтириш ва шоҳидларнинг ёстигини қуриштиришда у етарлилик имкониятга эга эди-да. Ишқилиб, мен тилга олаётган гапларда жон бор. Рашидов юксак амал курсида ўтириб қилган кирдиқорлар олдида ўз келиб чиқиши ва ҳарбий қочоқчилигини яшириш ҳеч гап эмас, хамирдан қил суғургандай бир гап. Мабодо, бу гаплар тасдиқланса, Рашидовга, аъмолига муносабатни ўзгартириб бўлсиз («Знамя» ойнамаси, 1989, 6-сон, 82-бет).

Ўйламай гапирган, оғримай ўлар, деганларидек, К. Икромов бу манфур сўзлари учун судга берилиши олдида, 1989 йилнинг 3 июнида ўлди. Шуниси борки, бу гаплар сўнгги пайтларда бир култур арқонинг қули бўлиб қолган Комонинг уйдирмаси ҳам эмас эди. Аслини олганда, у билан оғиз-борун ўпишиб, ҳамтовқо бўлиб юрган «маҳаллий» гумашталари, Ш. Рашидов билан тиритида ҳам, ўлигида ҳам курашиб келган бир-иккита вилоятларнинг қабиҳ тухматидан бошқа нарса эмас. Тошкент юлюктининг собиқ ходими Вали Усмоновнинг 1964 йилда вилоят фирка конференциясида Ш. Рашидов шайнига қарата сўзлаган «классик» нутқи ҳам (бу нутқни ўз ташаббусим билан сўзлаганман, дейди у) ана шу гумашталар хизмати маҳсули эди. Хуллас, К. Икромовнинг бўҳтонлари бангхондан чиққан нашаванднинг алаҳиришига ўхшаш бир гап. Шундай экан, бу «айбнома»ларга ҳозир батафсил жавоб ёзиб ўтиришнинг ўзи беҳуда (аввало, Комил Икромовнинг жанг майдонларида ватан шайнини ҳимоя қилган акам Шароф Рашидов ҳақида ёзишга умуман маънавий ҳаққи йўқ эди). Бовужуд, икки оғиз маълумот. Отамиш Рашид Халидов етти пушти дехқон бўлиб, суяги меҳнатда қотган, умри қора меҳнатда ўтган бир одам эдилар. Буни у турғилиб ўсган Жиззах туманининг Совунгарлик қишлоғида яшовчи қариялар яхши билади. Ака-ука Шароф ва Саҳоб Рашидовлар айна қиёмат қойим уруш даврида — 1942-1944 йилларда ҳаракатдаги армия сафида, қонли жанг майдонларида қатнашган ва жанг майдонидан ярадор бўлиб қайтишган. Уларнинг кўркак тўла жанговор мукофотларини бир бошдан санасам, баъзи асаби суст адилларимизнинг яна хотиралари ранжийда бўлишидан кўрқдим.

Темур Пулатовга келсак, у («Огонёк» ойнамасининг 1988 йил, 29 июль сонидати «Миллат отаси»нинг паноҳида» мақоласида) мишмишларни ихтиро этишда Комил Икромовдан ҳам ошиб тушди. Шароф Рашидов вафотидан сўнг адбнинг асарларини бировлар ёзиб берган, деган гапларни сурбетларча тарқатган бундай «эътиқодли ёзувчи»га жавоб беришни мен ўзимга эп кўрмайман.

Ш. Рашидов асарларига баҳо беришда қуюққондан чиқиб, андишасизлик билан фикр юритган К. Икромов, Т. Пулатовларнинг сафига баъзи адабиётшунос олимларни ҳам киритамиз ва бу ҳақда кейинчалик махсус фикр юритамиз.

Шароф Рашидов ўз ижодини катта жумҳуриятни бошқаришдай ўта мураккаб иш билан қўшиб олган борган экан, башарти, ўз сафдошлари, катта ёзувчилар қатори соф ижодий иш билан машғул бўлганида, аминманки, қанчадан-қанча нодир асарлар қолдирган бўлар эди. Шусиз ҳам ўзбек адабиётида унинг ўз муносиб ўрни бор. Башарти, ҳеч нарса ёзмай, юрак қўри билан яратган биргина «Кашмир кўшиги»ни ёзиб қолдирган тақдирда ҳам, номи адабиётимиз тарихида умрбод қолар эди. Бир инсон умр бўйи яхшилик экиб, ёзадига тухмат маломатлардан ҳосил кўтарса-я! Биргина «Кашмир кўшиги» 56 тилга ўгирилган экан, нахотки акам бутун дунё адабиёти намояндаларини, чунончи, ҳинд, араб, япон, венгер... ноширларини ҳам «сотиб олган» бўлса?.. Ҳар қанча хурматим бўлмасин, мен бу хил ёзувчиларнинг ва шуларга ўхшаш «халис хизмат»ни қилиб қўйиб, эндиликда яна мадҳиябозликка ўта бошлаган адилларнинг адиллигига мунаққид адабиётшунос олимларнинг олимлигига ишонмайман!

Эмишги, Шароф Рашидов ўзбек ёзувчи ва шоирларига мукофот ёрликларини керагидан ортқ даражада бериб, адабиётимизнинг кадр-қарамини ошириб-тошириб юборибди. Ёзувчилар билан санъаткорларга кўпроқ мукофоту унвоилар улашилган экан (буни ҳам урдалаган одам қилади-да!), ҳечқиси йўқ, маъзур тунтайсиз. Тўғри, акам бу масалада, вазиятга қараб, унча-мунча қонун ва расмий қарор қодир бўлганидан кўра кенгрок доирада иш тутган пайтлари ҳам бўлган ва тўғри қилган деб ўйлайман.

Акам катта-кичик ишлар билан банд бўлатуриб асар ёзишга улгургани сингари, қанчадан-қанча бадий асарларни ўқишга ҳам имкон топар эди. Чунончи, у севган адиллари А. Фадеевнинг «Еш гвардия» ва К. Паустовскийнинг «Серташвиш ёшлик» романларини йўл-йўлакай иш орасида бир ҳафтага етар-етмай ўқиб чиққани шоҳидиман. Бадий асарларни мутолаа қилишгина эмас, шу билан бирга, унинг ижтимоий, тарбиявий ва маърифий аҳамияти мислсиз экани, инсонни гўзаллик, нафосат билан ошно қилишда, эзгу ниятлар руҳида тарбиялашда санъатнинг бирон тури у билан тенглаша олмаслиги ҳақида кўп мартабалаб сабоқ беради. Шунингдек, у киши китобни varaқлаш, унга тикилиш — бу ўқиб дегани эмас. Китобни синчковлик билан теран тушуниб, маъзини қақиб ўқиб кераклигини уқтирар эди. Бу сабоқлар, беихтиёр, машҳур мураббий В. А. Сухомлинскийнинг қуйидаги сўзларини ёдга солади: «Китоб ўқимаслик натижасида бой берилган нарсанинг ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди. Агар болада китобни севиш, унинг қадрига етиш ҳисси ўз вақтида тарбияланмас экан, кейин бу ишни амалга ошириш жуда-жуда мушкул бўлиб қолади».

Акам завод, фабрика, жамоа ва давлат хўжаликлари, болалар боқчаси, қўйингки, қайси бир меҳнат аҳли билан учрашиб суҳбатлашмасин, асарият, уларнинг қандай бадий асар ўқиганлиги

юзасидан қизиқсиниб савол-жавоб қиларди.

У кишининг ҳикоя қилишчи, қунардан бирида, аллақайси бир туманда бўлганда, фирка ташкилотининг биринчи котиби тилгёламалик қилади. У киши одатда ким қайси асарни ўқиётганлиги ёки қайси кинофильмни томоша қилаётганига кўзи тушиб қолса, дарҳол мазкур асарнинг ёки кинофильмнинг номини, муаллифини, иштирок этувчи қаҳрамонларини сўради. Акам худди шунинг сингари котибдан: «Қайси асарни ёган эканман?» деб сўраб қолади. Котиб хиёл сукут сақлагандан сўнг, «Фарҳод ва Ширин»ни ёгансиз», деб каловлашиб қолади. Кейин маълум бўлишчи, котиб ўша кезлари оғиздан-оғизга ўтиб, халқ орасида оммавийлашиб кетган «Кашмир кўшиги» қисасини назарда тутган экан!

Ўқоридаги мулоҳазалардан Ш. Рашидов ҳаётнинг нагушу намоларидан, ҳузур-ҳаловатдан бутунлай йироқ, бебаҳар, завк-шафқисиз яшган экан-да, деган хулосага келмаслик керак, албатта. Акам ҳамма ишга улгургани сингари дам олиш соатларида сайр қилишга ҳам, билларида ўйнашга ҳам, стадионда футбол қўришга ҳам, «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси уюштирган мотокросс, қовун сайилга ҳам, дала ҳовлида оила аъзолари билан бир йўла икки-учтаб кинофильмларни томоша қилишга ҳам вақт топарди. (Тўғри, фаолиятнинг кейинги йилларида, ишнинг кўплигидан, бундай юмушларга имконияти камаё борган эди.)

Акам муҳаррирлик йиллари «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси уюшмаси оталиғидаги жамоат хўжаликларига, жумладан, Дўрмондаги Абдулжамил Матқобуллов, Янгийўлдаги Абдулла Ортиқов, Қорасувдаги Мурзоб Камолов сингари даргалар бошқарган ва жумҳуриятга донг таратган «Қизил Ўзбекистон», «Ленинизм», «Ворошилов» каби машъал хўжаликларга бола-чақалари билан (пахта теримига, сайрга, қовун сайилга) ташриф буюриб туришарди. Бундай гаштли йилларга кўп мартабалаб иштирок этиш каминага ҳам насиб этган.

1949 йилнинг октябрида «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси жамоаси оталиқдаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига теримга чиқишганда акам мени ҳам ҳазиллашув мусобақага — теримда ким ўзрга тақлиф этгани ёдимда. Махсус автобусда дала йўллари бўйлаб белгиланган манзилага етиб боришимиз билан жамоа аъзолари кучоқ очиб кутиб олишди. Муҳаррират уюшмаси неча йиллардан буён мазкур хўжалик жамоаси билан бир оиланинг аъзоларидек опоқ-чапоқ бўлиб кетишганидан воқифман...

Акам дунёдан ўтди. У киши билан бутун бир рухий дунё кетди... Шароф Рашидов ҳақида вафотидан кейин ўтган етти-саккиз йил ичида матбуотда ёзилган гапларнинг кўпи тахминий гаплар, миш-мишлар, сафсата, ёлгон-яшиқ, тухмат ва бўҳтонлардан иборат. Мен, очиги, акам билан фахрланаман. Акамнинг тутган йўлини мен тута олмайман, албатта. Ҳар кимнинг тақдир ҳар хил бўлади. У киши сингари ўз муҳолифларига нисбатан бу қадар бардошлик, сабр-тоқатли бўлиш қўлимдан келмас. Кимки у инсонга ёмонлик соғинса, у ўша кимсига нисбатан яхшилик қилишнинг жуда назик йўллари билар эди. Ҳеч бир раҳбар «СССР» аталмиш баҳайбат қизил аждар комидан ўзбек халқининг туз-насибасини унингҳалик тортиб ололмаган. Мен яқин ўтмиш ҳақида куйиниб гаширдим. Акамнинг юрак-бағрини лола каби доғлаган нарса, бошқа барча иллатлар билан бирга, оқ пахта атрофидан тўқилган қора қурум бўлди. Илоҳим бундай ўтмиш зинҳор қайтиб келмасин.

Дунёда яхши одамлар кўп. Тўғрисиини айтганда, акамнинг ранимлари кичкина одамлар эмас эди. Ана шундай қалтис бир вазиятда Шароф Рашидовнинг пок номини тиклаган бир инсон — президентимиз Ислом ака Каримов олдида таъзим қиламан.

Ота-онанг ўлса ўлсин, ота-онангни кўрганлар ўлмасин, деган гап бор. Акамнинг яхшилигини ҳам, ёмонлигини ҳам Холиқ ва халқ билади. Унинг меҳнати ва заковатидан эл-юрт баҳраманд бўлди. Шароф Рашидовнинг инон-ихтиёридан ташқари содир бўлган баъзи бир ишлардан жабр кўрган ҳам, аслида, бошқа бировлар эмас, халқ бўлди. Лекин мушфиқ одамларимиз унинг яхшилигини эсида сақлаган экан. Меҳнатқаш эл-улус қалбига йўл топа олган, унинг дил-дилдан мустаҳкам ўрин олган экан Шароф ака.

Ҳайрият, мана энди она Ватанимиз узра ооздлик насими эсмоқда. Тоғдай армоним: қанийди, менинг ҳам акам тирик бўлсаю бугунги истиқлол диёрида ўз жонажон халқи, дўсту ёронлари қатори яшаёв, эркин нафас ола. Аминманки, акам Шароф Рашидов ҳам, ҳеч бир иқиланмай, комил иймон билан мустақиллик йўлини кучоқ очиб кутиб олган ҳолда унинг олдинги сафларида борар эди. Чунки у ўзининг бутун ҳаёти, қилган ва қилиб улгуролмаган улуг ишлари ва ижоди билан мана шу улугвор, афсонавор ёруғ айёмнинг келшини оруз қилди ва энг оғир шароитда, мураккаб қунарларда унга замин яратди.



Кўшиқлар

Тошкентим — Пойтахтимсан

Шарқда улугвор шаҳрим,
Хушрўй, пушқор шаҳрим,
Харитага хол бўлган
Донги улугвор шаҳрим.

Ном қозондинг Чоч бўлиб,
Тарих туздинг Шош бўлиб,
Асрлардан ошолдинг
Гоҳ кўҳна, гоҳ ёш бўлиб.

Сир сенга содиқ хўштор,
Чирчиқ нур сочар хўшёр,
Тунда ой — жиға, кундуз —
Бошда қўёш — тожинг бор.

Қуршаб кўз узмас тоғлар,
Қучиб ризқ тутар боғлар,
Анҳор, Салор яшна деб,
Қўйнингга ўзни чоғлар.

Сен тун-кун уйғоқ шаҳрим,
Танти серқўноқ шаҳрим,
Дастурхони узилмас
Бунёдкор қувноқ шаҳрим.

Шарафли пойтахтимсан,
Илму ижод наҳримсан,
Нон шаҳри деб ном олган
Сен туганмас фаҳримсан.

Дил муддаоси

Тиниқ чашма таги тош,
Сиргида ўйнар қўёш.
Шу чашмадек кўнгли пок
Сўйганим сен қаламқош.
Единг кўнглим зарари,
Хайл учар сен сари.

Мен ишқинг мубталоси,
Васлинг дардим давоси,
Осмонмисан, етолмас
Кўнглим қушин парвози.
Бу кибру ҳавоингму,
Е нозу ибойингму.

Тиз чўкмаган ер эдим,
Бош букмаган шер эдим.
Бошим эгиб, тиз чўкиб,
Мен сенга асир дедим.
Кўнглимга бериб баҳор,
Шафқат этсангчи бир бор.

Қандоқ қилай ғолибсан,
Дил тизгинин олибсан,
Зоҳиджоннинг бошига
Ишқ савдосин солибсан.
Сенга кўнглим нидоси,
Васлинг дил муддаоси.

Яйра, кўнглим

Яйра, кўнглим, бу айём —
вафодор ёр келармиш.
Яшна, кўнглим, талпиниб,
васлимга зор келармиш.
Ҳижрон тунда эрдим,
офтоб бўлиб қошимга,
Висол тонгин бахш этиб,
кўймай губор келармиш.

Эт бажо боди сабо

Ерима еткур саломим тинчимас боди сабо,
Не дегай, келтир каломин, қаршилай деб марҳабо!
Неча кундир бир кўришга эгди зор у дилрабо,
Еки мendan кечдими тез, бераҳм гулгун қабо.

Аҳдидан гар кечса ҳам у, кечмагайман ҳеч қачон,
Чунки меҳри илдиз отмиш жисму жонимга чунон,
Шул сабаб ишқ қасридин дил кетмагайдир ҳеч қачон,
Шунафас боди сабо айт, қайда деб меҳру вафо?!

Е ёмонлар фитнесига учдими, этгил баён,
Еки ўзга севгисига кўчдиму кўнгли бу он?
Бунда Зоҳиджон паришон, эй сабо, тарқат гужон,
Дил шу оқ тонгдай ёришсин илтижойим қил бажо!



Бағрим сўзона қилган машғум
гужонлар тарқаб,
Ер ҳинд гулларига бўлиб баҳор
келармиш.

Шум ўйлар уммонида
Хасдек чарх урарди дил,
Тутиб нажот соҳилин,
чин халоскор келармиш.
Тарона эт, Зоҳиджон, кўнглим
мавжларин бир-бир,
Бўлса бўлсин оламга ишқим
ошкор, келармиш.

Туганмас достонимсан

Ерим мунча ноз этасан,
Қачон менга роз этасан?
Очиб кўнгли тилсимини,
Ишқимни мумтоз этасан?
Сен жону жаҳонимсан,
Боқмасанг, армонимсан.

Ишқим кўзин очган ўзинг,
Қалбимга нур сочган ўзинг,
Кундуз кунни кам кўришиб,
Тузга кириб қочган ўзинг.
Сен жону жаҳонимсан,
Боқмасанг, армонимсан.

Единг билан кунлар ботар,
Единг билан тонглар отар,
Умид кўкин босар булут,
Юрагимдан губор кўтар.
Сен жону жаҳонимсан,
Боқмасанг, армонимсан.

Хушомадга парво қилма,
Еш бошинга бало қилма,
Сенга содиқ Зоҳиджоннинг
Кечган кунин қаро қилма.
Сен жону жаҳонимсан,
Туганмас достонимсан.



Зоҳиджон ОБИДОВ

Эй кўнгли

Сен саховат ошённи бўл,
уйқса тек тур, эй кўнгли.
Сен малоҳат бўстони бўл,
уйқса жим юр, эй кўнгли,
Бу жаҳонда бор экансан,
кимса гар наф кўрмаса,
Эзгуликдан очмайин сўз,
ерга юз бур, эй кўнгли.
Сен адолат посбони бўл,
қалби қувлик қийрасин.
Феъли шумлар узра журғат
отларин сур, эй кўнгли.
Сен жасорат достони бўл,
ким туширса элга доғ,
Ҳеч аёв билмай яшиндек
чақмогинг ур, эй кўнгли.
Бўлма лоқайд, эй Зоҳиджон,
адлу инсоф бирла юр.
Ез кўкидек тоза диллар
бирла бўл жўр, эй кўнгли.

Мумтоз этиб

На бўлур боқсанг қиё гар
қиш кунимни ёз этиб,
Тиглама дил тобакай сен
раҳму шафқат оз этиб.
Вилсанг эрди сенсиз ўтган
онларим озорини,
Бунча савдо солмас эрдинг
сен фируғу ноз этиб.
Дардим айтсам, тош, метин ҳам
қоқ ўтиндек ўт олур.
Айла инсоф, ёқмайин эл
бағрини мен роз этиб.
Бора-бора қилма пора
аҳду паймон риштасин,
Биз ани асраб қолайлик
хуш йиғиб, эъзоз этиб.
Гар узилса риштаи ишқ,
қайтадан боғлаш маҳол,
Боғласанг ҳам бир туғун қолмиш
дилинг носоз этиб.
Шубҳа қилиб юрма зинҳор
сен Зоҳиджон ишқига,
Жондай асрар минг баодан
севгисин мумтоз этиб.

Бахобандлик нақшбандлик

Ўтмишда жонажон диёримиз Мовароуннаҳр (Ўрта Осиё) тупроғидан бир талай забардаст мутасаввуф донишмандлар етишиб чиққанлар. Ушандай тасаввуф олимларидан бири Бухорои Шарифда туғилиб ўсган ва ўзининг Нақшбандия таълимоти билан бутун мусулмон дунёсида машҳур бўлган ватандошимиз Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанддир.

Маълумки, Исломдаги тасаввуфий оқимлар динимиз пайдо бўлгандан кейин кўп ўтмай шу дин доирасида, Қуръон ва Ҳадис аҳкомига мос равишда пайдо бўлади ва Шарқ мамлакатлари бўйлаб Ислом динининг ёйилиши билан бир қаторда тасаввуфий оқимлар ҳам бирин-кетин кенг тарқала бошлайди.

Халиф Абдул Малик (685—705 йиллар) замонасидаги мутасаввуфлар таркидунёчилик қилиб, рўза тутганлар, гўшт емай юрганлар, фақирона ҳаёт кечириб, қўпол ва қалин жундан (суф) чакмон кийганлар. Ушандай таркидунёчилардан суфийлар (суфизм ёки тасаввуф) оқими — мутасаввуфлар жараёни аста-секин пайдо бўлган. Ушандай таркидунёчилик ташкилотлари аввал VII—VIII асрларда Қуф ва Басра шаҳарларида пайдо бўлади. IX асрнинг иккинчи ярмида эса Вағдод ўшандай таркидунёчиларнинг йирик марказига айланади.

Тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва тақомили ҳақида гап кетар экан, Шарқдаги хурфирқилик ва унинг тасаввуф билан ўзаро муносабатлари борлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Шарқнинг Абу Сайид Абул Хайр, Бобо Қўхий Шерозий, Умар Хайём каби забардаст шоирлари нафақат буюк мутафаккир, мутасаввуф донишмандлар, балки пурмаъно хурфирқили ва илгор гуманист сўз усталари ҳам бўлганлар. Демак, Шарқда хурфирқилик ила тасаввуф бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар ҳисобланади. Бу борада эронлик машҳур олим Сайид Нафисийнинг мана бу фикрлари алоҳида диққатга сазовор: «Эрон мутасаввуфлари ўз фикрларини эркин айта олмайдиган бир оғир ва зулм-истибод авжига минган даврларда яшаганлар. Шунинг учун ҳам улар диний-мазҳабий ниқоб остида ўзларининг мутараққий фикрларини баён этишга мажбур бўлганлар».

XII асрдан бошлаб Ислом дини тарқалган юртларда суфизмнинг турли-туман тариқатлари (орденлар) пайдо бўла бошлайди. Вағдодда биринчи дафъа машҳур мутасаввуф олим Абдул Қодир Жилиний (1078—1166) номи билан боғлиқ бўлган Қодирия тариқати барпо этилади.

Мовароуннаҳрда пайдо бўлган биринчи тариқат туркий халқларнинг машҳур шоири ва мутасаввуф донишманди Хожа Аҳмад Йесавий (1166 йилда вафот этган) номи билан боғлиқ Йесавия тариқатидир.

Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, ўз даврига нисбатан илгор оқим бўлмиш Нақшбандия тариқати Хожа Муҳаммад Баҳовуддин Нақшбанд (1318—1389) номи билан боғлиқдир. Нақшбанд 1318 йилда Бухоро ёнидаги Қасри Хиндубён қишлоғида туғилади. Сўнгра Ҳазрати Нақшбанд шарофати билан бу қишлоқ «Қасри Орифон» деб атала бошланган. 1354 йилда вафот этган мутасаввуф олим Хожа Муҳаммад Бобои Самоси Баҳовуддин Нақшбанднинг Бухоро ёнидаги Қасри Хиндубён қишлоғида пайдо бўлишини олдиндан башорат қилган экан. Мазкур мутасаввуф донишманд ёш Баҳовуддинни ўзига ўғил қилиб олади ва тарбиялайди. Вафотидан олдин уни ўз шогирди Сайид Амир Куллол топширади. Шу залда ёш Баҳовуддин ўша даврдаги атоқли мутасаввуф Сайид Амир Куллол қарамоғида таълим олади. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзма китоблар хазинасида сақланаётган «Рашаҳот» асарига ёзилишича, Сайид Амир Куллол ва Абдул Холиқ Гиждувонийларга Бухорои Шарифда Хожа Аҳмад Йесавий ҳазратлари таълим берганлар, сўнгра мазкур мутасаввуфларга комил ишонч ҳосил қилганларидан сўнг, ўзларининг она диёри бўлмиш — Туркистонга (Йесига) азимат айлаганлар.

Баҳовуддин Нақшбанднинг ўзи умри бўйи деҳқончилик билан кун кечирган — ўз қишлоғида унчалик катта бўлмаган ерига бугдой ва мош экиб тирикчилик қилган. У уйда ҳеч қандай мол-дунё ва бойлик сақламаган. Қишда қамишлар устида, ёзда эса бўйра устида ётиб кун кечирган. Унинг уйда ҳеч қачон хизматкор ҳам бўлмаган.

Ҳазрати Нақшбанд бутун умрини ўз хоҳиши билан фақирлик ва йўқсилликда ўтказган. У киши ўз қўл кучи билан кун кўришни ёқтирган, тошган-тутганларини доимо етим-есирларга, бева-бечораларга ибром этган, ҳукмдорлардан доимо ўзини йироқ тутган, улар олдида ҳеч қачон таъмағирлик қилмаган.

XIV асрда Ўрта Осиёда пайдо бўлган Нақшбандия таълимоти Афғонистон орқали Ҳиндистонга ва бошқа Ислом юртларига шиддат билан тарқала бошлайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) даврида, ундан кейинги XVI—XVII асрларда бу жараён анча тезлашади. Нақшбандия тариқати XVI асрда Хожа Муҳаммад ал-Воқийи Кобулий (1605 йилда вафот этган) Ҳиндистонга боргандан сўнг Ҳинд тупроғида авж олади. Бу машҳур мутасаввуф олим Афғон ва Ҳинд юртларида «Хожа Воқийибулло» номи билан машҳурдир. Унинг шогирди Хўжа Аҳмад Форуқ Сирхиндий (1563—1624) эса нақшбандизм таълимотининг XVII асрда Ҳиндистонда ёйилишида катта ўрин тутган.

Бадахшонлик мутасаввуф олим Муҳаммад Хошим ибн Муҳаммад Қосим ал-Нуъмоний ал-Бадахший ҳам Нақшбандия таълимотининг йирик вакили ҳисобланади. Ҳозир Шарқшунослик институтимиз қўлёзма китоблар хазинасида сақланаётган унинг «Насимат ул-қудс» асарига XV—XVII асрларда Ўрта Осиё, Хуросон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон юртларида яшаган нақшбандий мутасаввуфлар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қизиқари маълумотлар берилган. Мазкур асарнинг биринчи бобида Мавлоно Саъдулдин Кошғарий ҳақида қизиқ маълумотлар ўқиш мумкин. «Ҳазрати Нақшбанднинг жуда кўп пайравдорлари Ҳазрати Мавлоно Саъдулдин Кошғарийдан кўрсатмалар олиб дарвишлик йўлини ўрганганлар», деб ёзади ал-Бадахший ўз асарига. Ҳазрати Саъдулдин Кошғарий умрининг кўп қисмини Ҳиротда ўтказган, Нақшбандия тариқатининг XV асрдаги улкан вакили Ҳазрати Абдурахмон Жомийга устозлик қилган, Ҳазрати Жомий эса ўзининг шогирди ва дўсти Ҳазрати Алишер Навоийни Нақшбандия тариқатида жалб қилган. Устоду шогирд, Нақшбандия таълимотининг йирик пир-муршидлари бўлмиш Саъдулдин Кошғарий ва Абдурахмон Жомийнинг қабрлари Ҳирот шаҳри яқинидаги ажойиб, ҳамиша қўм-қўк бўлиб яшнаб турувчи ножу дарахтларининг сўлим соялари остида жойлашган қабристонда ҳозир ҳам сақланиб турибди. Бу муборак жой Афғонистон халқларининг Ҳиротдаги энг муқаддас масканларидан бири ҳисобланади.

Мавриди келганда айтиб ўтайликки, афғонлар юртида тасаввуфнинг Қодирия, Чиптия, Увайсия, Жунайдия, Йесавия, Қубравия тариқатлари кенг ёйилган бўлса ҳам, аммо Нақшбандия тариқати бу юртда кўпроқ шухрат қозонган. Афғонлар юртидаги Пир бобо (1583 йилда вафот этган), Ҳазрат Коко соҳиб ёки Шайх Раҳимкор (1575—1655), Ҳожи Баҳоудур бобо (1581—1686), Жамилбек ёки Жамолхон (Хушқол Хатакнинг акаси), Ҳазрат Жи соҳиб (1794—1877), Миён Умар Соҳиб (1776 йил вафот этган), Турангузо Ҳожи Соҳиб (1856—1937) каби Нақшбандия тариқатидаги машҳур мутасаввуф шайхлар афғонларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутганлар. Афғонларнинг машҳур шоири ва мутафаккири Хушқолхон Хатак, Афғонистон давлатининг асосчиси, машҳур шоир Аҳмад Шоҳ Дурронийлар ҳам Нақшбандия таълимотиға муътақид бўлганлар.



Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, нақшбандизм тўғрисида бизнинг олимларимиз бир-бирларига қарама-қарши фикрдалар. Афсуски, бизда Нақшбандия таълимотига, унинг Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётидаги ўрни масаласига эътибор берилмаётир. Бу таълимот Шарқ тасаввуфи тарихидаги бошқа тариқатлар билан муқоясавий таразда ҳар томонлама чуқур ўрганилмаётир.

Шу тариқа бизнинг табаррук юртдошимиз Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд томонидан асосланган Нақшбандия таълимоти Урта Осиё, Урта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта роль ўйнади. Бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм-истибодни қатъиян қоралайди. Бу таълимот тарафдорлари аскетизмга (таркидунёчиликка) қарши, бой-задагонларнинг зулм ва истибодига қарши бўлганлар, фақат ўз қўли кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун ўтказишга чақирганлар. Нақшбандийлар савдосотик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, бадий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, ҳаттолик, наққошлик, миниатюрасозлик, қурувчилик каби барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Шунинг учун ҳам ўз давридаги илм-маърифатнинг, адабиётнинг йирик намоёндалари бўлмиш Абдурахмон Ҳомий, Алишер Навоий, Хушқоҳ Хатак, Аҳмад Шоҳ Дурроний, Махтумқули Фироғий сингари Машиққамандаги юзлаб улкан тараққиётпарвар, инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар Нақшбандия йўлини танлаганлар, ҳаётни ва инсонни авжи баланд пардаларда қуйлаб тинмай баракали ижод қилганлар.

Маълумки, Нақшбандия тариқатининг ўн битта қоидаси (одоби) бор. Улар аввал «Нақшбандия» тариқатининг маънавий отаси бўлмиш Абдухалиқ Гиждувоний, кейин Баҳовуддин Нақшбанд томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тариқат аъзолари (солиқлар) учун асосий ахлоқ шартлари бўлиб хизмат қилган: Хуши дар дам, Назар бар қадам, Сафар дар ватан, Хилват дар анжуман, Едкард, Возгашт, Нигоҳдошт, Еддошт, Вуқуфи ададий, Вуқуфи замоний, Вуқуфи қалбий.

Уларнинг тафсилоти қуйидагича:

1. Хуши дар дам. Бу тушунча шундан иборатки, Худо ёди учун бажарилган зикр асосида ичдан чиқаётган ҳар бир нафас хушёрлик ва огоҳлик ила чиқмоғи лозим, токи бунда ғафлат юз бермасин. Ҳазрати Мавлоно Саъдулдин Кошғарий айтганларим, чиқаётган ҳар бир нафас хушёрлик билан огоҳона юз бермоғи лозим, яъни Ҳақи Субҳонаху номининг зикри билан ижро этилмоғи зарур.

Рубоий:

*«Эй монда зи баҳри илм бар соҳили айн,
Дар баҳр фароғат аст ва бар соҳил шайн.
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,
Огоҳи саҳар бош-у байн-ул-нафасайн»*

*(Эй илм денгизининг айн (кўзи) соҳилида қолган киши,
Фароғат денгиздадир, сўзларда эса — бешарафлик.
Кавнайн, яъни икки олам мавжидан назарингни ол.
Саҳар чоғида, нафасингни кириб чиқишида огоҳ бўл.)*

2. Назар бар қадам. Солиқ (тариқат аъзоси) шаҳар, қишлоқ, саҳро ва бошқа ҳар қандай жойда юрганда ҳар бир қадамига диққат билан разм солиб, огоҳ бўлиб юрмоғи керак, токи унинг назари пароканда бўлмасин, лозим бўлмаган жойга бормагани маъқул. Абдурахмон Ҳомий ўзининг «Тухфат ул-аҳрор» асарида Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанднинг «Маноқиби»даги мана бу қимматбаҳо фикрларни маснавий шаклида назм риштасига моҳирона чизган:

*«Кам зада ба қадами хуш дам,
Дарнагузашта назараш дар қадам.
Бас ки зи худ карда ба сурғат сафар,
Воз на монда қадамаш аз назар»*

*(Ҳар бир қадам хушёрлик ила ташлансин,
Ҳар бир қадам назар остида, огоҳлик ила ташлансин.
Кимки сурғат билан ўзича сафар қилса,
Унинг ҳар бир қадами назар остида бўлсин.)*

3. Сафар дар ватан. Бул қоида шундан иборатки, солиқ башарий табиатда сафар қилсин, яъни башарий сифатлардан мулкий сифатларга ва замима (қўшимча) сифатлардан ҳамида (маъқул) сифатларга интиқол этсин, яъни ўтсин.

Рубоий:

*«Ё раб, чи хуш аст бе даҳан хандидан,
Бе воситаи чашм жаҳонро дидан.
Бишиши ва сафар кун, ке бағоят хуб аст,
Бе миннат погарди жаҳон гарбидан»*

*(Ё раб, оғиз очмай, яъни қалбдан кулиш қандай яхши,
Ва кўз очмай (қарамай) жаҳонни кўриш қандай соз!
Бир жойда ўтириб, сафар қилиш бағоят маъқул,
Беминнат (қимирламай) жаҳон кезиш ҳам гоят соз.)*

Демак, қоидада қалб ва ботинан ватан бўйлаб сафар қилиш борасида гап бораётир. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу қоидада солиқнинг маънавий тақомили, салбий сифатлардан ижобий сифатларга ўтиб, камолот сари интилиши ҳақида сўз боради.

4. Хилват дар анжуман. Бу қоиданинг тафсилоти учун «Рашаҳот» асарида Баҳовуддин Нақшбанднинг ўзларидан қуйидаги қимматбаҳо жумларлар келтирилади: «Аз Ҳазрати Хожа Баҳовуддин пурсида анд ке, бинои тариқати шумо бар чист? Фармуда анд: Хилват дар анжуман, базохир бо халқ ва баботин бо Ҳақи Субҳона.

Байт:

*«Аз дарун шав ошно ва аз бирун бегонаш,
Иичунин зебо равиш кам мибуд андар жаҳон»*

*(Ташқаридан ошнонамо ва ичкаридан бегонаш бўл,
Бундай зебо равиш жаҳонда кам топилади»).*

5. Едкард. «Рашаҳот» асарида баён этилганидек, бу қоиданинг маъноси лисоний ё қалбий зикрдир. Ҳазрати Мавлоно Саъдулдин Кошғарий айтганларим, зикр таълимотининг тариқи қуйидагича: Аввал Шайх дилида шундай дейди: «Ло илоҳо иллоллох, Мухаммадан Расул Олло!» Шундан кейин мурид ўз дилини ҳозирлаб Шайх дилига баробарлайди, яъни уйғуллаштиради, кўзини каттароқ очади, оғзини устивор тутади, тилини танглайга ёпиштирган ҳолда, оғзини маҳкам ёпиб туриб, бурнидан ўпқасини тўлдириб нафас олади ва таъзим бажо келтириб, бутун бор қуввати билан зикр ижросига бошлайди.

6. Возгашт. Бу қоиданинг маъноси шундай. Зокир ҳар вақт калима тайбия (Ло илоҳо иллоллох, Мухаммадан Расул Олло!)ни айтиб бўлгач, унинг орқасидан ўшал қалб тили билан «Худовандо, менинг мақсудим сенсан, сенинг ризоингни тилайман!» дейди, тўғрисиго шу жумлаларни дилидан ўтказади.

7. Нигоҳдошт. Бу қоида шундан иборатки, тайбия калимасини зокир дилида айтганда хотира бошқа томонга қалғиб кетишиндан эҳтиёт бўлиши лозим, яъни зокир бир дамда ўшал муборак калимани бир неча бор такрорлаб хотирини жам қилиб олмоғи даркор.

8. Еддошт. Бу қоида Ҳақи Субҳонани ёдлашда солиқ ҳамиша огоҳ бўлиб туришни, яъни ўшал муборак аъмолни доимо ёдда тутишидан иборатдир.

9. Вуқуфи ададий. «Вуқуф» — бу тасаввуфий истилоҳ бўлиб, «билим», «таълимот» маъноларини англатади. Демак, бу бирикма Нақшбандия таълимотига хос сон (адад) таълимотидир. Шундай қилиб, бу қоиданинг асосида зикр жараёнида адад (сон-санок)га риоя қилиш англашилади. Хўжа бузург, яъни Баҳовуддин Нақшбанднинг ўзлари айтганларидек, ададга риоя қилиш қалбий зикр асосида зокирни фикр ўзгариб кетишдан ёки паришонхотирликдан сақлайди.

10. Вуқуфи замоний. Бу қоида, — дейди «Рашаҳот» муаллифи, — бандга ҳамиша ўз аҳволидан воқиф бўлиб турмоғини эслатади, токи ҳар бир сифат ўзгарishiда банднинг аҳволи нечук кечади, мавжби шукр бўладими ёки мавжби узар. Бу деган гап, солиқ ўз умридаги ҳар бир дақиқанинг яхшилик (хайр) билан ўтдими ёки ёмонлик (шарр) билан ўтдими? — буни доим у ҳисоб-китоб қилиб яшамоғи даркор.

11. Вуқуфи қалбий. Бу қоиданинг маъноси — зокирнинг дили доимо Ҳақи Субҳонаху томонга воқиф ва огоҳ бўлиб туришидан иборатдир.

Маълумки, юқорида тафсилоти берилган ўн бир одоб (қоида)нинг саккизтаси Хожа Абдухалиқ Гиждувоний томонидан ва учтаси Хожа бузург, яъни Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, биринчи (Хуши дар дам), иккинчи (Назар бар қадам), учинчи (Сафар дар ватан) ва тўртинчи (Хилват дар анжуман)си Нақшбандия (Хожাগон) тариқатидаги асосий қоидалар ҳисобланади.

Хожа Баҳовуддин Нақшбанднинг ҳаёти, тариқати, фаолияти ҳақида ҳам турли-туман ривоятлар, ҳикоятлар ва баҳсли гаплар ниҳоятда кўп. Ўшандай баҳели масалалардан бири унинг таҳаллуси «Нақшбанд» ҳақидаги муаммодир. Баъзи бир мутахассислар ул зотнинг ёшлик пайтида темирчилик билан шуғулланган ва темир буюмлар устига ҳар хил нақшлар ясаш билан машғул бўлган, яъни наққош ва расом бўлганлигини айтадилар. Ўшал ҳунарига асосланиб, унга «Нақшбанд» лақаби берилган, дейдилар. Бизнинг фикри оғизимизча, «Нақшбанд» лақаби мутафаккир ва мутасаввуф ҳазратнинг ўз таълимотидан — Нақшбандия тариқатининг юқорида ҳам эслатилган асосий қоидадан келиб чиқади. «Зоҳиран халқ билан ва ботинан Худо билан бўлиш», ёки «Дил Худо билан ва қўл иш-меҳнат билан бўлсин», деган қоида ва широдаги дилда Худо зикри бўлсин, дилда Олло — таоллонинг нақши битилган бўлсин, дил Худонинг нақши «суврат» билан банд бўлсин, яъни «нақшбанд» бўлсин, дейиш ҳақиқатга яқинроқ кўринади.

Бу борада Нақшбандия тариқатининг XV асрдаги йирик шайхи Ҳазрат Абдурахмон Ҳомий ҳам ишонарли ва эътиборли маълумот ёзиб қолдирган. Ҳомийнинг мана бу машхур икки рубоийсида Баҳовуддин Нақшбанд, унинг сулукидаги кишилар (солиқлар), яъни Нақшбандия тариқати аъзолари, ҳатто «нақшбанд» сўзига, яъни Ҳазрати Баҳовуддиннинг лақаби маъносига ҳам тўппа-тўғри ишора мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз:

*«Сари гами ишқ дардмандон донанд,
На хушманишон на худписандон донанд.
Аз нақши ту он басуи бенақш шудан,
Ва ин нақши гариб нақшбандон донанд».*

НАҚШБАНДИЯ САЖАРАСИ

БАҲОВУДДИН НАҚШБАНД
(ваф. 1389)

Аловуддин Аттор
(ваф. 1400)

Али бин Муҳаммад
ал-Журжоний
(ваф. 1413)

Яъқуб Чархий (ваф. 1447)

Султониддин Саъуддин Муҳаммад ал-Қошгарий
(ваф. 1455)

Абдурахмон Жомий (ваф. 1492)

Носируддин Убайдулло ал-Аҳрор бин Маҳмуд ал-Шоший.
Хўжа Аҳрор Вали (ваф. 1490)

Ориф биллоҳ Абдулло
ал-Симавий (ваф. 1490)
Саъид Аҳмад ал-Бухорий
(ваф. Истамбулда)

Муҳаммад Дарвиш Аҳмад
ал-Амқонжи Муҳаммад
Боқибилло
(ваф. 1603)

Урта Осиё

Ғарбий (Туркия)

Ҳиндий

Хусомиддин бин Боқибилло
(ваф. 1633)

Тождин Закария
(ваф. Маккада 1640)

Аллоҳободий (ваф. 1640)

Аҳмад Форуқий (Сирхиндий)
(ваф. 1625)

Муҳаммад Саъид. Мужаддадия.
Зубайрия. Мазхария.

Эҳсония, Оламия ва б. қ.

Мурод бин Али Бухорий
(ваф. 1720) Муродия (Сурья)

(Мазкур Нақшбандия силсиласини биз англиз тасаввуфшунос олими Ж. С. Тримингемнинг «Исролмодаги тасаввуф тариқатлари» асаридан олиб бермоқдамиз).

*(Ишқнинг ғаму асрорини дардмандлар англар,
На худманишлар, на худписандлар англар,
Бул нақшдан тортиб то бенақшлар томон,
Ва бул ғариб нақшини нақшбандлар англар).*

*«Дар маснади фақр чун бибини шоҳи,
Зи асрори ҳақиқат баяқин огоҳи,
Ғар нақиш кунни ба лавҳи дил суварати у,
Зи он нақш ба Нақшбанд йоби роҳи».*

*(Фақр мулкига сен бўла олсанг Шоҳ,
Ҳақнинг асроридан бўласан огоҳ.
Дилинга нақш этсанг Унинг (Оллоҳ) суваратин,
Шу нақшдан топасан Нақшбандга роҳ).*

«Рашаҳот айл-ул-хаёт» асарининг муаллифи Фахруддин Али ас-Сафий Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанднинг охириги дамлари ва вафоти ҳақида ҳаяжонли сатрлар битиб қолдирган. Ҳазратнинг охириги дақиқаларини кўрган машойихлар сўзларига таъниб Фахруддин ас-Сафий ёзадики, бутун ибратомуз ҳаёти давомида ҳаминшалик одатларидек, Ҳазрат ҳатто охириги нафаси чиққунга қадар пурлутф ва меҳрибон бўлганлар. Қасри Орифондаги қарвонсаройнинг бир ғарибона ҳужрасида 73 ёшида мариз бўлиб иккала муборак қўлларини ётган ҳолатларида табаррук юзларига суриб, Оллоҳи пок даргоҳига сидкидилдан дуолар қилиб, бағоят осойишталик ила дорулфанодан дорулбақога риҳлат этганлар.

Ас-Сафийнинг зикр этдигимиз асарида Хожа Баҳовуддин Нақшбанд вафотига номаълум бир шоир томонидан битилган тарих ҳам келтирилган:

*«Рафт Шоҳи Нақшбандон хўжаи дунёву дин,
Онке буди шоҳи роҳи дину давлат миллаташ.
Маскану мовои у чун буд Қасри Орифон,
«Қасри ирфон» з-ин сабаб омад ҳисоби риҳлаташ».*

*(Дунё ва дин хўжаси, нақшбандлар Шоҳи дунёдан ўтди,
Ул зот дин, давлат ва миллат йўлининг Шоҳи эрди.*

*«Қасри Орифон» ул зотнинг маскану мовои бўлгани учун,
Риҳлат ҳисоби ҳам «Қасри ирфон» бўлиб чиқади.)*

Хулоса шуки, Хожа Баҳовуддин Нақшбандни Урта Осиё халқлари жуда юксак қадрлайдилар. Халқимиз ул Ҳазратга баланд эътиқод қўйиб, «Баҳовуддин—балоғардон!» дея уни беҳад эъзозлайди. Мустақил жумҳуриятимиз, мамлакатимиз ва бутун дунёдаги илғор умуминсоний кадрятлар ҳар томонлама чуқур ўрганилаётган ҳамда мазкур умуминсоний кадрятлар дунё халқлари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларда тобора биринчи ўринга қўйилаётган ҳозирги ўта шиддаткор ва алғов-далғовли замонада «Яссавия», «Кубравия», «Нақшбандия» каби бизнинг ўлкамизда (Туркистонда) вужудга келган тариқатлар энди бизда ҳам ҳар томонлама чуқур ўрганилар. Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро ва Хожа Баҳовуддин Нақшбанд сингари буюк мутафаккир, мутасаввуф донишмандларнинг поклик, тўғрилиқ, ҳудожўйлик, меҳр-шафқат, адлу инсоф, имондорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби илғор умумбашарий фикрларидан халқларимиз баҳраманд бўлар, деб ўйлаймиз.


Яна шу фикрни ҳам эслатиб ўтайликки, 1993 йилнинг ноябрь ойида Ҳазрати Хожа Баҳовуддин Нақшбанднинг таваллудига 675 йил тўлади. Шу муносабат билан мустақил Жумҳуриятимизда улуг ватандошимиз Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг муборак таваллуд тўйлари муносиб равишда нишонланар, деб умид қиламиз.

Ориф УСМОН,

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

¹ «Қасри ирфон» жумласидан арабча ёзувда абجد ҳисобида хижрий «791» йил чиқади. Демак, Баҳовуддин Нақшбанд 791/1389 йилда вафот қилган экан.

Мазмунли умр



Тиббиёт олими, фан доктори, профессор, адабиёт ва санъат муҳлиси, шоир Ҳақим Зоҳидовнинг хотирлаб, мақола ёзишни кўнгилма тугиб, бир талай ҳужжатлар тўпладим. Бу табарруқ зотнинг шогирдлари, дўсту биродарлари билан суҳбатлашдим. Ҳақим Зоҳидов ёзган шеърларни, ҳажвий асарларни ўқидим. Хуллас, тасаввурим уфқи ёришгандан-ёришиб бораверди... Шу орада Самарқанд вилоятининг Нурота туманига хизмат сафарига отландим. Ҳақим Зоҳидовнинг таржимаи ҳолида бу заминга боғлиқ бўлган бир жумла хаёлим кўзгусидан лип этиб ўтди:

«1935 йилда Самарқанддаги тиббиёт олийгоҳини битирган Ҳақим Зоҳидовни тақсирот ҳайъати аспирантура таҳсилга йўллади. Бироқ қалбида ўти бор ёш шифокор, ўша пайтда кўплаб одамларнинг ёстигини қуритаётган вабо, ўлат сингари касалликларга қарши курашиш мақсадида амалий ишга киришади. У Самарқанд вилоятининг энг чеккасида жойлашган Нурота туманига йўл олади».

...Уттиз бешинчи йилларни, Самарқанд шаҳридан икки юз чақирим узоқда жойлашган Нурота туманини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Оқтоб билан Қоратов оралмига жойлашган чексиз яйловлар, қиру адирлар, даралар, чўллар ичкари-сигача кириб борган қишлоқлар, чўпон ўтовлари... На тузукроқ улов бор, на текисроқ йўл. Яхши улов — от, туя, эшак. Энг равои йўл узундан-узук сўқмоқлар — ёзда чанг, қишда лой. Яқинда ўз берган очарчиликдан халқ ҳали қўтулиб улгурмаган. Сталин қатагонларининг қора кўланкаси бостириб келётган машъум пайтлар.

Игирма уч, игирма тўрт ёшлардаги навқирон йигит Ҳақим Зоҳидов ана шундай шароитда шаҳардаги ҳузур-ҳаловатини тарк этди, олис тоғлар бағридаги меҳнаткаш, заҳматкаш одамлар тақдирини ўйлади. Узи аслида шоир табиятли инсон эмасми, яйловлар, ҳайратомуз тоғлар, зилол чашмалар бағрига қалбан интилган бўлиши ҳам эҳтимол. Еки шеърга, бадииятга ташна қалби етти ажодди бахши ўтган Эргаш Жуманбулбулдай оқинлар юртини истадимкики! Ҳар қалай, у иш йўланмасини Нуротага олди...

Ҳа, Ҳақимжон ака азим Тошкент шаҳрида туғилди. Шаҳардаги етти йиллик мактабни, кейинчалик Тошкент тиббиёт техникумининг тиш мутахассислиги бўлимини битказди. Сўнгра билимини янада бойитиш мақсадида Самарқанд тиббиёт олийгоҳига ўқишга кириб, уни ҳам муваффақиятли тугатди. Илмга чанқоқлиқ, касбга садоқат, астойдил ўқиб-ўрганиш, ўзлгини, ўз йўлини собит туриб ҳимоя қилиш уни юқори чўққиларга ундарди... Кўп йиллар табобат соҳасида ишлаган, нуроталик меҳнат факрийси Баҳром ака Қаршев шундай ҳикоя қилади:

— 1936 йиллар эди. Эндигина Самарқанддаги тиббиёт техникумининг битириб келгандим. Аввалга оддий шифокор, кейинчалик туман бош табиби бўлиб ишлаган Ҳақим Зоҳидовнинг доврғи узук-узукларга ёйилди. Одамларнинг тилига тушди. Дардига даво топанлар отасига раҳмат дейишиб, дуо қилишарди. Ҳатто у киши шу олис қишлоқдаги бизга ўхшаш кичик шифокорларга ҳам кўп ёрдамлар бе-

рарди, йўл-йўриқлар кўрсатарди. Ҳозир ҳам ўша йиллар ҳақида гап кетгудай бўлса, Ҳақим дўстурни кўпчилик эслайди. Ахир кишининг дир фарзандини, кимингидир жигарини бевақт ўлимдан асраб қолган одамни унутиб бўлармиди!

Врач Ҳақим Зоҳидовнинг ойдин йўли ана шундай бошланган эди. Уз касбига садоқати кучли бўлган, иродали табиб ўша пайтларда кечани кеча, кундузни кундуз демая тинимсиз ишлаганини Баҳром ака сингари юзлаб шогирдлари такрор-такрор ҳикоя қилишлари мумкин. У киши бўш пайтларида тунлари — шам ёки чироқ ёруғида бадий иход билан ҳам машғул бўлар экан. Уша йилларда «Тўёна» тўпламида, «Эркин турмуш», «Гулистон» ойномаларида босилган «Кураш йигити», «Ойсара», «Бир кўзли қиз» сингари ҳикоялари, «Ленин йўли» вилоят рўзномасида чиққан «Чевар», «Яхши қол», «Кўшнимга хат», «Салом, қурултой», «Май саломи» сингари қатор шеърлари фикримизни тасдиқлайди.

Шундан кейин, тиббиёт борасида бирмунча амалий тажрибалар ортирган Ҳақим Зоҳидов назарий билимини ошириш мақсадида яна Самарқандга қайтиб келади. Тиббиёт олийгоҳининг мўътадил анатомия кафедрасига ассистент бўлиб ишга жойлашади. Худди шу йилларда у жуда кўп ўқийди, изланади, устозлари кўмагида тиббиёт сир-асрорини чуқур ўрганади. Шу билан бирга қатор ҳикоялари, шеърлари, ҳажвий асарлари жумҳуриятдаги деярли барча ойнома ва рўзномаларда эълон қилиниб турилади.

1941 йил арафасида ёш олим «Одам танасининг ривожига ва тараққиёти» деган мавзуда фан номзодлигини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унга тиббиёт фанлари номзоди илмий даражаси берилди. Тез орада уруш бошланиб қолди. Кўплар қатори Ҳақим Зоҳидов ҳам ўз ўрини жанг майдонида деб билди. Ёш олим Бириччи ўзбек бўлима-сининг миномётчилар қисмида катта врач бўлиб иш бошлади. Бироқ унинг ҳарбийдаги хизмати унча узоққа чўзилмади. Ҳақим Зоҳидовдай олим ва ҳаётий тажрибга эга бўлган шифокор фронт ортига — халққа ҳам зарур эди. Шу сабабли Республика ҳукуматининг илтимосига кўра, у ҳарбийдан озод

қилиниб, Самарқанд тиббиёт институтига директор этиб тайинланди. Кейинчалик — 1947 йилдан эътиборан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири бўлиб ишлай бошлади. Одамлар билан ишлаш, уларнинг соғлигини ўйлаш, иқтисодий қийинчиликларга қарамай одамларни ишга рағбатлантириш, уруш жароҳатларига ламхам бўлиш — буларнинг ҳамма-ҳаммаси тиниб-тиничимас раҳбарни таъшишга соларди. Бўлиб ўтган машъум уруш инсонлар қалбида, танасида сонсиз-саноксиз жароҳатлар қолдирган, юртимизда кўплаб оқумли касалликлар тарқалган эди. Ҳақим Зоҳидов бутун билим ва кучини халқ соғлигини яхшилашга сарфлади. Олимнинг ўша йиллардаги меҳнатлари «Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмас»нинг бронза медали билан тақдирланди.

Ҳақим Зоҳидов 1951 йилдан бошлаб илмий фаолиятини яна давом эттириш мақсадида Тошкент шифокорлик олийгоҳининг мўътадил анатомия кафедрасида меҳнат қила бошлади. Бир йил ўтганидан кейин эса Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигининг йўлланмаси билан СССР Тиббиёт фанлар академиясининг докторантурасига ўқишга кирди. Унга таниқли олим, профессор В. Н. Терновский устозлик олди... Ҳақим Зоҳидов 1959 йилда «Уч шохли нервнинг мия ствол қисмидаги топография ҳамда анатомик муносабатларининг ёшга қараб ўзгариши» деган мавзудаги докторлик илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳақим Зоҳидовнинг шундан кейинги меҳнат фаолияти ҳам тиббиёт фани ривожига, жумҳуриятимиз учун малакали шифокорлар етказиб беришга қаратилди. У кўп йиллар мобайнида Тошкент тиббиёт олийгоҳининг нормал анатомия кафедрасини бошқарди, жуда кўплаб шогирдлар тарбиялади. Унинг шогирдлари ҳозирги кунда Тошкент, Самарқанд, Андижон тиббиёт олийгоҳларида самарали фаолият кўрсатишгаётр.

Баъз одамларнинг умрини меваги дарахтга қиёсласа арзийди. Ҳақим Зоҳидов ҳам ана шундай сермахсул олим ва ижодкор эди. У киши Тошкентда болалар шифокорлиги олийгоҳи очилган 1972 йилда олтимиш ёшга тўлган эди. Шу

пайтда ушбу олийгоҳда ҳам мўътадил анатомия кафедраси Ҳақим Зоҳидов ташаббуси билан очилди. Янги жойга жуда кўплаб янги ўқув қуроллари олиб келинди. Бу ерда ҳам олимнинг жўшқин меҳнат фаолияти бошланиб кетди. Жумладан, тиббиёт олийгоҳлари учун ўзбек тилида «Одам анатомияси» дарслигини яратди. У «Лотинча-ўзбекча-русча анатомия атамалари» луғатини ҳам тузди. Шунингдек, тиббиёт билим юртлари учун янги тузилган ўзбек тилидаги «Акушерлик» дарслигига муҳаррирлик қилди. Таниқли шифокор ўз меҳнат фаолияти давомида тиббиётнинг муҳим масалаларига бағишланган саксондан ортиқ мақолалар эълон қилди.

Ҳақим Зоҳидовнинг умрига безак бўладиган яна бир қирраси, юқорида эслатганимиздек, у кишининг бадий адабиётга ошнолиги — шеър, ҳикоя ва ҳажвийлари воситасида «Ҳақим Зоҳидов» тахаллуси билан маълум ва машҳурлигидир. У кишининг Садриддин Айний, Гафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Мирмуҳсин сингари атоқли ўзбек шоир ва ёзувчилари билан дўстона муносабатда бўлганлигини кўпчилик билади. Ёзувчининг уруш йилларида Самарқанд вилоят театрида сахнага қўйилган «Ватан учун», «Икки қаҳрамон» асарлари, «Машутом» жаридасида босилган ҳажвий ҳикоялари, шу жаридида кутубхонаси сериясида чоп этилган «Соғлар ва доғлар» ҳикоялар тўплами, Ўзбекистон ойнаи жаҳонда намойиш қилинган «Орак амри», «Устозингни унутма», Қўқон драма театрида 1976 йилда сахналаштирилган «Гавҳарим» каби сахна асарлари Ҳақим Зоҳидовга шўҳрат келтирди.

Ҳақим Зоҳидовнинг кўп қиррали фаолияти ҳақида қанчалар ёзса оз. Моҳир ташкилотчи, нотик, устоз-тарбиячи, билимдон табиб, шоир ва ёзувчи Ҳақим Зоҳидов ҳаёт бўлганида 80 ёшга тўларди. Бироқ у ўзининг шифокорлик фаолияти билан, ёзиб қолдирган адабий асарлари билан ҳаммаша барҳаёт. У ана шу тариқа ўзига ҳайкал тиклаб кетган инсондир.



Латиф Сувонкулов ўз оиласи даврасида.

Юрт фуқаролиги

Оқилжон ҲУСАН

Бир куни овознигорнинг «Камалак» эшиттиришни тинглаб ўтирар эканман, ундаги битта нукта беихтиёр эътиборимни ўзига тортди. Эшиттириш иштирокчиларидан бири — тахминан ёши олтишларга борган онахон мухбир йигитнинг саволига жавобан шундай деди:

— Амакингиз билан турмуш қурганимизга роппа-роса қирқ йил бўлди. Шу қирқ йил мобайнида сиз оғзимиз санга борган эмас, ҳаммаша тотувликда яшаб келаяпмиз. Бир-биримиздан заррача хафагарчилик кўрмаганмиз. Ўғил-қизларимиз ҳам эсли-хушли бўлиб ўсишди. Келинларимиздан ҳам, куёвларимиздан ҳам нолийдиган жойимиз йўқ, худого шукур. Ўн бешта неварам бор. Ҳаммаси чизган чизгимиздан чиқишмайди... Илойим, сизлар ҳам бизлардай бахтли яшанглар...

Очигини айтганда, ҳурматли онахоннинг бу гаплари қандайдир сохта, ёлгон бўлиб туялди менга. Негадир, бир маҳаллар, қилнмаган ишни, қилинди, деб, бажарилмаган режани, бажарилди, деб берилган рапортларни эсладим ўша топда. «Нахотки қирқ йил бирга яшаган эр билан хотин бир-бириндан заррача хафагарчилик кўрмаган бўлишса? — дея ўйландим ўзимча. — Улар ростдан ҳам ҳаётда яшадимикин ёки қирқ йил яшаган бўлиб туш кўришдимикин? Инсонми улар ўзи ёки фариштамикин? Нахотки, беайб парвардигор, деган гап ёлгон бўлса?..»

Албатта ҳар қандай ишга баҳо беришда ҳам, ҳар қандай ҳолатни изоҳлашда ҳам нисбийлик, шартлилик бўлиши мумкин. Лекин нисбийликнинг ҳам чегараси бўлиши керак-да. Касалингни яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Олдий бир оилани қўйиб турайлигу, узоқ йиллар давомида жамиятимиздаги, тузумимиздаги камчи-

ликларни ҳаспўшлайвериб, ёмон аҳолиимизни яхши деб кўрсатишга уринавериб, не ахволга тушганимизни энди ҳис этиб турибмиз-ку!

Ишсафар билан Булунғурда юрганимизда мазкур мулоҳазамни шу ерлик оқсоқоллардан бири, эл орасида ҳўрмати бор инсон Латиф ака Сувонкуловга айтдим. Латиф ака ўз одагига биноан мийғида кулиб қўйди-да, шундай деди:

— Мулоҳазангизда жон бор. Ҳар қандай манаман деган хонадонда ҳам арзир-арзимас тортишувлар, майда-чуйда гаплар бўлиб туради. Чунки, инсон — робот эмас, унинг ўз фикри, дунёқараш бўлади. Мустақил фикрлашга қодир одамлар ўртасида айрича қарашлар бўлиши табиий. Бу гапни оилада юз берадиган икки-чикирларга ҳам таъбиқ этиш мумкин. Ҳамма гап ўшанака майда-чуйда тортишувларни, икки-чикир гапларни ақл-заковат билан, босиқлик билан бартараф этишда қолган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, менинг гапим тўғри, деб исботлашга уринаверадиган ўжар табиат кишилар оилада иззат-ҳурматга сазовор бўла олмайдилар. Ўз оиласида ҳурмат қозонолмаган одам, табиийки, эл орасида ҳам эътиборга молик бўлолмайди...

Аслида, оиладаги одоб-ахлоқ ҳақида Латиф ака Сувонкуловга мурожаат этишимнинг сабаби бор эди. Бу одамни мен узоқ йиллардан бери жуда яхши биламан. Самарқанд давлат дорилфунунининг тил-дабиёт куллиётиги намунали диплом билан битириб чиққан Латиф ака Булунғур туманида бир неча йилгача муаллимлик қилиб, ёшларга сабоқ берди. Кўп ўтмай яхши муаллим деб ном чиқарган Латиф ака Сувонкуловни туман фирқа кўмитасига ишга тақлиф қилдилар. Инсонийлик шаънига ҳаммаша юқори қўядиган, ўз манфаатидан кўп-

чилиқ манфаатини баланд деб биладиган бу одам бир неча йилгача туман фирқа кўмитасининг учинчи котиби бўлиб ишлаганидан сўнг «Булунғур» давлат хўжалиги бошланғич фирқа кўмитасининг котиби этиб сайланди. Бу вазифада ҳам кўпчилик билан тиллашиб, диллашиб ишлади. Ниҳоят, Латиф ака Сувонкулов сўнгги ўн беш йил давомида туман газлаштириш идораси жамоасига раҳбарлик қилиб келмоқда...

— Оила тебратишу ўғил-қизларни чинакам фуқаро, жамият аъзоси қилиб ўстириш осон иш эмас, — дея сўзини давом эттирди булунғурлик замондошимиз. — Бу ишнинг ўз масъуляти, қийинчиликлари мавжуд. Бу ишни кимки осон деб тушунса, хато қилади. Товба деб гапирай-ку, айрим ота-оналар бор, вақти келиб боласи нотўғри йўлга кириб қолгудай бўлса, асосий айбни мактабга, ҳатто богча тарбиячиларига тўнкашади. Бу — жуда кулгили ҳол. Ахир фарзанд ота-онаники бўлгандан кейин асосий тарбияни ўшалар бериши керак эмасми? Мактаб билан богча эса, оиладаги тарбияга оғгина кўмаклашиши мумкин... Мен фарзандлар тарбиясини шундай тушунам: боланинг, хоҳ у киз бўлсин, хоҳ ўғил бўлсин, ўздан катталарга салом беришидан тортиб, сўзлаши, муомаласи ва кийинишигача хўшёрлик билан кузатиб юриш ота-онанинг вазифаси ҳисобланади. Мана, худого шукур, беш ўғилу, икки қизнинг отасман. Шу болаларни ўстириб, чинакам фуқаро қилиб етиштиришим Розия янгангиз билан менинг вазифам, бурчим эди. Ана шу бурчни биз тўнғич фарзандимиз Тўлқинбой туғилган кундан бошлаб ҳис этганмиз. Биз ўз тажрибамизда битта нарсасга ишонч ҳосил қилганмиз: фарзандларга тарбия беришда камгап-лик билан иш битириб бўлмайди. Ҳаёт учун зарур бўлган гапларни боланинг қулоғига қайта-қайта қуявериш лозим — токи сизнинг ҳар бир фарзандингиз чинакамага шу юртнинг фуқароси бўлиб етишсин.

Юрт фуқароси... Жамият аъзоси... Бир қарашда бу атамалар қандайдир расмий, баландпарвозроқ туюлиши мумкин. Аммо, Ўзбекистон Республикаси алоҳида давлат бўлиб яшай бошлаганидан бери бу атамаларнинг вазни, залвори ошиб бораётгандек туюлади кишига. Эҳтимол, суҳбатдошим — Латиф ака Сувонкулов ҳам буну ҳис этиб, тургандир. Кўнглимдан кечганини унга билдирмай саволнома гап ташлайман:

— Маяковскийнинг «Совет паспорти ҳақида» шеърисидаги «гражданин» сўзини эслаётгандирсиз-а ҳозир?

Латиф ака ерга қараганча яна кулиб қўяди:

— Дарвоқе, ўшанака шеърлар ҳам бор эди-а, — дейди. — У давр ўтиб кетди энди, тарих бўлиб қолди. Энди ўзимизнинг гражданделигимиз — Ўзбекистон давлати фуқаролиги ҳақида гапиршимиз керак. Мана, масалан, катта ўғлим Тўлқинбой, ёшлигидан техникага қизиқарди, яхшигина ҳайдовчи бўлиб етишди, иккинчи фарзандим Эркинбой туманимиздаги «Ўзбекистон» давлат хўжалиги ёшлар ташкилотининг бошлиғи. Мана шулар ҳар қайси ўз ўрнида мустақил давлатимизнинг фуқаролигини ўз бурчига содиқлик билан бажариб юриши керак. Кейинги фарзандларим, келинларим, невараларим ҳақида ҳам шундай дейишим мумкин.

— Узингиз ҳақингизда-чи?

— Ўзимиз ҳақимизда шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Яхши туғилур, олижаноб фазилатлар, жумладан, юрт фуқаролиги тушунчаси ҳам, ота-онадан ўтди фарзандларга. Бу борада фуқаролигимизни имконимиз етганча бажариб келаяпмиз...

Шу муносабат билан суҳбатдошимнинг шу кунлардаги иш фаолиятига бир назар ташлайлик. Юқорида айтганимиздек, у киши сўнгги ўн беш йил давомида Булунғур тумани газлаштириш идорасига раҳбарлик қилиб келаётди. Замондошимизнинг юрт фуқароси сифатида кейинги бир-икки йилги фаолияти қандай кечаётди?

Ҳозирги замонда бирор ташкилотга раҳбарлик қилиш осон иш эмас. Чунки одам-

лар — ҳа, узоқ йиллар давомида партократиянинг раҳбарлик услубидан безиб қолган одамлар аввалги раҳбарларнинг кўпчилигига кейинги йилларда шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Бу борада фақат халққа суяниш, кўпчилик манфаатини кўзлаб иш тутиш раҳбарга мадад бериши мумкин. Латиф Сувоқулов ўзининг узоқ йиллик фаолияти давомида ана шу қоидага амал қилиб келган ва шу туфайли кўпчиликнинг хурматига сазовор бўлганини ҳис этган.

— Жамоа, кўпчилик, халқ ҳамма нарсани кўриб-билиб туради ва одамларга ҳам, жумладан, раҳбарларга ҳам тўғри баҳо беради. Шу боисдан, илгаригидан кўра хушёрроқ ва ғайрат кўрсатиб ишлаш лозим, — дейди Латиф ака. — Жумҳуриятимиз президенти Исом Каримовнинг қишлоқларни газлаштириш борасидаги фармони ҳам шунга тақозо этади. Шу нуктага назардан қараганда, бажарилган ишларимиз ҳар қалай дилни ёриштиради. 1991 йилда, яъни жумҳуриятимизнинг мустақиллиги эълон қилинган кутлуғ йилда Булунғур туманининг Бешқўтон, Мингчинор, Ешлик, Қорақамар, Қиён, Олмазор қишлоқларини табиий газ билан таъминладик. Бу ишларни амалга ошириш учун 24—25 қақирим масофага газ қувурлари ўтказилди. Туман газлаштириш идораси томонидан бажарилган ва бажарилаётган ба

йилги ишлар ҳам чакки эмас: Булунғурнинг кам аҳоли яшайдиган узоқ-узоқ қишлоқларига ҳам табиий газ «етақлаб» борилмоқда...

Латиф ака Сувоқуловнинг етмиш кишилик жамоага раҳбарлик йўриғи ҳам мақтовга арзирли.

— Кўпчилик билан ишлашнинг ўзи бўлмайди, — дейди у киши суҳбат асносида. — Жамоа билан яхши ишлаш учун бировга ота, бировга ака бўлишинг керак. Чунки етмиш нафар одамда етмиш хил хулқ-атвор бўлади-да. Раҳбар одам ходимларнинг оилавий турмуши билан ҳам қизиқиб туриши лозим. Витта мисол айтман. Еши олтимишга яқинлашган Федя исмли ходимимиз бултур ичкиликка қаттиқ берилди. Ўзи қўлигул уста. Бир-икки бор танбёх бердик — натижа бўлмади. Охири уйига бориб, оғайниларча, тенгқур жўраларча гаплашдим. Федянинг хотини кегиб қолган экан. Хотинини чақиртириб келиб, қўни-қўшилар иштирокида яраштирдик. Оила қайта тикланди. Устанинг ҳозирги ҳолати, ишлари ҳам ёмон эмас... Ўзингизга маълум, сўнгги йилларда бозор иқтисодиётига ўтишимиз муносабати билан, яшириб нима қиламиз, унча-мунча қийналаётган оилалар ҳам бор. Мавридини топиб ўшандай оилаларга қарашиш ҳам биздек раҳбарларнинг бурчимиз ҳисобланади.

* * *

Мамлакат фуқароси... Янги жаmiят аъзоси... Гоятда маъсулиятли атамалар, зиммага эзгу бурчлар, олий мақсадли вазифалар юклайдиган сўзлар. Замондошларимиздан бири Латиф ака Сувоқулов — ана шу бурч ва маъсулиятни тўла ҳис этадиган инсон. Оилада меҳрибон ота бўлиш, қобил фарзандлар ўстириш, ишхонада раҳбар ва мураббий сифатида обрў орттириш, маҳалла-қўйда, эл орасида оқсоқол деб ном чиқариш, тўйбошилар маслаҳат сўрайдиган даражага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Ахир бу дунёда оила тебратишу бола-чақа ўстириш у ёқда турсин ёлғиз ўзини аранг эплаб юрадиганлар ҳам кўп-да. Шуларни мулоҳаза қилганда бир ҳақиқатга қайта-қайта ишонгинг келади: бу дунёни фақатгина эзгу ишлар, яхши ниятлар, ақл-заковат устунлари тутиб туради.

Латиф ака Сувоқулов — истиқлолга эришган мамлакатимиздаги фуқаролардан бири. Бундай асл фуқаролар тағин ҳам кўпаяверса, юртимизнинг келажаги ана ҳам порлоқ бўлаверади.

Шоҳимардон манзараси

Бу нураган тоғлар, бу чўккан тоғлар,
Йўқотиб қўйгандир виқорларини.
Ҳарир туман эса эзгин оҳ-воҳлар,
Кўҳна қайғуларнинг ғуборларидир.
Бу нураган тоғлар, бу чўккан тоғлар,
Бошида булутлар айланган чоқда,
Уйладим: кифтига пахта ортмоқлаб
Пахтакор қайгадир йўчан кетмоқда...



Изтироб


«Мен сени севаман...» — титрайди лабим,
Кўзимда айланар кумуш ҳалқалар...
Мен ахир бир марта жондан севгандим,
Мен ахир севаман ҳамон жон қадар.
Қошлари қаророк эди қошингдан,
Ундан-да қаророк кунга қолдим мен,
Бир кеча Ҳумойдек учди бошимдан,
Афсус, унутмадим, гарчи тондим мен.
Энди мен ҳар лаҳза ўзни алдайман,
«Мен сени севаман...» — дейман бошим ҳам.
Чехрангдан ўхшашлик излаб қарайман.
...Қошлари қаророк эди қошингдан...
Сен-чи?
Сен бунчалар маҳзунсан нега?
«Севаман...» — дейсану мискиндир унинг.
Неларни қидириб қарайсан менга?
Қошлари қаророк эдим унинг?

Муסיқа

Тарам-тарам киприкларини
Ороқўлда силаётган аёл,
Қирқ ханжари билан ҳавони
Жаранглагиб тилаётган аёл,
Чилтор чалаётган аёл.
Юзлари муסיқа, кўзлари муסיқа,
Қошида ер ўпти тизларим, муסיқа,
Мен ахир қирқ фасл изладим муסיқа...
Майин-майин кулаётган аёл,
Чилтор чалаётган аёл.
Кокилларин силкиб ўйнайди қулунлар,
Чарх уриб, чирпирак ўйнайди қуюнлар,
Қонимда айланиб ўйнайди жунунлар...
Сирли-сирли кулаётган аёл,
Чилтор чалаётган аёл.
Юранин гилофдан чиқазиб тутқаздим,
Илкига ўтказдим ихтиёримни,

У, у бирам гўзал йиғлатиб чертди
Энг зариф, энг нозик қирқта торимни!
Эй жон, ўларимда кўзларингдан ўпай,
Гулдек сўзларимда тизларингдан ўпай,
Тулроқ бўларимда изларингдан ўпай...
Нурли-нурли кулаётган аёл,
Чилтор чалаётган аёл.
Юзларим муסיқа, кўзларим муסיқа...

Фарғона



ИҚБОЛ
(Н. Мирзаалиев)

Тўн

Бир тўни бўларди Теша қизиқнинг:
Бичими ҳам содда, астар жўн эди,
Манглайдаги тердан ялтирарди енг,
Униққан, ўнгиған эски тўн эди.
Шу тўн билан тўйга борарди, қизиқ,
Пешини қайириб ер ҳам чопарди.
Гўзага сув қўйса, тунда ёпинчиқ —
Уватга ёнбошлаб устин ёпарди.
Баъзан чақиртириб қоларди раис,
Уша тўн: тупроқ, тер, гўза нафаси.
Раис дерди:
— Бошқа тўн йўқми, ахир,
Бу ерни идора дерлар, акаси!
— Хотин чарчаган йўқ ҳозирча ямаб,
Мен ҳам эл қатори юрган одамман.
Шароитга қараб, одамага қараб
Тўнни ўзгартишга ўрганмаганман.
...У кун ҳам, у тўн ҳам қолди ўтмишда,
Эслаганда фақат кулиб қўйишар.
Бугун зерикиб тўн алмаштирашдан
Енгил-елпи кийим кийиб юришар.
Теша бўва, мендан ражжманг, илло,
Замон ўзга, мен ҳам ўзга оламман —
Тўнни кўтаролмай қолганда дунё
Эл қатори тўнсиз юрган одамман!




си у томоша қилиб тура қолсин, бешовимиз ўйнаверайлик?

Йўлмирза янада кучлироқ исён кўтарди:

— Ҳо-о! Силар маза қилиб ўйнайсизлар-у, мен қараб тураверарканман-да, а!

— Менда яхши бир тақлиф бор,— деди Савронбой, тобора кучаяётган тортишувга нуқта қўйиб, тезроқ ўйинни бошлаш умидида ё «муаммо»ни баттар чалкаштириш ниятида.— Бундай қилсак-чи: Йўлмирза билан Ражаббой ҳозирча ўйиндан чиқиб турсин. Унис жуда ёш — чидамайди, буниси обдон кўрасини кўриб, тулки бўлиб кетган — тагин тунов кунгидек алдаб-лақиллатида. Ана, Отабой, Бошбек, Омонтурди, мен — тўртовимиз буларга ўйиннинг каттасини кўрсатайлик!

Ўйин ўрнига бошланган тортишув энди даҳанаки жангга айланди — Ражаббой Савронбойнинг ёқасига ёпиша кетди:



Раҳим ОТАУЛИ

Отабой

Ҳикоя

Отабой маррага кўзларини ўқдек қадаган кўйи икки оёқда базур тик турар экан, беҳаттиёр ихраниди. Худо ҳаққи, шу тобда кўш елкасида тўнқайиб ўтирган манови барзангини кўтариш тугул, ўз қаққини тик тутиб туриш амримҳолдек! Қани энди киндик қони томган шу она ерга узала тушса-да, ақали бир муддат нафас ростласа! Йўқ! Номус ўлимдан кучли деганлар. Наники узала тушиш, бир лаҳза тўхташга ҳам ҳаққи йўқ унинг! Аввал омон-эсон маррага етиб олсин, устидаги айикдек бесўнақай Качал полвонни «Е пирим!» дея марранинг нарёғига коптокдек иргитсин! Ана ундан кейин... хоҳласа — ерга узала тушади, хоҳласа — тагин ўша отамерос озодлик кўшиғини айтади, хоҳласа — отабошни¹ қайта қўлига олиб, манови барзангини ҳам, анови унга масхараомуз қараган овулдошларини ҳам лаккакининг ортдан зувиллатида, хоҳласа — бу фирром ўйин — тирриқчиликдан буткул воз кечади-да, жиддийроқ бир ишинг бошини тутди. Йўлмирзадек норасида болақай эмас, эрта-индин мактабни битираман деб турган кап-катта йигит, ахир! Ҳа устига беҳос ёпирилган шу балодан тезроқ кутулсин, нарёғига баайни Афандидек билганини қилаверади. Лекин ҳозир... оёқлари чалишиб йиқилмай, расвоий жаҳон бўлмағи, ўз шаънига, Отабой отига муносиб бир тарзда маррага омон-эсон етиб олса бас!

Бироқ... тагин етими-саккиз қадамча боров! Падарига лъзнат марра, интилгани сайин, саробдек тобора орта чекинаптими нима бало! Назарида нақ бирми-ярим минг йилдан буюн ҳаллослаб қолаётгандек. Буниси етмагандек, энди устидаги Качал полвон ҳам қадам сари зил-замбиллашиб бораяптими. Уриснинг ўлигидек мунча оғир бўлмаса бу Урискул деганлари! Ҳамма урискулар шунақамикин? Е фақат унинг чекига мана шунақа мешқорин тушганми?

Аслини олганда, аввал-бошда ўйинга қўшилмаслиги керак эди, тамом-вассалом. Ҳўп, ана, қўшилишга қўшилган экан, зинҳор бу Урискулни қўшмаслиги керак эди. Қўшилишга қўшибдимми, ҳар не қилиб бўлсин, ўзи ўйиндан четга чиқиши керак эди. Некинбилганими, нафсонияти қўзиб ўйиндан чиқмабдими, энди бирдан-бир чораси — энгиб чиқиш! Тагин ўйиндан ўт чиқиб, эр йигитлик шаъни-шавкати ер билан битта бўлмаса майли эди ишқилиб. Шу кейинги бир ярим-икки соатнинг ичида ўзиям роса таъмирини еди-да аммо-лекин! Худо ёрлақаб, омон-эсон маррага етиб олса борми, қайтиб бундай фирром ўйинни елкасининг чуқури кўрсин!

Сирасини айтганда, ўйинлари аввал-бошдаёқ дилхиралик билан бошланган эди-да! Уч соатча аввалмиди-ей, ишқилиб, айни намозгар пайти, одатдагидек, олтовлон бир жуфт ипак арқондек эшилиб ётган майиндан майин тупроқ йўл ёқасидаги ундан-да майинроқ, ажриқор сайхонликда учрашдилар. Одатдагидек, қуръа ташладилар: қани, отабош кимга насиб қилар экан? Буни қарангки, ўйинни бошлаб бериш тагин унга — «олти оғани ботирлар»нинг тўнғичи бўлмиш Отабойга насиб қилди. Ушандаёқ анови кичик ботирларнинг кенжаси Йўлмирза норози бўлиб тўнғиллади:

— Қачон қарасанг шу Отакан² эга чиқади-туради. Бундан ортиқ фирромлик бўлмас! Кутилмаганда пайдо бўлган нохушликка Бошбек барҳам бермоқча тугинди:

— Нимаси фирромлик, инчак! Ҳали бошламасимиздан ўйинбузуқчилик қилаётган ўзинг эмасми? Ҳа, энди, «худо» деб турсанг, сенинг ҳам чекинга чиқар! Чекинга чиқмабдими, мардона курашда энгиб олади-да, ўғил бола деган!

Гапга Омонтурди аралашди:

— Бола бечора нима қилсин, ҳадеб зувиллайвериб юрак олдириб қўйган-да ахир! Яхши-

— Ҳой, сен қирчанғи, нима деятганингни биласанми?! Ҳозир бир уриб абжағингни чиқариб қўяйми? Қорахитой отаннинг калтакларидан қочиб қутуламан деб алдоқчи бўлиб кетган ўзинг-ку! — Нимагадир у тўсатдан шаштидан тушиб, бўшатган ўнг қўлини бир силтаганича даврадан йироқлашди. — Ҳамманг шунақасанлар! Қачон қарасанг, мени четлатиб, яккалаверасанлар! Айбим нима, ахир?! Ана, бошларингдан қолсин отабош-лаккаларинг!

Отабой икки ҳатлаб Ражаббойнинг олдига борди-да, елкасидан қучоқлаган кўйи ортига қайтарди:

— Бунақа аразчи бўлмагин-да, ошна! Жаҳлинг нақ бурнингнинг учига туради-я! Ким сени четлатапти! — Сўнг даврага қатъий юз бурди. — Ҳали ўйин бошланмай туриб бир-биримизга бунақа ола қарамайлик-да, жўралар. Агар ўйнасак, олтовимиз ҳам баравар ўйнаймиз. Агар ўйнамасак, олтовимиз ҳам ўйнамаймиз. Гап шу! Огоҳлантириб қўяйми, энди ким ўйиндан ўт чиқармоқчи бўлса, аямайман! Мана, мен ўз қўлими Ражаббойга бердим — ўйинни шу бошлай қолсин! Розимсанлар? Шунда кўнглинг тўладими, Йўлмирза иним?

Йўлмирза бари бир норози бўлиб пўнғиллашини қўймайди:

— Сен бошладинг нима-ю, Ражаббой бошлади нима — менга бари бир эмасми! Ўзим бошламаганимдан кейин...

Отабойнинг хуноби ошди:

— Энди нима қил дейсан? Қайта бошдан қуръа ташласанг кўнглинг тўладими?

Дафъатан Йўлмирзанинг кўзларида севинч учқунлари чақнади:

— Ҳа-да!

— Бўпти. Мана, ўзинг ташлай қол!

Бу гал қуръа Ражаббойга тушди. Энди Ражаббойнинг кўзларида севинч учқунлари ўйнади. Шаҳд билан отабошни қўлига олди-да, учини лаккак узра би айлантириб, унинг ёрдамида таёқчани бўйи баравар кўтарди. Ҳавода бир муддат муаллақ қолган лаккакини отабош билан қучоқлашлар урди. Осмонда — лаккак, ерда бешовлон баайни қўшдек энгил учдилар. Ниҳоят, улар лаккак келиб тушган жойда игга тизилгандек тизилдилар.

— Қани, бошладикми? — сўради Отабой. — Бошладик! Бошладик! — чуғурлашди болалар.

Бошбек югуришга шайланар экан, аланечук кўтаринкилик билан санади:

— Бир!.. Икки!.. Уч!

«Уч» сузи айтилар-айтилмас бешовлон бор овозлари билан зувиллаган кўйи марра —

отабошни қўлида ушлаб бетоқат кутаётган Ражаббой томонга тагин қўшдек уча кетдилар. Дастлаб, одатдагидек Йўлмирзанинг нафаси етмай ортада қола бошлади. Сўнг Савронбой ҳам тилдан ва оёқдан баравар қолди. Унг томонида — Бошбек, чап томонида — Омонтурди, ўртада — ўзи, учовлон зувиллаганча оёқларини қўлларига олиб басма-бас югурарканлар, бирданига нафаси ичига тушиб кетгандек бўлди — атиги ўн қадамча қолган маррадаги Ражаббойнинг кўзларида: «Адойи тамом бўлибсан-ку! Ҳолинг шугина экан-ку!» деган совуқ бир ифода «мана мен» деб турар эди! Бу ифода бир зумда миёсига ҳаммоқдек урилди-ю, бутун аъзойи баданида ажиб бир гуврини туйди.

— Қўриб қўйинглар, отабош менинг ҳалолим!

Ҳаллослаганича бирин-кетин маррага етиб келган тўртовлон уни «оламшумул» ғалаба билан қутлаб, шўх-шодон қийқарарканлар, отабошинг қўлдан кетганига ғаш келдиими, қўлай фурсатдан фойдаланмоқчи бўлди, ё ниҳоят ўйин совимсини дедими, ишқилиб, ҳали улар нафас ростламай туриб, Ражаббой югуришга шайланди:

— Қани, янги ўйинни бошлайлик энди, жўралар!

Отабой ўпкаси бўзига тикилгудек ҳаллослаган кўйи «Бўпти!», дея даврадан юлқиниб чиқди-да, қўлидаги отабошини лаккакка шаҳд билан тиради. Чиллаки таёқ учда энгилгина ҳаволатиб, унинг муаллақ қолишини ҳам кутмай қарсиллатиб урди. Тагин лаккак — осмонда, бешовлон — ерда қўшдек уча кетдилар. Орадан андак ўтиб, ақсинча, ўзи томонга бётўхтов зувиллаган кўйи зингиллаб келаётган бешовлонга тикилар экан, қуллоқлари динг бўлди. Ана, дастлаб тагин нимжонгина Йўлмирза аввалига тилдан, сўнг оёқдан қолди. Қолиш навати Омонтурдига, ундан Савронбойга ўтди. Зувиллаганча бир-бирларига басма-бас югураётган икковлон — Бошбек билан Ражаббойнинг овозигина оқшом сукунати бўйлаб бир маромда таралмоқда эди. Маррага ўн-ўн беш қадамча қолганида Ражаббой алланимага чалиниб йиқилди. Сўнгги харифини ҳам, ниҳоят, ортада қолдирган Бошбек даштикларга хос ёввойиларча товушда шўх қийқарганича югуриб келиб йўл-йўлақай унинг қўлидаги таёқни қолиб олди ва ўзини тўхтатолмай югурган кўйи ёнидан ўтиб кетди.

— Яша, дўстим! — беҳаттиёр томқирининг ажирлигига тан берди Отабой. — Зувиллашини ҳам ўландай чийриб ташлайсан-да аммо-лекин!


¹ Отабош — Туркистонда кенг тарқалган болалар ўйини.

² Одатда қозоқлар ва қорақалпоқлар одамнинг исминини шундай қисқартириб айтадилар.



Мустақиллик тантаналарида иштирок этган ҳурматли отахонлар.






Мустақиллигимиз шо диёналари





Раққоса қиз.



Хушовоз хонанда
Мақсуджон Шарипов.



Момо ўз невараларига миллий
хунармандчилик наму-
наларини кўз-кўз қилмоқда.

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ

Ушандан кейинги бирор соат ичда отабощ асосан учта кўлда кўлма-кў бўлди: Бошбекдан Ражаббойга, Ражаббойдан Отабойга, ундан тагин Бошбекка ўтди. Тўғри, гарчи ахён-ахёнда бўлса-да, Савронбой билан Омонтурди ҳам ундан бенасиб қолмадилар. Лекин Йўлмирза... ҳарчанд интилмагани, отабощга кўли етмади. «Ноумид — шайтон» деганлар, бари бир ўйинни ташлаб кетмади. Кетганда қаёққа борарди? Шундай майин ажрик, саррин ҳаво, ой дала, кизик ўйинни ташлаб, торгина ўтовда биқиниб ётишга қай болақининг тоқати бор дейсиз! Отабощга эга бўлмасаям, ўйнаб турибди-ку! Ҳарна-да! Шундайликка шундай, бироқ... қачонгача итнинг кейинги оёғидек судралиб, ҳалаканинг итдек ҳаллослаб зувиллайверади? Наҳот отабощни кўлга киритишининг ҳеч бир қораси бўлмаса?! Бировнинг ҳолини ҳис қилишга ҳис қиласан, унга ачинишга ачинасан, бироқ ёрдам кўлини чўзолмайсан: бирданига улғайтириб қўёлмайсан-ку одамни!

Навбатдаги ўйиндан аввал андак нафас ростлар эканлар, аллақандай бир қора уларга ақинлашди. «Катталардан чиққан томошабинини кимдир малолланиб («Ўйин энди қизий бошлаганида... белига тепмоқчи эмасми, ишқилиб?»), кимдир хавотирланиб («Мени қақириб келаётгани йўқми мабодо?») қаради. Биргина Йўлмирза алланечук жонланди — кўзларида аввалдан таниш учқун жилва қилди:

— Ана, Урискул акам!..

Отабой Йўлмирзага ажабланиб қаради:

— Қанақасига?.. аканг?!

— Шунақасига! — деди Йўлмирза алланечук мақтанганнамо оҳангда бир қадар сирли қилиб. Сўнг унинг важдатидан чўчидими, тушунтира кетди. — Утган йили Саратовга борганимда орттирган акам-да. Кеча бизниқига меҳмон бўлиб келган эди. Эртага Борсакалмасга кетмоқчи. — Шундай дея «ақасига пешвоз юриб, қамти келгач, эркалангандек суйкалди. — Келинг, ака!

«Қақирилмаган меҳмон» Йўлмирзанинг сочларини тароқлаб ўйнар экан, қолганларга синчовлик билан тикилди. Саломларига алиқ ўрнида ҳазиломуз гап қотди:

— Мени ҳам ўйинларингга қўшасанларми, азаматлар?

Отабой бир Йўлмирзага, бир нотаниш одамга қаради. Нима десин? «Кимсиз, қанақа одамсиз?» десинми? «Майли, ўйнай қолинг!» десинми? Ундай деса, ёши катта — гавдаси ўзига тўртми-беш келадиган бу давангир?.. Қизик бўлди-ку! Иккиланиб ён-верига — Бошбекка, Омонтурдига, Савронбойга, Ражаббойга бир-бир қаради. Улардан сас-садо чиқавермади. Ниҳоят ўзи гапни айлантиришга аҳд қилди:

— Бу катталарнинг ўйини эмас-да, амаки... Нотаниш одам ҳам Йўлмирзадек торгина ўтовда бекор ётавериб обдан зериканми ё қаттиқ эрмакталабми, Бошбеكنинг кўлидаги отабощга кўл чўза туриб, астойдил шайланди:

— Катта бўлсан нима қипти. Сенларга ўйиннинг қанақа бўлишини би-ўр кўрсатиб қўяй ахир!

Отабощдан ажраган Бошбек нажот истаб атрофга жовдиради. Томирига нима деб далда беришини билмай турганида Савронбой елкасига кўлини қўйди:

— Ке, ўйнаса ўйнай қолсин, Отабой? Узи ўйнаман деб қисталанг қилиб турганидан кейин... йўқ деб бўладими! Катталарнинг ўйининиям кўрсак кўрайлик?..

Отабойнинг миясига қон тепди. «Ўйлаб гапираясанми, ҳой, Афанди! — Савронбойни эзгирди ўзича. — Ахир, у ўйнай бошласа, сенинг ҳолинга маймуллар йиғлайди-ку! Отабощни ахён-ахёнда эмас, фақатгина тушинида кўрасан-ку!» Шу пайт Бошбек азбаройи ўзига ишонганиданми, тантилик қилгиси келдими, ночорноилжикданми, розилик берди:

— Ке, кўшасан кўша қолайлик, Отабой? Биздан нима кетди? Зора ўйин... эгада қизиса! «Қизишга-ку, қизир-а, лекин...» Ҳа, майли, начора, қўрқаяпти ё юраги торлик қилаяпти, деб ўйлашмасин тагин! Жимгина юриб даврандан четроққа чиқди. Урискул отабощни кўлида ҳуққабознинг таёқчасидек чирпирак қи-

либ ўйнатар экан, мамнулигини яширмади: — Мана бу бошқа гап! — Сўнг астойдилми, ёлғондакам қизиксинди.

— Қани, мен нима қилишим керак эди? Ўйиннинг қоидасини қай бир азамат ўргатмоқчи?

Отабой бир чекада туриб Урискулнинг хати-ҳаракатларини жимгина кузатар экан, энсаси қотди: «Ол-ол! Шунча ёшга қириб... отабощни билмасла! Тагин орага сўқилиб... «ўйнайман» дегани-чи! Бундан чиқди, Саратовда отабощ йўқ экан-да? Е била турди атайин ўсмоқчи-лаштими? Узи айиқча ўхшайдию бизни боладек лақиллатиб, айиқдек ўйнатмоқчи шекилли?..»

Савронбой билан Ражаббойнинг маслаҳатларини Йўлмирзанинг амалдаги намойишидан кўнгли тўлдими, қайда, бир пайт Урискул енг шимариб ишга қиришди. Тўғри, аввалига ҳаракатлари у қадр қовушавермади. Малака ҳосил қилгач: «Ана, бўлди, машқ тамом, энди жиддий ўйинни бошладик!» дея лаккани чунонам қарсиллатиб урдик, у кўршалакдек шиддат ила пирпирлаганча ҳаволаб бориб, бир зумда кўздан буткул йўқолди. Бешовлон, уларнинг ортидан Отабой ҳам лаккак учган томонга югура кетдилар. Яхшиямки, билмадек толчиқнинг пўстлогини шилиб, ўзини обдон силлиқлаб-оқартирганлари, ояинда ётган оқ илондек лаккани бирор қақиримлик олисдан базўр қидириб топдилар. Топишга топдилар-у, лекин... ким бунча масофани тўхтамасдан, тагин денг, нафас олмасдан зувиллаб ўта олади?! Лаккани кўлида қисиб ушлар экан, Бошбекка маъноли қаради: «Ана энди томошанинг каттасини кўраверасан, ошна! Сенинг кўнгибўлашининг билан бошланди шу иш!» Унинг қарашидеги маънони ўқди шекилли, Бошбек кўлидаги лаккани олиб, қаттиқ гуваранди ва... зувиллашни бошлади.

Йўлмирза одатдагидек ярим йўлга ҳам етиб боролмади. Сал ўтмай Омонтурди билан Савронбойнинг нафаслари ўчиб, бараварига ортада қолдилар. Бир оздан сўнг Ражаббой билан ўзининг нафаси чиқмай қолди. Уларни тагин ўн беш-йигирма қадамча ортада қолдириб, Бошбек ҳам нимагадир оёғи чалишиб йиқилди. Юзми-икки юз қадамча наридан Урискул уларга пешвоз юрди:

— Нима бўлди, азаматлар? Маррагача етиб келолмадингларми? Мени ким кўтаридиган бўлди хуллас?

— Ким бўларди, ана, Бошбек-да! — узала туриб ётган жойидан кичкирди Ражаббой. Бунга жавобан Бошбек ҳам узала туриб ётган жойидан ер муштраб ҳайқирди:

— Нега энди ёлғиз ўзим кўтарар эканман?! Уйин барчага баробарми ахир?!

Отабек томирининг қошига келиб, ўрнидан туршига кўмақлашар экан, Ражаббойнинг нима демокчи бўлганини ётғи билан тушунтирди:

— Сен ҳаммадан ўздинг-ку, ошна! Энди бир амаллаб маррагача кўтариб борсанг, отабощ ўзиники бўлади, демокчи-да, Ражаббой. Бошбек йиғламоқдан бери бўлиб шивирлади:

— Ёлғиз ўзим... бу мешқорининг остида... янчилиб кетаман-ку! Ҳаммамиз биргалишиб амалласак...

Тарвузи кўлтигидан тушгудек шивирлаб ёнларига етиб келган Омонтурди Бошбеكنинг кўлидаги лаккани юлиб олиб, Урискул келаётган томонга улоқтирди:

— Ҳе, бундай фирром ўйиннинг онасини!.. Уйнасак, қуръа ташлаб ҳалол ўйнайлик, йўқса уй-уйга, тепа тўйга!

Бу тақлифини Ражаббой қўллаб-қувватлади: — Омонбой тўғри айтаяпти. Қуръа ташлаб, қайта бошдан ҳалол ўйнаймиз! Урискул аканинг зувиллашини ҳам кўрайлик-да ахир!

Бир-бир босиб бамайилхотир етиб келган Урискул кўлида таёқ ўйната туриб уларга ёппасига ўдағайлади:

— Ҳо-ҳо, ҳали мени зувиллатмоқчимсанлар! Йўқ, бунақаси кетмайди, оғайничалишлар. Отабощни рози бўлиб берган — ўзларинг, ўйинни бошлаган — ўзларинг, энди маррага етмай ура қочасанларми! Ҳали менинг совунигма кир ювмабсанлар! Айниқса, сен болами, ҳали шошмай тур! — Урискул кўрсаткич бармоғи билан Омонтурдига пўпаса қилди. — Бу қанақа

беадаблик?! Кўзга тегадиям демай, таёқ ўқталашининг қарал Узингдан каттага ҳурмат шуми ҳали?..

Янги ўйинчининг важдати чўчитдими, «Кел, шу балони бир амаллаб маррага етказайлик-да, қутулайлик», деган илинждами, ё азбаройи ўзаро маслаҳатлашиб, бир қарорга келишга имкон йўқлиги боисми, олтовлон бараварига Урискулни бошларига деб кўтардилар. Бир-бирларига туртинишиб-суртинишиб, оёқлари чалишиб-уришиб, маррага базўр етиб келдилар. Урискулни «тахтиравон»дан ерга тушира туриб, Отабой тантанавор хитоб қилди:

— Ана энди қайта бошдан қуръа ташлаймиз. Кўрамиз, отабощ кимга насиб қилар экан!

— Бекорларнинг бештасини айтибсан! — Елкаларидан сирғалиб тушар-тушмас кўлидаги тақини ҳавога отиб ўйнар экан, Урискул ачиқ қулди. — Ҳозирча отабощ, мана, менинг кўлимда турибди. Зўр бўлсанг, майли, маррагача зувиллаб кел-да, олавер отабощингни, ўйғилбола! Ушанга қадар бериб бўлман!

— Бор, ана, шу бир қулочлик тақини пишириб е! Уйиндан ҳам путур кетди, — дейишди, уй-уйларига тарқалишмоқчи эди, Урискул олдиларига кўндаланг бўлди:

— Бундан кўра «дир» деглар-да, оғайничалишлар! Қани, биттанг кетиб кўр-чи! Ҳаммаларингни маррага етиб келмагунларингча зувиллавераман! Гап шу!

Отабойнинг хуноби ошди. «Оббо, зўравон-эй! — ўйлади ўзича қулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай. — Роса қутулмас балога қолдикми! Энди бу падарқурсурнинг ўзи инсофга келмаса, маррага қай биримиз етиб кела оларканмиз?» Қараса, бешовлон ипга тизилгандек тизилишиб, югуришга шайланаяшпти. Ночор-ноилж уларнинг қаторига қўшилди...

Ушандан буён Урискул неча марта лаккак урди. Олтовлон лаккак ортидан неча марта зинғиллади. Орта қайтишда неча марта зувиллади. Нафаслари етиб келган жойдан маррага қадар Урискулнинг девдек қоматини неча марта бирга-бирга кўтаришди. Кўтариб бораётиб, ўзаро неча марта жиқиллашдилар, бир-бирларини ялқовликда, анқовликда, муғомбирликда, яна алланима балоларда айблаб, ёмонотлик қилдилар — ҳисобини ким олибди дейсиз! Лекин шуниси аниқки, на ўзи, на Бошбек, на бошқалар — маррагача зувиллаб етолди. Одам боласи етадиган марра эмас эди ахир! Ичларидега ўйлашса ўйлашгандир, аини чоғда ҳеч ким юрак ютиб: «Шу падарқурсурни биргалишиб четга сурайлик-қўяйлик-да! Бу нима қийноқ, бу қандай ўйин!» демади ҳам! Афтидан, бундай дегулик ҳок йўқ энди уларда! Ҳар қалай, ўйинларидан чинакамига ўт чиққани шак-шубҳасиз эди. Аини шу ўт, ким билсин, олтмишинчими, етимишинчими зинғиллашда ўпқасини шишириб, жигарини куйдириб, ундан юрагига ўрлади-ю, бутун жисми-жони баайини лағча чўққа айланди-қолди. «Шу гал маррага етмай қўймайман! — дея ич-ичидан ёқжиниб, лаккани кўлда сиқиб сувини чиқармоқчидай ёқжимлаб, зувиллаганича жон-жаҳди билан югурди. Кўзлаган манзилга атиги етти қадамча қолганида, кимдир оёғидан чалдими, ўзи ҳолдан тойдими, ишқилиб, мук-касида йиқилди. Назаридега, еру осмон чирпирак бўлиб, кўз олдини қора қуюн қоплаб қолмак бўлди. Ер қўчоқлаб ингранди: «Етдим деганда йиқилдим!.. Наҳот сўнгги умидим ҳам пучга чиққан бўлса?!» Шу асно заҳархандага йўғрилган заҳаролуд гаплар қулоқларини ўқдек тешиб ўтди:

— Ҳолинг шугина экан-ку, болақай! Бари бир маррага етолмадинг-ку! Ўзбекинг иши шу-да: сал нарсга етади-олади!

Ич-ичидан беадад бир исён отилиб чиқди: «Йўқ, бола эмас, отаман! Отабойман!» Худди шу ишонч уни оёққа қайта тургазди. Атрофини қуршаган овулдошларига овози бўғилиб ҳайқирди:

— Сенлар аралашманлар! Бирра ўзим кўтариб оборганим бўлсин бу ноинсофни! Отабощни кўлидан олай, майли, уйғила мендан қайтмас Худодан қайтсин!

Урискул кўлидаги отабощни гаврондек ўйнаиб, унинг елкасига қайта ўтирар экан, очқошкор калака қилди:

— Қани, кўрайлик-чи, ҳолинга маймунлар йиғлайдими ёки анови овулдошларинг! Ҳой, Йўлмирза, қайдасан? Бундоқ ёнимга келсанг-чи! Балки сен ҳам чиқарсан?

Урисқулнинг зил-замбил жасади эмас, айниқса сўнги гаплари елкаларидан шундай бир куч билан босдики, қани энди ер ёрилсаю қаърига ўзини отса-да, барча ситамлардан бир йўла қутулса! Йўқ, Осмон йироқ бўлганидек, ер ҳам қаттиқ. Унинг дийдасидан минг баробар қаттиқроқ: тош ёрилса ёрилар, лекин ер — ёрилмайди, ерга қирмайди! Аини чоғда йиғидан ҳам қизиқиши устунроқ чиқди: «Қани, кўрай-чи, Йўлмирза чиқармикан!» Овулдошми-қисматдошлигига борди шекилли, хайриятки, Яратганга минг қатла шукрки, Йўлмирза чиқмади! (Йўқса ҳоли не кечар эди? Шу тобда тагин ўнта Урисқулни кўтаришга қодир, лекин Йўлмирзани — ўз овулдоши, ўз иниси, «олти оғани ботирлар»нинг кенжасини кўтаролмаслиги аниқ эди, ахир!) Ақсинча, Йўлмирза унинг кифтига қўлини қўйди. Маъносини дарров тушунди: «Бардам бўлинг, ака, демоқчи!» Кенжа ботирнинг тилаги ижобат бўлиб, бутун жисми-жониди шундай бир бардамлик-бақув-

ватлик туйдики, ниҳоят, Отабой эмас, гўё Кўкалдошни чирпирак қилиб осмонга отишга чоғланган Алпомиш дейсиз! Катта-катта уч қадамни дадил ва кетма-кет босди. Шу асно жинги-бийрони чиқиб ўйлади: «Асли, «инсоф» дегандан зигирча ҳам йўқ экан! Ҳеч нимадан тап тортмай, уялмай-нетмай, елкасида бамайлихо-тир ястаниб ўтиргани-чи, падаркурнинг! Яна бу кишининг ўзига хурмат талаб қилишига куясанми, ўласанми! Узингда кичикларга из-зат бўлса эканки, хурмат талаб қилсанг! Катталик ҳам эви билан-да ахир!» Яна бир қадам кўятуриб, икки томондан икки қулোগа олдин-ма-кетин чалинган икки гапдан... ҳушини йўқотиб, номуздан ерларчин бўлаёзди:

— Зўри беҳуда миён мешиканад, акун.

— Сарт танлаб ейди, танлаб есаям барини ейди.

«Ким айтиди бу гапларни?! Ростдан ҳам айтилдики, ё... унга шундай туюлдики? Ва ё Ражаббой билан Савронбойнинг кўзларидан уқдими бу таққиромуз гапларни? Ростдан ҳам айтилган бўлса ва ё кўзлардаги ифодани тўғри ўқиган бўлса, нима деб жавоб қилсин! «Олт-

лон ола бўлса...»ми? «Бечора чора истар...»ми? Мақолни ҳам, шеърни ҳам кўятуриб, муножот-дек мунгли кўшиқдан олсинми: «Мен ёмондан айрилди, яхшини топангнинг қани!» Йўқ! Энг яхшиси — ҳозир, шу топда ҳеч нимага қалғмайди. ФАҚАТГИНА МАРРАГА ОМОН-ЭСОНЭТИБ ОЛИШНИ ўйлайди! «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!» дея пичирлаганча тўртинчи қадамни босди. Тагин нари борса уч қадамча қолди холос! Шу уч қадамни омон-эсон ўтса, марра уники! «Онажон! Уйинқароқ болангнинг йўларига кўзи тўрт онажоним!» Бўғиздаги илтижо бешинчи қадамга бехато кўчди. «Отажон! Менга «Отабой» деб от қўйган отажоним!» Не бахтки, олтинчи қадам ҳам бехато қўйилди! Энди энг сўнгигиси, охири, огири — еттинчи қадам қолди холос! «Ё пири қоми!.. Узимнинг Ҳазрати Султоним!»

...Бутун Туркистон аҳли, унинг етти ёшдан етмиш ёшга қадарлик каттаю кичиги, ўз отанаси, бобосию бобокалони каби Отабойнинг ҳам Ҳазрати Султонга — Аҳмад Ясавийга ихлоси бениҳоят эди.

Наҳотки «Ихлос — халос» деганлари шунчаки бир омади гап бўлса!..

Абдусайд НУРБОВ

Бобом билан мулоқот

(Бобом Эргаш Жуманбулбул ўғлига бағишлайман)

Айтганингиз омон-омон замон бўлди, бобожон,
Мана, учта набирангиз тўқсон бўлди, бобожон.
Бири ерга меҳр қўйиб, деҳқон бўлди, бобожон,
Бири чорва илмин суюб чўпон бўлди, бобожон.
Не бахт, бири олим бўлди, бири шеърнинг устаси,
Чунки куйчи, шоир ўтган бобосининг бобоси.
Сўзамолни сўзда ютган суюк Султон момоси,
Боболарим сўзи қўлда раван бўлди, бобожон.
Тилло момо манглайига олти байтдан тож қўйди,
Тилло тахтага достон, эртак, термаларни соз қўйди.
Неча булбул унуб-ўсди, илдизи ривож қўйди,
Барчасига катта майдон — Қўрғон бўлди, бобожон.
Жуманбулбул оқинларни кўп доғида қолдирган,
Селдай оқиб булбулларни гул шоҳида қолдирган.

Ишонч

Норгулга

Қорачуғинг ёлан тўшагим,
Кўзим сенга ёлан тўшакдир.
Ишонмайман, ёру малагим,
У гапларнинг бари ўшакдир.

* * *

Деразани чергади ёмғир,
Шивирлайди сочлари нам қиз.
Кўзларида ҳайратлар ёнар,
Қўлларида бир гугам яллиз.
Деразани чергади ёмғир,
Ташқарида дирдирад ёлғиз.
— Ичкарига кирсанг-чи, ахир,
Мен зерикиб қолдим-ку сенсиз.
Деразани очиб қўяман,
Жилмаяди лаблари қирмиз.
Мен яллизин ҳидлайвераман,
Қизгалдоғи ёради илдиз.
Меникидир, балки, бу гўша,
Сеникидир балки у сўзсиз.
Ҳеч норизо қайтмасин ўша —
Баҳор номли сочлари нам қиз.

* * *

Самарқандни қўмсаса кўнглим,
Кўзларимда улғаяр соғинч.
Уша замон олиб учади
Эгарланган от каби учқич.
Тавов қилиб чиқаман бир-бир,
Улғларнинг қабрига бориб.
Таскин берар руҳимга недир,
Кўнгли ширам кетар тозариб.
Боболарим о, момоларим,
Охирати ободларим-эй,
Эркалайди мени руҳингиз,
Боғишамол насимларидай.
Самарқандни қўмсаса кўнглим,
Кўзларимда улғаяр соғинч...

Бахтиёрлик

Кўзларимиз бир кўзгуда жуфтлашди,
Бошимизда айланди-эй, бир чироқ,
Бахт уйини чимилдикдан ясашди,
Деворлар юз хил рангда, минг қуроқ.
Шўх янгалар айтиди қувноқ ўланлар,
— Пилгидан айлансин,— деб,— чироғи.
Ният қилди тўқсон ёшли момолар,
— Қуроғига қурошин,— деб,— чироғи.
Кейин биз қурошдик, қурошавердик,
Кўрна қуроқ бўлди, кўрпача қуроқ
Кун ошдик, ой ошдик, йил ошавердик,
Тоқ бўлдик, жуфт бўлдик ва ўндан кўпроқ.
Кўзларимиз бир кўзгуда жуфтлашди.

* * *

Мен дунё кашф этсам, ўша дунёнинг
Одам отаси мен бўлмоғим керак.
Мен дунё кашф этсам, ўша дунёнинг
Момоҳавоси сен бўлмоғинг керак.

* * *

Кўзлар — сезгиларнинг ўрткир қуроли,
Юрак — туйғулардан ясалган буюм.
Бири кўрмай қўйса умринг заволни,
Бири ўрмай қўйса хомсан бир уюм.


Қишлоқни соғиниш

Тун бўйи тушимда тўлғаниб чиқар,
Туғилган жойимнинг қир, кенгликлари.
Оқтовнинг қизгалдоқ унган елкаси,
Суруви, оҳуси ва какликлари.
Қувончдан энтикиб қўшдай учаман,
Товонимни ўпар узун сўқмоқлар.
Бориб, чўққиларни бир-бир қучаман.
Кўзимдан отилиб кетар булоқлар.

Чимилдиқ

«Шеър ёзмаслик гуноҳдир».
(Б. Хушвақт)

Бугун насиб этибди,
Бахту тилло остона,
Иккаласи қўш булбул,
Езар ишқий дoston-а.
Чимилдиқ минг қуроқдир,
Шеър ёзмаслик гуноҳдир.
Шўх янгалар чорлар-а,
Тўйхона қалқиб турар.
Келиннинг юзидан бахт
Барқ уриб, балқиб турар.
Чимилдиқ бир гуноҳдир,
Шеър ёзмаслик гуноҳдир.
Кувёв Рустам дoston-а,
Дўстлари туртиб турар.
Вужудида арслон-а,
Ийманиб, ҳуркиб турар.
Чимилдиқ тоғли «оҳ»дир,
Шеър ёзмаслик гуноҳдир.
Бўй-бўйига баробар,
Тегишади, қўймайди.
Оқ лола, қизил лола,
Бир-бирига тўймайди.
Чимилдиқ мангу тахтдир,
Шеър ёзмаслик гуноҳдир.



Йўқлов

Алам олти, ғам етти —
Бўз тупроқнинг қорни тўқ.
Энди ёруғ оламда,
Шўқур деган акам йўқ,
Во даруго, во дариг.
Сурати қўлимдадир
Сийрати чил-парчин-эй.
Ишонсам-ишонмасам
Ватани кенг Очун-эй
Ватани кенг Очун-эй
Во даруго, во дариг.
Ўлим йитсин илойим,
«Қирқ» деб давра кўтарди.
Умр берсанг худойим,
Яна қирқ йил ўтарди.
Во даруго, во дариг.

II

Шарқираб, шовуллаб оққан сой, акам,
Осмонни ёритиб балққан ой, акам.
Меҳрлар риштасин узмай айрилиб,
Сафимизни бевақт бузган, вoi, акам,
Во даруго, жуда эрта қайтдингиз.
Езинг тугашига бор эди ҳали,
Ҳали турналар ҳам қайтмаган эди.
Фотима, Зухралар чуғур-чуғурлаб,
«Ота» деган сўзни айтмаган эди.
Во даруго, ака, эрта қайтдингиз.
Бу кўтир дунёга ғазабингизми,
Нега чархладингиз асабингизни.
Бир турқи совуқнинг совуқ сўзига,
Чангаллаб қолдингиз юрагингизни.
Во дариг, жигарим, эрта қайтдингиз.
Қолганлар улғаяр, унутилар ғам,
Бошимга урдилар, зирқирар танам
Бу айрилиқ ғамга қандай чидайман.

Во даруго, бағрим, эрта қайтдингиз.
Ҳамон тушларимда бўзлаб чиқаман,
Кўзларимнинг ёши селу селобдир.
Ака, қайта-қайта ўлаверасиз
Нега битта жонга бунча азобдир.
Во дариг, сабрлим, эрта қайтдингиз.

Тонг

Мен тунни ёпиниб кездим, тун бўйи,
Юлдузлар ярқираб турди маъвода.
Наволар танимга сингди шу кўйи,
Ўзим ҳам айланиб кетдим навога.
Мен тунни ёпиниб кездим, тун бўйи,
Учради йўлимда минг битта оҳанг.
О, бир вақт уфққа назар ташласам,
Пайдо бўлиб қолди бир чақалоқ — тонг.

НОДИРА

Расмингизни Нурлар билан чизолмадим,
Сизга агаб шоҳ мисралар тизолмадим,
Сизга ўхшаб шеърда гўзал сўзломмадим,
Омон бўлсин Сиз туғилган Андижон,
Моҳлар ойим — бибижоним, бибижон...
Сиз энг қора замонларда яшадингиз,
Жаҳолатдан кўзларингиз ёшладингиз,
Бир соф гулдек хазон бўла бошладингиз,
Омон бўлсин Сиз яшаган гул Қўқон,
Моҳлар ойим — бибижоним, бибижон.
Сиз чиндан ҳам Нодирасиз, Нодирсиз,
Дур мисралар яратмоққа қодирсиз,
Бу йил икки юз бўларди ёшингиз,
Омон бўлсин Сизни қутлаган Турон,
Моҳлар ойим — бибижоним, бибижон.
Лаънат бўлсин Насруллобек амирларга,
Тиг кўтарса Сиздек дилбар шоирага,
Ул тиг ботмиш Олқор юрак-бағрига,
Омон бўлсин Сизни суйган ҳар бир жон,
Моҳлар ойим — бибижоним, бибижон.

Фаррош

Супур кўчаларни, муҳтарам фаррош,
Фаҳми калталарни сўкишла «сыйлаб».
Супургил, қўлдаги узун супуринг —
Тозалик, гўзаллик «қўшигин кўйлаб».
...Вироқ... айтмоқчийдим сенга бошқа гап:
Бошқа бир нарсани супурмоқ керак.
Ҳали жамиятда иллатлар кўпдир
Муқаддас Инсонни этгевчи эрмак.
Ҳали бор бахиллар, мансабпарастлар,
Ўзим бўлайинлар топилар ҳали.
Уша ноқобиллар — кир, иллатларни —
Келгандир супуриб ташламоқ гали.
Супургил уларни тушида бўлса ҳам,
Ҳам менга сўйлаб бер севиниб чунон.
Супургил, фаррошжон, суюнчи учун —
Қалбимни бермасам, эмасман Инсон...

Хўжанддан чиққан паҳлавон

Мирмуҳсиннинг «Темур Малик»
романини ўқиб

Тарихдан тингладим ўчмас номингни,
Дунёга ёйғум бор шўҳрат-шонингни.
Юрт учун тўкилган қутлуғ қонингни —
Унутиб бўлурми, эй Хўжанд шери,
Темур Малик отлиг эрларнинг эри!
Иблисдан дарс олган жирканч Чингизхон
Гўдаклар оғзидан оқизаркан қон —
Қалбиндан жой олиб миллион вулқон,
Туғжарни қоқ бўлдинг жангда, юрт шери,
Темур Малик отлиг эрларнинг эри!
...Шуниси аянчки, сен қариб-чуриб,
Хўжандга келганда ўз юртинг сўраб,
«Танимай қўйди эл мўғулдан кўрқиб»,
Боқинчи қўлида йўлинг, юрт шери,
Темур Малик отлиг эрларнинг эри!
Фаҳрим бор: ўзингсан ёвқур ажбодим,
Бу Ватан сеники — чаман, ободим,
Бу элда яшаркан авлод-ажбодим —
Бил, сен ҳам тириксан, эй Хўжанд шери,
Темур Малик отлиг эрларнинг эри!

Самарқанд




Республикамиз Президент Ислом Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегациясининг шу йил апрел ойида Саудия Арабистонида қилган сафари иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим бошқич бўлгани шубҳасиздир. Шу сафарда катнашиш nasib этган ҳар бир вақилимиз учун Маккаю Мукаррама, Мадинаю Мунаввара каби муқаддас шаҳарларни зиёрат қилиш бир умр хотирада қоладиган воқеалардан ҳисобланади, албатта. Бунга қўшимча, мазкур қисқа сафар чоғида арабшунос сифатида менга қувонч бағишлаган яна бир нарсас Саудия Арабистонида яшовчи ватандошларимиз орасидан етибди чиққан олимлар, зиёлилар билан яқиндан танишиш, улар билан илмий ҳамкорлик ўрнатиш бўлди. Шу жумладан, «Урта Осиё тарихи» номи икки жилдлик қимматли асар ёзган етук олим, Саййид Мубашшир Сулаймон ўғли Косоний билан танишишим, айниқса, алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, мухтарам ватандошимиз менга совға қилган китоблар орасида асли Насаф (Қарши) шаҳрида туғилган ўсган машҳур олим Нажмиддин Умар бин Муҳаммад бин Аҳмад ан-Насафийнинг «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» (у қисқача «Самарқанд тарихи» деб ҳам аталади) асарини кўриб кўзларимга ишонмадим...

Гап шундаки, илмий адабиётларда Ан-Насафий асарининг араб тилида ёзилган асли бизгача етиб келмаганлиги таъкидланиб, замонавий фикриятларда ҳам асарнинг борлиги ҳақида аниқ маълумотлар келтирилмаганди. Тадқиқотчиларимизга Ан-Насафийнинг мазкур асаридан унинг шоғирди Муҳаммад бин Абдулжалил ас-Самарқандий томонидан ғоятда қисқартирилиб бажарилган форсий таржимаси маълум бўлиб, у «Қанд» ёки «Қандия» (Тошкентдаги Шарқшунослик институтида сақланаётган бир кўлёмзаси эса «Қандийа-и-хурд» — «Кичик қандия») номи билан маълум эди. Асарнинг мана шу форсий таржимасининг кўпгина кўлёмзалари жаҳоннинг турли шаҳарларида сақланиши ҳам Ан-Насафий асарининг муҳим аҳамиятга эга манбаъ эканлигидан бир далилатдир.

Бу ўринда шунга қайд қилиш керакки, Шарқнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Самарқанд ҳақида азалдан талайгина асарлар битилган. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, асли астрободлик бўлиб, узоқ муддат Самарқандда ҳам яшаган Абу Саид Абдураҳмон бин Муҳаммад ал-Идрисий (вафоти 1015 йил) «Самарқанд тарихи» номи асар ёзган. Бу асар тўлиғича «Ал-Қамол фи маърифат ар-рижол би-Самарқанд» («Самарқанднинг машҳур кишилари ҳақида муқаммал китоб») деб аталади. Асарни ёзиб тугатгандан кейин Ал-Идрисий Бағдодга ўзи билан бу асар кўлёмзасини ҳам олиб келган. Бағдод олимлари бу тарих билан яхши таниш бўлганлиги ҳақида ҳам баъзи олимлар ёзиб қолдирганлар. Бунга яна бир далил «Тарихи Бағдод» номи машҳур асар ёзган олим Ал-Хатиб ал-Бағдодий ўзининг (392—463 ҳижрий) бу кўп жиллик тарихини яратишда ҳам Ал-Идрисийнинг «Самарқанд тарихи» асаридан элликдан ортққ ўринларда бевосита кўчириб олганлигини муаллифнинг ўзи ҳам тўғридан-тўғри зикр қилади. Абул-Аббос Жаъфар бин Муҳаммад ал-Мустағфирий (вафоти 1041 йил) деган бошқа бир олим эса «Самарқанд тарихи» номи асар ёзганлиги ҳам диққатга сазовордир. Кўҳна Самарқанднинг мухтасар тарихи машҳур араб жуғрофий олими Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Аҳмад ал-Муқаддасий (баъзи олимлар уни Ал-Мақсидий деб ҳам келтирадилар — вафоти 985 йил) қаламига мансубдир. Лекин, афсуски, мазкур асарлардан бирортаси ҳам бизгача етиб келмаган. Буюк юртдошимиз Нажмиддин ан-Насафийнинг «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» асари ҳам (арабчаси) шулар қатори бизгача етиб келмаган асарлар жумласида саналар эди. Лекин диёримиз тарихига оид кўлёмзалар дунёнинг турли бурчакларида ҳам бўлиши, ўзимизнинг элимизда, халқимизнинг

қўлида ҳам сақланишини ҳеч вақт эҳтимолдан холи қўймаслигимиз керак. Шу нуқтаи назардан Ан-Насафий асарининг арабча матни чоп этилиши ҳам ушбу фикримизга яққол далилдир. Яна бир қувончли томони шундаки, «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд»нинг биз шарҳлаётган ушбу нашри Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи бошқа бир ватандошимиз, иқтидорли ёш олим Назар Муҳаммад ал-Форйобий томонидан бундан бир неча ой олдин амалга оширилган экан.

Ан-Насафийнинг тўлиқ исми Абу Ҳафс Нажмиддин Умар бин Муҳаммад бин Аҳмад бин Исмоил бин ан-Муҳаммад бин Али бин Луқмон бўлиб, араб тарихчиси Абу Саад ас-Самъонийнинг (1113—1167) ёзишича, у 461 ёки 462 ҳижрий (1068—1069) Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилган бўлиб, шу боисдан ҳам асосан Ан-Насафий, сўнгра узоқ муддат Самарқандда яшаганлиги учун баъзан Ас-Самарқандий тахаллуси билан ҳам аталган. У ёшлигидан илму урфонга ғоятда қизиқиб, ўз даврининг ўқимишли кишиларидан ҳисобланган кўп етук олимлардан таълим олган. Манбаларда келтирилишича, унинг устозлари сонсиз-саноқсиз да-



САМАРҚАНДЛИК УЛАМОЛАР «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд»

ражада кўп бўлган. Шу боисдан бўлса керак, Ан-Насафий ўзининг «Таъдод аш-шуйх ли Умар» («Умар (ан-Насафий) устозларининг умумий сони») номи махсус рисоласида ҳам кўпдан-кўп устозларини бирма-бир санаб ўтган. XII асрда яшаган марғилонлик буюк аллома Бурхониддин ал-Марғилоний (вафоти 1197 йил) ўзининг «Ал-Ҳидоя» номи машҳур асарига Нажмиддин Умарнинг: «Мен пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини беш юз устозимга таяниб ривоят қиламан, деганини ўз қулоғим билан эшитганман», деб ёзиши ҳам бу фикримизни яна бир қарра тасдиқлайди.

Ан-Насафийнинг устозларидан Исмоил бин Муҳаммад ан-Нуҳий, Ал-Ҳасан бин Абдумалик ал-Қозий, Маҳдий бин Муҳаммад ал-Аълавий, Абдуллоҳ бин Али бин Исо ан-Насафий, Абу ал-Ясар Муҳаммад бин Муҳаммад ан-Насафий, Хусайн ал-Қошғарий, Абу Муҳаммад ал-Ҳасан бин Аҳмад ас-Самарқандий, Али бин ал-Ҳасан ал-Мотридий, Абу-ал Қосим бин Баён ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Уз навбатига Ан-Насафийнинг ўзи ҳам кўпдан-кўп шоғирдларга устозлик қилган. Умар бин Муҳаммад бин Умар ал-Уқайлий, Муҳаммад бин Иброҳим ат-Таврийштий, Абу Ҳафс Умар бин Аҳмад аш-Шабийий ва муаллифнинг ўғли Абу-л Лайс Аҳмад бин Умар ва бошқалар Ан-Насафийнинг етук шоғирдларидан ҳисобланади.

Ан-Насафий фикҳ, ҳадис, тафсир, адабиёт, тил, тарих ва бошқа соҳаларда ўз даврининг машҳур олимларидан ҳисобланиб, қатор муаллифларнинг (масалан, Аз-Заҳабий, Ас-Самъоний, Ибн Нажжор, Ал-Йофиъий) ёзишларича, у юзга яқин асарлар яратган.

Улардан баъзиларининг номиларини келтирамиз: «Ал-Ашъор би-л-мухтор мин-ал-ашъор»,

«Ал-Акмал ал-атвол фи тафсир ал-Қуръон», «Ал-Мавоқийт», «Манзумот ал-Хилофийят», «Баас ур-рағоиб Ли-Баҳс ил-ғаройиб», «Таъдод уш-шуйх ли-Умар», «Қайд ул-авобиди», «Тарих Бухоро», «Тарих Марв», «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд», «Ал-Жумал ал-массура», «Ал-Ҳасоил фи-л-масоил», «Ал-Ҳасоил фи-л-фуруу», «Даъват ал-мустағфирийн», «Аъжалот ан-Нахшабий лизайфиҳи-л-мағрибий», «Ал-Ақоид ан-Насафия», «Шарҳ Сахийҳ ал-Бухорий», «Мажмаъ ал-улум» ва ҳоказолар.

Араб тарихчиси Абу Саад ас-Самъонийнинг ёзишича, Ан-Насафий 537 ҳижрий йил жумудул-увло ойининг ўн иккинчисида (1142 мелодий йил, декабрь) Самарқандда вафот этган.

Ан-Насафий асарларининг кўлёмзалари дунёнинг турли кутубхоналарида, жумладан, унинг бир неча асари, масалан, «Ал-Ақоид Ан-Насафий», «Манзумот ан-Насафия фи-л-хилофийот» Тошкента, Абу Райҳон Беруний номи Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Ан-Насафийнинг муҳим асарларидан бири «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд олимлари ҳақида қандак кендеш ширин китоб»). Бу асар, олдинроқ таъкидлаганимиздек, бизгача етиб келмаган ҳисобланиб, фақат унинг XII асрда яшаган олим, Ан-Насафийнинг шоғирди Абу Фазл Муҳаммад бин Абдулжалил бин Абдумалик бин Ҳайдар ас-Самарқандий томонидан бажарилган форсча қисқартирилган, мухтасар таржимасигина маълум эди. Бу таржима «Қанд», «Қандия» (Тошкентдаги Шарқшунослик институтида сақланаётган бир кўлёмзаси «Қандийа-и хурд», («Кичик қандия») номи билан келтирилади) номи билан аталиб, арабчасининг бизгача етиб келганлиги шубҳа остида эди. Ҳозирги вақтда

Саудия Арабистонида истикомат қилувчи вандошимиз Назар Муҳаммад ал-Форйобий тайёрлаган бу нашр, бахтимизда шубҳаларга аниқлик киритди.

Энг аввало «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанднинг номи ҳақида икки оғиз сўз. Кўпчилик олимларимиз бу асарнинг номини «Китоб ал-Қанд фи тарих Самарқанд» ёки «Китоб ал-Қанд фи маърифат уламои Самарқанд» деб келтирсалар-да, асли бу ўринда гап Ан-Насафийнинг бир асари, яъни тадқиқотчи Ал-Форйобий нашр қилиб, илмий жамоатчиликка тақдим қилган «Қанд фи зикри уламои Самарқанд» деб аталган ягона асари устида кетаётди. Чунки замонлар ўтиши билан (ахир муаллиф бундан роппа-роса 850 йил олдин вафот этган) хаттотлар ёки асар мазмунини билан та-

нишган бошқа олимлар томонидан асарнинг номи қисман ўзгартирилган бўлиши ҳам мумкин. Нима бўлса ҳам мазмун ва моҳият жиҳатидан гап Ан-Насафийнинг бир асари устида кетаётди, дейишимизга муайян асослар бор.

Ан-Насафийнинг бу асари ўрта асрларда Самарқандда яшаган кўпдан-кўп (мингдан ортиқ) фикҳ, муҳаддислар, ҳадис ровийлари ва бошқа кўп соҳада қалам тебратган илм аҳллари ҳақида хилма-хил маълумотлар беради. Афсуски, ушбу нашрга асос бўлган қўлёзма тўлиқ бўлмасдан, унинг бош қисми ва охиридан бир неча варақлари етишмаганлигидан нашр ҳам шу зайдда ноқис чоп этилган. Бинобарин, асар «Ҳа» ҳарфидан бошланиб, «Қоф» ҳарфини билан тугайди. Асарнинг Туркиядаги Турхон волидаси кутубхонасида сақланаётган яккаю

ягона қўлёзмаси 98 варақдан иборат бўлиб, у чиройли насх хатида, олимларнинг тахмининча, XI асрнинг охириларида кўчирилган нусха-сидир.

Диёримиздан чиққан буюк олим Ан-Насафийнинг «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» номи асарининг янги нашрига оид бу маълумотлар асар ҳақидаги дастлабки фикр-мулоҳазалардир.

Асарни тўлиғича ўзбек тилига таржималиб, унинг мазмунини моҳиятини кенг жамоатчилик оммасига тақдим қилиш кўҳна ва бой тарихимиз, маданиятимизни чуқур ўрганишдек олижаноб ишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Убайдулла УВАТОВ,
филология фанлари номзоди

Тилга эътибор — элга эътибор

- Миллий тил, миллий фахрларингизга бўлмаган халқда қандай қилиб тараққиёт бўлсин?
- Қонуни муҳофизат қилинмайди, лекин...
- Қонун қайта кўриб чиқиши керак.

Қалбимизда мустақиллик туйғуси жўш уриб, миллий тараққиёт, миллий урф-одат, давлат тили ҳақида кўпроқ қайғура бошладик. Бу табиий ҳолдир. Ҳозир айниқса миллий қўшин, миллий пул, миллий банк ва бошқа хилма-хил миллий ташкилот-муассасалар ҳусусида бош қотирмоқдамиз. Лекин одамларда, буларнинг ҳаммаси шунчаки қоғозларда қолиб кетмас яхши эди-да, деган ҳадик ва хавотир ҳисси ҳам йўқ эмас. Чунки миллий қўшин деярлик, миллий банк, пул деярлик — буларни бошқараётганларнинг, ишлаб чиқаришда ишлаганларнинг ҳодимларнинг аксарияти давлат тилини билмайди.

Демак, биз миллийлик ҳақида қанчалик бош қотирмайлик, қайғурмайлик, Давлат тилини жумҳуриятимиздаги ҳар бир киши ўрганмас экан, ўрганишни хошламаганларга қонун йўли билан керакли чора-тадбирлар қўлланилмас экан, мустақиллигимизни дадил оёққа тургазишимиз қийин кечадди.

«Ўзбек тили ҳақида қонун» 1989 йили қабул қилинганди. Лекин бузгунги кунда ўша қонуннинг барибир халқимиз истагидагидек мукамал, пишиқ-пухта эмаслиги равшан бўлиб қолди. Чунки у вақтлар ҳали СССР деб аталмиш марказнинг қўли «узун» эди. Мана ўшандан бери уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Фақат тилда, гапда миллийлик ҳақида лоф ураемиз. Кўпгина идораларда мажлису йиғилишлар, ҳатто иш юритишда ҳам ҳеч қанақа ўзгариш бўлмапти.

Масалан, пойтахтимизнинг Марказий шаҳарлараро (телефон-телеграф) алоқа уйини олинг. У ерда аҳолига беиннат «хизмат» кўрсатаётганларнинг кўпчилиги ҳамон ўзларига одат бўлиб қолган забонларида ҳожатбарорлар билан мулоқотда. Уларга давлат тилида сўзлаб кўринг-чи, албатта «не понимаю» дейишлари турган гап. Билмадик, улар қачон «понимать» қилишаркин? Ёки, олайлик, пойтахтдаги аксарият барча кинотеатрларни, уларда кўрсатилаётган фильмлар рус тилида

қўйилаётганлигига нима ҳам дейиш мумкин?! Гўё жумҳуриятимизда Давлат тили ҳақида ҳеч қандай қонун чиқмагандай...

Ҳақиқатда табиий фанлар бўйича илмий иш қилаётган бўлажак олимнинг менга берган дашноми жуда ғалати бўлди:

— Намунча ўзбек тили деб ўлмасанлар! Тил номидики қорин тўйғизса! — деб қолди у жаҳл билан. — Мақсад тўқ яшаи бўлса, тараққиёт учун курашайлик. Ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштирайлик. Вот, масала қаерда...

Қаранг, ўзини зиёли санаган, салкам олим одамнинг фикри шу бўлса, бошқалардан гина қилмасак ҳам бўлар экан. Демак, давлат тилини барқарор қилиш ҳали анча мушкул иш кўринади. Бўлажак олимнинг тараққиёт учун курашиш ғоясида ҳам жон бор. Аммо тараққиётни наҳотки ўзбек тили бўйи қўйса? Ахир маънавий, маърифий, миллий қиёфага, миллий гурурга эга бўлмаган халқда қандай қилиб тараққиёт бўлсин? Одам ўзлигини билмай туриб, ўз она тилини, юртини севмай туриб машаққат сари, ижод сари қандай қилиб олға юриши мумкин. Ушанда эришган ютуқлари ҳам кемтик бўлиб қолмай-дими?!

Биз одатда бирор нарсани йўқотгандан кейин ёхуд йўқотиш арафасидагина уни муҳофизат қилиш ва ривожлантириш ҳақида гапиришга ўрганиб қолганмиз. Масалан, боғ-роғларимиз, Орол денгизи, яйловларимиз, соғлигимиз ва бошқалар... Лекин бу сафар сиёсий ҳушёрлик қилиб, воқеалардан илгариллаб кетдик. Ўзбек халқи миллат сифатида ўзлигини йўқотмасдан олдинроқ унинг тилини муҳофизат қилишга ва ривожлантиришга чоғландик. Бу яхши албатта. Бироқ мана бузгун, орадан уч йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, бечора «Ўзбек тили ҳақида қонун» ҳанузгача ўзбек тили мавқеини кўтара олмайди, қадрсизланишдан халос этолмайди. Юқорида айтганимиздек, қонун ҳали кириб бормасан идоралар, ташкилотлар, корхоналар,

Давлат тили — муқаддас

завод-фабрикалар, эҳ-ҳе, ҳали сон-саноксиз. Фақат айрим кўчаларнинг номлари ўзбекча, шу халқ фарзандлари номлари билан атала бошлаганлиги билан қонун амалга оша қолмайди-да. Қонун эса аслида муҳофизат қилинмайди, лекин...

«Ўзбек тили ҳақида қонун»нинг 6-моддасида шундай жумлаларни ўқийсиз: «Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида ҳамда рус тилида қабул қилинади, иш юритилади»... Бу жуда ноаниқ баён қилинган қоида. Бу ерда хоҳлайсизми, йўқми раҳбарнинг ихтиёрига ҳавола қилинган ёки 18-модданинг баёнида ҳам давлат тили даражаси кўпчилиكنи қониқтирмайди: «Муассаса,

корхона ва ташкилотлардаги молия ҳужжатлари ўзбек тилида ва рус тилида ёки икки тилда мақбул тилда ёзилади», дейилишдан ҳамма нарса ҳозирги аҳволда қолади, икки тиллик ҳукм суради, дейилган маъно келиб чиқаради. Шунинг учун бўлса керак, қайси ҳисоб-китоб идораларига кирманг, ҳатто оддий мурожаат қилишингизга рус тилида гапиришга мажбурсиз. Акс ҳолда русий забонларнинг кўнглини қолдирасиз. Оппа-осон битадиган ҳожатингизни ҳам тўғрилаб беришдан тонишади-да сўнгра улар ҳам. Ҳа, шундай муомала қилиб кўринг-чи? Натижада рус тилини чала-чулла билсангиз-да, чулдирашга мажбурсиз.

Визда ҳали-ҳануз шундай бўлиб қолмоқда.

Хулласи калом, эзгулик сарияна бир қадам қўйиб, жумҳуриятимизда давлат тили ҳақидаги қонун қайта кўриб чиқиши керак. Ана шунда чинакамизга мустақилликка эришиш йўллари очилади. Шунда мустақилликка эришганимизнинг барқарорлиги абадий бўлади.

Маъмуржон ҚИЕМОВ



Қадриятларга қайтиш.

Сувратнаш А. РАҲИМБЕКОВ

ФРОЖИА

Воқеий ҳикоя

Кутилмаганда Облоқул ака эшиги тақиллади. Эшик очилгач, ташқарида безовта бўлиб турган қўшниси Анварнинг тили сўзга келмай ғўдилларди:

— Облоқул ака, фалокат юз берди, жиянингиз Асрорбекка укаси Икром пичоқ урди... Асрорбекни касалхонага ташлаб келдик, аҳволи оғир, машинага ўтиринг, касалхонага борайлик. Қолган гапларни машинада гаплашамиз!

У жуда ҳовлиқиб, асабий сўзлардики, ҳатто Облоқул унга бирор савол беришга ҳам улгурмади. Машинага ўтирдилар.

Кўп ўтмай касалхонага етиб келишди. Анвар Облоқулни бинонинг ичкарасига бошлади ва кириши лозим бўлган хонани кўрсатди. Облоқул шу пайт коридордан ўтиб келаётган ён томондаги бир хонадан беморлар ташиладиган аравани икки киши юргизиб кетаётганлигига кўзи тушди. Аравада устига оқ чойшаб ёпилган бемор ётарди. Уни олиб келаётган йигит ва аёл ҳамшираларнинг чехрасидаги маъюслик ва ҳазинлик — беморнинг жони узилганини билдирарди. Облоқулнинг юраги орқасига тортиб кетди. У кўрсатилган хонага кириб, хона тўрида ўтирган ўрта ёшли аёл — шифокорга мурожаат қилишга улгурмасдан, орқасидан арава итариб келаётганлардан бири дўхтирга хабар берди:

— Беморнинг жони узилди, операцияга етмади... Умри қисқа экан шўрликнинг, ёш жонига қасд қилганлар дўзах ўтида куйсин, илойим!

Облоқул ички бир туйғу билан мана шу нобуд бўлган беморнинг ўз жияни эканини ҳис этди. Шу пайт шифокор аёл унга юзланди:

— Ука, сиз пичоқ еган йигитни сўраб келган эдингизми? — деб сўради шифокор. — У йигит операцияга етмай вафот этди. Жуда кўп қон йўқотган экан бечора. Сиз унинг кими бўласиз?

— Мен ўша йигитнинг тоғаси бўламан, — деди Облоқул ва ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Дарров чўнтагидан рўмолчасини олиб, кўз ёшларини артди ва хонадан йўлакка чиқиб кета бошлади. Кетидан чиққан шифокор аёл тушунтирди:

— Мурда ҳозир бошқа хонага олиб бориларди, эрталаб келиб олиб кетасизлар. Унга-ча биз барча, лозим қоғозларни тўғрилаб қўямиз.

...Асрорбек жуда олов бола эди: барваста қомат, бақувват, қўлидан ҳар қандай иш келадиган йигит бўлиб етишди, лекин унда фикр мужассамлиги, босиқлик, бир ишга жиддий муносабатда бўлиш етишмасди. Ҳар бир нарсани енгил-елпи қарашга, ҳар бир ишни шунчаки бажариш мумкин, деган тушунчага мойил эди. Аслида жуда хушчақчақ, одамхун, самимий йигит эди. Тўй-ҳашамларда, маъракаларда ётиб қолиб хизмат қиларди, ҳар бир ишни гайрат билан бажарарди. Унинг вужудидан куч ёғилар, қўлидан меҳр таралар, лекин шу куч ва меҳрни тўғри йўлга йўналтиришнинг имконияти бой берилганди. У мактабни бир нави битиргач, бирор ишнинг ёки ўқишнинг бошини тутмади, дуч келган иш билан шугулланиб юрди. Бир йилдан сўнг харбийлар сафига қакирилди ва тундра зонасида хиз-

мат қилди. Икки йил мuddат ҳам ўтиб, барваста йигит бўлиб қайтди.

Бу орада ота-она Асрорбекни уйлантириш тадорикига тушишди. Бирор тайинли касби-кори йўқ йигитга қиз топиш осон бўлмади. Шу сабабли йигит ўзи бу ишни тезлаштишга киришиб, қўчада (автобусда) бир қиз билан танишиб, унинг адресини олиб қолди. Бу тасодифий танишишдан сўнг тўй бўлиб ўтди. Улар фарзанд — қизча кўрдилар. Лекин шу орада келин билан йигитнинг ораси бузилди. Келин тушмагур: «Эримнинг менадан кўнгли совиган, бошқа билан юради», деган гап чиқарди ва охири боласини олиб кетиб қолди. Келинни кайтариб олиб келиш учун қилинган ҳаракатлар зое кетди... Бу ҳолат Асрорбекнинг асабини бузди. У бироз тундрок бўлиб қолди. Баъзан тўйларда, ўтиришларда «тўйиб» ичадиган бўлди. Уни қайта уйлантириш оиланинг кун тартибига турган вазифаси эмасдек эди. Чунки... бир марта уйланган, ортидан етилиб келаётган укаси ва синглиси бор — гал уларики, деб ўйлашарди оила раҳбарлари.

Бир кун Асрорбек ишхонасида (у бир оморборда юк ташувчи бўлиб ишларди) ўзига яқин одамлардан синглисининг фотиҳа бўлаётгани хусусида эшитиб қолади. Бундай янгиликни уйдан эшитмай қўчадан эшитгани унга жуда қаттиқ алам қилади. У ўзини оиланинг катта фарзанди сифатида камситилган ҳисоблайди, гўёки одам қаторига қўшмай қўйишгандек асабийлашади. Асабийлик эса ичкилик ичганда газабга айланади.

У ўша кун кечқурун ҳам уйга анчагина кайфи баланд ҳолда қайтади. Уйда ҳамма бор, лекин ўзидан кейинги укаси йўқ эди (у ҳам катта йигит бўлиб қолган, олий мактабда талаба эди). У ховлига кирганди коронги тушган эди. Ўз хонасига ўтаётганида оила аъзолари дастурхон атрофида ўтирганлигига кўзи тушади, синглиси фотиҳаси хусусида қўчадан эшитган гапини яна эслайди, асабийлашади. Кайф қилиб келгани учун, бунинг устига синглиси фотиҳасида бўлмагани ота-онани норизо қилган шеклиди, унга киноя аралаш савол ташладилар:

— Қаерларда юрибсан, ахир шундай кунларда ҳам уйда бўлмасанг, бу қанақаси ўзи? Сенга ҳам ақл кирадим, йўқми?

Отанинг гапи болага дағдагадек туюлди. «Ахир бу қанақаси, мени катта ўғил деб маслаҳат ҳам солмай ўзларича мендан беркигиб иш қилишди-да, яна маломат қилишади. Катта ўғилга ҳурмат шуми? Ахир мен ҳам инсонман-ку», деган гаплар хаёлидан кечган бўлса эҳтимол. Отанинг қўпол муомаласига у ҳам қўполлик билан жавоб қилади:

— Ха, мен ҳам одамманми? Менинг бу уйда бир итчалик қадрим йўқ. Ахир синглиминг тақдири ҳал бўлади-ку, мен бунинг уйдан, ўз ота-онамдан эшитмай, қўчадан, аллақандай одамлардан эшитаман! Менинг бу уйда керагим йўқ, ортиқчаман мен! — дейди. Шу пайт ўртага шайтон аралашади, ота ўғлига таҳдид солмоқчи ва уни «босиб олмоқчи» бўлади. Отанинг бу таҳдиди шундай гапларни ундан ҳеч қачон эшитмаган боланинг асабига худди оловга мой куйган-

дек таъсир қилади. Ўртадаги шайтон тантана қилаётгандек эди. Бола отасига қўл қўтаради, уни бир зарб билан ерга йўқитади. Арслондек ўғил қаршисида ота бир қўзичоқдек эди. Она фарёд билан ўғлига ўзини отиб, отани унинг қўлидан қутқармоқчи бўлади. Шу чоқ ота Асрорбекнинг онасига алаҳситган вақтидан фойдаланиб кичик ўғлига:

— Икром, пичоқни опке... — дейди.

Бўлаётган воқеанинг сабабини тушунмаган, ақли етмаган ўн ёшли Икром уй олдида аграйганча турар ва кўзини пирриллатар эди.

— Икром, ошхонадан пичоқни опке... — тақдор бақирди ота. Икром отанинг бақиргидан ўзига келади ва ошхонага кириб, оддий рўзгор пичоғини олиб келади ва отасининг устида ўтирган акасининг елкасига пичоқ урмоқчи бўлади. Кичкина боланинг зарби билан ўтмас пичоқ ботмайди. Лекин пичоқ зарбидан сезилган жижиллаш Асрорбекни бироз ўзига келтиради ва:

— Сен нима қилаясан, мишиқи, мен сенга ҳозир кўрсатиб қўяман, — деб бақиради отасининг устидан туриб, укасига ташланмоқчи бўлади. Шунда бола пичоқни ташлаб ҳовли айланиб қолади. Ота эса, дарҳол кичик ўғли ташлаган пичоқни оладию, ўз ўғлининг белига санчади. Бу ишни нима мақсадда қилаётганини фаҳмламай... ўз жигаргўшасини пичоқлаётганини тафаккур қилмай бажаради. Бу ҳаракат шунчалик тез бажарилган эдики, аввалги икки зарбни сезмаган азамат учинчи зарб пайтида ўнг қўли билан пичоқни қаттиқ ушлайди, лекин отанинг газаби билан тикилган пичоқ ўғлининг ўнг қўлини қовундек тилиб, шу орада буйрақига бориб қадалади... Воқеа иштирокчилари ўзларининг нима иш қилиб қўйганларини англолмай қоладилар. Пичоқни ушлаб олмоқчи бўлган Асрорбек ўз қўлидан оқаётган иссиқ қонни кўриб, бир зумда ўзига келади. У:

— Ийе, қонми, ахир бу қон-ку? — дейди ҳайрат аралаш ўзининг кўзига ўзи ишонмай.

Бу орада қўчага чиққан Икром қўшниси Анварни бошлаб келади ва бошқалар ҳам йиғиладилар. Она нима бўлаётганини ҳалигача ҳис этмаган эди, ота эса манфур жиноят қилганини идрок қилиб, пичоқни бир чеккага улуктирган, нима қилишини билмай йиғлаб ўтирар эди.

Бу фалокат ҳар қандай одамни ўйга толдиради. Ахир у юз бермаслиги мумкин эди-ку... Аввало оилада болалар тарбиясиз қолганлиги, отанинг «тирикчилик» гами билан овора бўлиб, тарбияни ўз холига ташлаб қўйганлиги фожиага олиб келди...

Кейинги кун арслондек акасининг ўлимига «сабабчи» бўлган ёш бола — укаси терговга қакирилди. Болага, бу ишларни билмай қилиб қўйдим, деб айтиш ўргатилган эди. Бола сўзидан адашмади... Асосий сир мавҳум қолди.

Улгунинг жони кетди, лекин онанинг бағрини доғлаб кетди. Ота эса ўзининг оила ва фарзанди олдидаги бурчини муносиб бажара олмаганлиги натижасида ўғлининг қотилига айланиб, унинг руҳи олдида ва парвардигор олдида абадий гуноҳкор ҳолда қолди.

Абдулла МАВЛОҶОВ

Батрак бўлган боболар

Бизнинг қадимий ўлкамиз деҳқончилигининг ўз тарихи бор. Мовароуннахрга қадам ранжиде қилган сайёҳлар ҳам бу ўлкада деҳқончилик юксак даражада ривож топганини ўз асарларида қайд қилганлар. Босқинчи чор генераллари эса Туркистонни забт этишганда «қолоқ сарт»лар бунёд қилган мураккаб сув иншоотларини кўриб ҳайратга тушганлар.

Кўпчилик қисми ўттор ҳаёт кечирган халқимиз ризқ-насибасини минг йиллар давомида зироатчилик билан топган. Шунинг учун инсонни тўйинтирувчи ерга муносабати ниҳоятда юксак бўлган. Аммо, афсуски, босқинчилик сиёсати оқибатида деҳқончилигимизга ҳам пурту етди. «Буюк инқилоб» инъом қилган «жамоалаштириш» оқибатида эса асл деҳқонларнинг ҳолларига маймулар йиғлади. Деҳқон эрки бўғилди. Танбал деҳқоннинг кунни туғиб, тadbиркорнинг имкони қирқилди. Ҳаммаси биргаликда «шодон» ишлай бошлашди. Биз шу кунгача «социалистик меҳнат» деб қувониб келганим, аслида «қуллик» учун қилинган ҳаракатни халқ фаровонлиги, эркин ишлай олиш имконияти тарзида тушуниб келдик. Энди хатоларни англаб, тарихнинг оқ доғлари сирини очишга ҳаракат қилаётмиш.

Собиқ СССРда сиёсий маъқеларини тўла тиклаб олган бошловчилар ҳусусий мулкни йўқ қилиш учун иқтисодий ислохотларга зўр бердилар. Биринчи ўринда яққа деҳқон хўжаликларини жамоалаштиришга асосий эътибор қаратилди. Жамоалаштиришда маҳаллий шарт-шароитлар, диний ва миллий урф-одатларга эътибор берилмади. Жамоага киришни истамаган деҳқон хўжаликларни қўлоқ аталиб, ўз юртидан бадарга қилинди.

Жумҳуриятимизда ҳам ер ислохоти ўтказилганлиги натижасида 1928 йили ўртаҳол деҳқонлар сони 61 фоизни ташкил этарди. Лекин уларнинг маълум қисми собиқ камбағал деҳқон ва батракларнинг эди. Камбағал деҳқон ва батракларнинг эса мустақил хўжалик юртишга қўрбилари етмасди. Шу сабабли улар жамоа хўжалигига бирлашишни қийинчиликдан қутулишнинг ягона йўли деб билар эдилар. Большевойларнинг зўр бериб қилган ташвиқотлари ва батракларнинг ташаббуслари билан 1929 йили Нурота туманида илк «Қизил Меҳнат» жамоа хўжалиги ташкил этилди.

1929 йили Самарқанд вилоятидаги Тартувли қишлоқдан икки камбағал деҳқон жумҳурият оқсоқоли Йўлдош Охунбобоевга ариза ёзишиб, ўз қишлоқларида жамоа хўжалиги тузишга ёрдам беришни сўрайдилар. Бу ариза жамоалаштириш фаолларига қўл келиб, аризани дастак-далил қилишиб, бутун жумҳурият бўйлаб жамоалаштиришни қизитиб юборадилар. Шундан кейин деҳқонларни жамоа хўжаликларига бирлаштиришни ким тезроқ ўтказди, қабилида иш юритилиб, туманлар, қўрғонлар ўртасида мусобақа бошланиб кетади. Жумҳуриятимизда жамоа хўжаликларини тузиш фойзалари белгиланади.

Аслида бундай хатти-ҳаракатлар деҳқонлар манфаатига зид бўлиб, уларни жамоа хўжаликларига бирлаштиришда ихтиёрлик қонуни бузилди. Натижада, жумҳуриятимизда жамоалаштириш 1933 йилда тугалланиши белгиланганига қарамадан, айрим туманларда жамоа хўжаликларни тузиш 1930 йилдаёқ тугалланди. Туманлар фирқа раҳбарларни қўшни

туманлардан ўзиб кетишга ҳаракат қилиб, жамоалаштириш муддатини сунбий равишда қисқартирдилар. Масалан, Самарқанд округи Каттақўрғон тумани Омонқалта қишлоғи камбағаллари Марказий қўмитага ва Москвадаги Ер ишлари Халқ Комиссарлигига хабарнома юбориб, 300 хўжалиқдан иборат «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги тузилганлигини билдирдилар. Андижон округи, Учқўрғон қишлоғи пахтакор деҳқонлари ҳам ёппасига «Маданият» жамоа хўжалигига бирлашганликлари ҳақида Ўзбекистон фирқа қўмитаси котиби Акмал Икромовга хабарнома юбориб, жамоа хўжалигининг фахрий аъзоси бўлишига розилик беришни сўрадилар. 1931 йил августда Андижон округи Қўдаш тумани фирқа қўмитаси бюроси туманда ёппасига жамоалаштириш тугалланганлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу далиллар ҳаммаси жамоалаштиришга деҳқонларни жалб қилишда партаппаратчилар йўл қўйган қўпол хатолар эди. Мавжуд қонуларнинг қўпол ҳолда бузилиши айниқса қўлоқларга қарши курашда яққол сезилди. Тошкент округи Янгийўл туманида қўлоқ қилинган деҳқонлардан уй ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик қўролларидан ташқари, никоҳ узуклари, пуллари, тақинчоқ нарсалар, ички кийимлар, ҳатто чойнак-пиёлагача тортиб олинди, мусодара қилинди.

1928—1929 йилларда жумҳуриятимизда қишлоқ аҳолисини ижтимоий гуруҳларга бўлишда шундай қонунга амал қилиндиким, яъни 10 қўйи бўлганлар камбағалларнинг биринчи гуруҳига киритилди, 750 бош қўйи бўлганлар ўртаҳоллар гуруҳига киритилди, 750 бошдан зиёд қўйи бўлганлар тўқ хўжаликлар гуруҳига киритилди. Биринчи гуруҳга киритилган хўжаликнинг бир йиллик даромади 950 сўм қилиб белгиланди. Бу албатта 750 бош қўйига бўлган йиллик даромади 7 минг 125 сўмини ташкил этган хўжаликка тенг келолмасди. Лекин жойларда бу қонунга амал қилинмасдан, маҳаллий раҳбарларнинг хоҳиши билан ўртаҳол деҳқонлар ҳам бой-бадавлат хўжаликларга тенглаштириб қўйилди.

Шунингдек, ўша пайтларда камбағал деҳқонларга ҳам нотўғри муносабатда бўлинди. Масалан, Зарафшон округининг Олтинсой даҳасида камбағаллар мажлисига бир хўкизи бўлган деҳқон ҳам қатнашишдан маҳрум қилинди. Шу округнинг Хатирчи даҳасида камбағаллар мажлисига фақат хўкизи бўлмаган ва кам ерли деҳқонлар таклиф қилинди. Юқориде айтган тарзда ўтказилган жамоалаштириш, табиийки, жуда катта моддий ва маънавий йўқотишларга олиб келди. Узининг ҳалол меҳнати билан кун кўраётган, минглаб ўртаҳол деҳқонларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, ўзлари

Россиянинг марказий туманларига, Сибирга, Украинага сургун қилиндилар. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистонга келолмай, бегона юртларда мусофир бўлиб вафот этдилар.

Узоқ асрлар давомида шаклланган деҳқончилик издан чиқди. Хусусий мулк умумий мулкка айланди. Ким мулкни умумий мулкка қўшмаса, унга қўлоқ деган тамга босилди. Жумҳуриятимизда жамоалаштириш бошлангунга қадар ўртаҳол деҳқон хўжаликлари 61 фоизни ташкил этарди. 1930 йилга келиб эса 85 фоиз камбағал батрак колхозчилар, 15 фоиз ўртаҳол деҳқонлар бор эди. Энди барча колхозчилар давлат батракларига айландилар. Жамоа хўжаликларига кирмаган ўртаҳол ва ўзига тўқ деҳқонларга тазийқ ўтказиш кун сайин кучайиб борди. Бу бедодликдан зада бўлган бир қанча ҳамюртларимиз хоржий мамлакатларга кетиб қолдилар.


Жамоалаштиришда йўл қўйилган хатолардан яна бири деҳқонларни оммавий равишда уюштирган қишлоқ хўжалик ширкатларининг фаолиятига етарли имконият яратиб берилмагани бўлди. Чунки ширкатда ишловчи деҳқонлар моддий жиҳатдан яхши таъминланар эдилар. Бу эса ҳаммани камбағалга айлантиришни истаган коммунистлар сиёсатига асло тўғри келмас эди.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган барча қишлоқ хўжалик ширкатлари жумҳурият Халқ Комиссарлигининг 1931 йил 25 январ кунги қарори билан тугатилди. Уларга тегишли ер ва мулклар жамоа хўжаликларига берилди.

Жамоалаштиришдан кейинги йилларда ҳам мамлакатимизда деҳқонларга нисбатан нотўғри сиёсат олиб борилди. Гўшт, жун, дархат, ер ва бошқа турли солиқлар деҳқонларнинг тинка-мадорини қуритиб юборди. Улар солиқлардан озод бўлиш ниятида молларини сўйиб ёки сотиб юбордилар, боғлардаги ҳосилга кирай деб турган мевали дарaxтларини қирқиб ташладилар. Натижада, мол туёғи кескин камайиб кетди. Ҳатто 60-йилларда катта бир қишлоқда битта сигир топилиши ҳам амримаҳол бўлиб қолди.

Ниҳоят, мана, Ўзбекистон диёри мустақилликка эришди. Утган давр мобайнида аграр соҳада йўл қўйилган хатолар аста-секинлик билан тўзатилаётди. Қишлоқ аҳолисига томоғқа учун қўшимча ер берилиши, шахсий хўжаликларга давлат томонидан қорва молларни сотилиши шулар жумласидандир. Зора, бундан бўёғига деҳқонлар эгилган қаддларини тиклаб, бой деҳқонларга айланиб, юрт фаровонлиги, эл тўқлиги учун хизмат қилсалар.

Ҳамид ИСАЕВ,
тарих фанлари номзоди



Катта ва кичик гумбазлар — қадим Бухоро манзараси.

Сувратқаш А. РАҲИМБОВЕ



Қозоғистон

халқ шоири

Сирбой Мавленов 70 ёшга кирди

Япроқлар-эй, туни бўйи шовуллайди.
Бўз тўрғайлар тонгга қадар чугурлайди.
Куз оқшоми, куз оқшоми жуда узоқ,
Икки дардмаш, тўнса ҳамки, усинмайди.
Куз оқшоми...

* * *

Болачилар бол йиғар,
Тўкилар боғнинг гули,
Танларга мадад бўлур,
У болга қотган оғу.
Баъзан ширин ёлғонлар,
Умрлар кушандаси.
Баъзан аччиқ ҳақиқат
Бахт, иқбол гуяндаси.

Ярадор ҳақиқат

Очарчилик йиллар, қатагон йиллар.
Ҳақиқатнинг кўкси ўқдан қон, йиллар.
Уни турмаларга улоқтирдилар,
Гўё денгиз қаърига богирдилар.
Туманлар орғида қолди қўёшдай,
Замоналар чир айланди урчиқдай.
Лекин у ўқдан ҳам, ўтдан, очликдан,
Тўлқинлардан омон чиқди бўғилмай.
Ҳамон шумлик пайт пойлайди ҳар жойда.
Ҳамон унинг йўлини тўсиб қийнайди.
Оҳ, ярадор ҳақиқатнинг танидан,
Ҳозиргача қон томчилаб, тинмайди.

* * *
Бўрон гувлар. Емғир, қасирга,
Булут бағрин тилади чакмоқ.
Кўл ястаниб ётибди пақта,
Тўлқинлари бедор ва уйғоқ.
Икки қирғоқ, икки ошиқни,
Туташтирар рангин камалак.
Кўриб бирдан ёдимга тушди,
Ешилгим ва сочи жамалак.

Қўбиз ноласи

Мунгли нола қилиб бўзлайди қўбиз,
Гоҳ шодмон, гоҳ ғамли сўзлайди қўбиз.
Роҳатланар таним, жоним, жаҳоним,
Дардимиз бир экан билсайди қўбиз.
Таранг торларидан эшилар нола,
Дириллаб, қалғираб тортади нағра.
Юрак торларимни чертиб юборар,
Бунча қийналмасанг, қўбиз, бечора.
Дала-тузлар чопиб келаверади,
Қўбиз тинмай нола қилаверади.
Сароблар жимирлар, афтода, беҳол,
Кўзларим тинмай ёш қўяверади.
Бу қўбизнинг дарди, элимнинг дарди,
Яна эслатади ўтган кунларни.
Мен унинг ноласин тинглаб ўйлайман,
Қўбиз қайдан олган ўтли куйларни.
Сўнг ошна тугиндик қўбиз иккимиз,
Эл йиғласа-йиғлаб, куласа кулашим.
Қалбим тўлғанади, жоним ўртанар.
Мунгли нола қилиб бўзласа қўбиз.

Қозоқчадан таржима

Япроқларни авайламай сўлдиради ким?
Тўрғайларни авайламай бездиради ким?
Япроқларни меҳри билан ҳовучлаб
Тўрғайларни ўз уйига қўндиради ким.

ФАН ВА МАДАНИЯТ

Довруқсиз хазиналар

Ҳар бир миллатнинг тараққиёти кўп жihatдан унинг маърифатига боғлиқ. Билимдан маҳрум этилган эл жаҳолат ботқоғига ботиши муқаррар. Қолаверса, тарихий жаҳоншумул ўзгаришлар, хусусан, миллатимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида бўлаётган бугунги сазъий ҳаракатларимиз ҳам билим билан йўрилган тақдирдагина амалга ошажак. Зеро: «Билим ва поклик билан элнинг кўзи очилади», деб башорат қилиб кетган эди Юсуф Хос Ҳожиб. Жумладан, юртни билим зиёсига буркамोक учун китоб ва кутубхоналарга эътиборни ошириш зарур. Чунки фақат китобгина инсонни камолот чўққисига етаклайди. Китоб тўғрисида тарихимизни биламиз, келажакимизни яратамиз, ўзлимизни англаб борамиз. Маънавий хазинамиз булган бўлган кутубхоналарни эътиборга муҳтож қилган халқ эса маънавий қашшоқ ҳисобланади. Маънавий таназзуллик юз берган ўлкада мил-

латнинг тараққиёти асло бўлмаган. Бундай юртда манқуртларнинг мавқеи баланд келиб, улар ҳукмронлик қиладилар. Халқ эса мутеъ, кулга айланади. Жумладан, бизларнинг юз ўттиз йилдан ортиқроқ кулли тарихимиз бунга яққол мисол бўла олади. Чоризм босқини ва кейинги 70 йилдан ортиқ ҳукм сурган мустамлакачилик сиёсати бизнинг ўлкамиз ҳудудиди китоб ва кутубхоначилик ишени таназзул остонасига олиб келди. Бу фикрнинг исботи учун тарихий ҳужжатлардан исталганга далиллар келтириш мумкин. Мана, биргина мисол: Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман ўз кундалиқларида шундай сатрларни битган: «Бу халққа иложи борича кўпроқ пахта эктириш, иложи борича кўпроқ ишлашга мажбур этиш керакки, токи бир зум ҳам ўйлашга, кундалик воқеаларни англашга вақти ҳам, хоҳиши ҳам қолмасин».

Инқилобдан кейин ҳам бу сиёсат ўта

устамонлик билан давом эттирилганлигига ўзимиз ҳам гувоҳимиз. Энг ачинарли ҳоллардан яна бири, бутун жумҳуриятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида китоб дўконлари собиқ марказ нашриётларида чиқарилган русча китоблар билан тўлиб-тошиб кетди. Бу ҳол эса ўз-ўзидан халқимиз онига ва маданиятига салбий таъсир қилди.

Қатта-қатта йиғилишларда ва мажлисларда жамиятнинг маънавий тараққиётида китоб ва кутубхоналарнинг муҳим ўрни борлиги ҳақида баландпарвоз гапларни кўп айтдик. Амалда эса нимага мўлжалланганлиги нотайин бўлган осмонўпар иншоотлар, маъмурий бинолар қурилишига миллион-миллион сўм маблағлар сарфлаб, халқнинг маънавий камолоти йўлида кутубхоналар учун махсус бинолар қуришга эътиборни сусайтириб юбордик. Жумладан, бу соҳада жуда кам иш қилинганлиги рост гап. Масалан, республика Маданият вазирлигига қарашли 6 минг 588 та (1988 йил) кутубхонанинг атиги 64 таси махсус бинога эга ҳолос. Қолаверса, Самарқанд вилоятида 755 та кутубхонанинг тўққизтаси, Қашқадарёда 515 зиёнонадан иккитаси, Сурхондарёда битта, Сирдарёда иккита маърифатхона махсус лойиҳа асосида қурилган ҳолос. Наманган вилоятидаги Қосонсой, Норин туманларидаги кутубхоналар ҳаммомнинг иккинчи қаватида жойлашганига нима дейишга

ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ

Миллий қадриятларимизнинг барчаси Ислом дини билан боғлиқдир. Турғунлик йилларида исломга хос урф-одатлар билан омукта бўлиб келган миллий қадриятларга нисбатан бўлган нотўғри муносабатлар ҳақида энди очиқ-ойдин гапирилмоқда. Маълумки, бизнинг қонунлар мажмуида ҳар бир миллат еки шахс ўз виждон ва диний эътиқод эркинлигига эга, деб таъкидланган. Афсуски, бу сўзлар қуруқ қогозда жарангдор гаплар бўлиб қолаверди. Амалда эса, Президентимиз Ислом Каримов рўй-рост эътироф қилганидек: «Илгари бизда эътиқод учун, аждодларнинг урф-одатларига риоя этилганлик учун, кўпинча халқ анъаналарига ҳурмат кўрсатганлик учун партиядан ўчиришар, лавозимидан бўшатилар», охириқабатда хўрлашар эдилар.

Даҳрийларнинг айюҳанноси оламни тугган кезларда диндорлар тазикчи остига олинди, кўплари замонавий усуллар билан таъкиб қилинганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Диний китобларни оммавий нусхада нашр ва таржима қилиш манъ этилди. Масжид ва мадрасалар ёпиб қўйилиб, кўплари шафқатсизларча бузиб ташланди. Ҳатто мусылмонларнинг муқаддас ки-

тоби саналган Қуръони Каримдан бутунлай юз ўгиришга ундалди. Оқибатда миллий қадриятларга бўлган ғайримазънавий муносабатлар инсонлар онгида ахлоқ-одоб каби турқона тушунчаларни гализлаштириб юборди.

Етмиш йил мобайнида комил инсонни тайиллаймиз деб фақат оғизда жар солдик. Аммо етукликнинг асосини миллий қадриятларга эътибор ташкил қилишини тушунишни хоҳламадик. Ахир, маънавий мерос ота-боболаримиз томонидан авлодларга қолдирилган илмий-фалсафий ва маданий бойликларнинг ўзи билан чекланмай, муҳими миллий урф-одатларимизга сингиб кетган ахлоқий ва одобий қарашлар билан аҳамиятлидир. Аммо халқона расм-русмлардаги муқамал доноликни теран идрок қилмоқлик учун энг аввало баркамол нафосатли шахс бўлмоғимиз керак.

Буюк бобоқолларимиз: «Молни йўқотган гадо, динини йўқотган адо бўлар», деб бежиз айтишмаган. Форобий, Беруний, Ал-Хоразмий, Хўжа Аҳмад Ясавий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёрлар ҳам динга эътиқод қўйганлар. Масалан, Ибн Сино Қуръони Каримни ёд олганли-

ги хусусида маълумотлар бизгача етиб келган. Ҳатто япон олимлари Қуръони Каримнинг Бақара сурасидаги бетақрор онг маҳсули бўлган умумбашарий қадриятларни эҳтиром билан тилга олиб: «Қуръони Карим одамзодга ато қилган ягона энг улкан маънавий илоҳий неъматдир», дейди.

Хайриятки, диёримизда маънавий янгилиниш жараёни давом этаётган ҳозирги пайтда Ислом динига бўлган муносабатларимизда ҳам ижобий қарашлар шаклланимоқда. Жумладан, давлатимиз Олий кенгаши дин эркинлигини таъминлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилганлиги бежиз эмас абаатта. Вузунги янгилиниш, поклиниш даврида эски масжидлар тикланмоқда, янгилари қурилиб, мавжуд маъҳадлар кенгайтириляётганлиги қувончли. Масалан, Тошкентнинг Ҳофиз Кўҳажий маҳалласида Абдулло Хўжаи ташаббуси ва маҳалла фаолларининг жонқуяриги туяйли «Азиз Халфа» масжиди яна муқаддас ибодатгоҳга айлантирилди. Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида ҳам Ислом аҳли шундай қувончли воқеаларнинг гувоҳи бўлмоқда. Хукуматнинг махсус фармони билан рўза ҳайит, қўрбон ҳайитларнинг қайта тикланиши ҳам халқимиз учун кўрсатилган муруват бўлди.

Афсуски, биз узоқ йиллар диндан қайтиш ва даҳрийлик социалистик жамиятда қонуний ҳисобланади, деб шунга амал қилдик ва ишондик. Ҳолбуки, ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳам динга давлат томонидан алоҳида эътибор қилинган. Ма-

салан, ҳозиргача 43 та капиталистик мамлакатларда расмий давлат черкови мавжуд. Италияда шу кунгача давлат хизматидаги кириш учун диний муассасадан диний эътиқоди хусусида ижобий ҳужжат кўрсатилиши шарт. АҚШнинг Шимолий Каролина, Миссисипи, Техас каби штатларида диний қасамни рад қилган киши давлат ташиқлотларида хизмат қилиш ҳўқуқидан маҳрумдир. Американинг қатор штатларида динга қарши тарғиб ва ташвиқ юртган кишилар учун жиноий жавобгарликка тортилиши қонунида кўрсатилган. АҚШ конгрессининг сессиялари доимий равишда диний ибодат билан очилди, президент ҳам Инжилга қасамёд қилиши шарт. Энг асосийси эса, дунёнинг ривожланган мамлакатларида — Англия, АҚШ, Япониянинг ўрта мактабларида она тили ва адабиёти, математика фанлари қаторида дин ҳам мажбурий фан сифатида жорий этилган.

Энди бизда Ислом динини ривожлантириш учун «Ислом тарихи» фанини жорий этишни тезлаштириш керак. Чунончи, ойнаи жаҳонда диний кўрсатувлар қўламини кенгайтириш, маъмулан бойитиш лозим. Вақтли нашрларда ҳам бу борада қатор ишларни қилишимиз зарур. Ана шундагина биз жамиятимизнинг ҳар бир аъзосида миллий қадриятларга чексиз ҳурмат туйғусини шакллантиришга эришишни тўла таъминлай оламиз.

Норбек УСАНОВ

ҳам ҳайрон қолсан киши. Қатор қишлоқ кутубхоналари пасткам, заҳ, тор иморатларга жойлашган бўлиб, у ерда китоб сақлаш ва хизмат кўрсатиш учун энг оддий шартлар ҳам мавжуд эмас. Энг ачинарлиси, қишлоқларда маърифатхоналарининг 80 фоизи қишининг қор ва ёмғирли кунларида мутлақо иситилмайди. Ёзда эса аксинча, факатгина олти фоиз қишлоқ кутубхонасида-телефон мавжуд. Сўнги ўн йил давомида деярли бирорта бино кутубхоналар учун махсус лойиҳа асосида қурилмади. Биз узоқ йиллар давомида ўзимизни ўзимиз: «Аҳолига намунали хизмат кўрсатаймиз!» деган қуруқ сўзлар билан алдаб келдик.

Китобхоналарга хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам биз жаҳондаги ривожланган мамлакатлар орасида энг қуйи поғонадамыз. Негаки, бугун америкалик оддий китобхон кутубхонада туриб сунъий йўлдош орқали ер юзидagi энг тараққий этган мамлакатларнинг маърифатхоналари билан алоқа боғлаб, 15 дақиқа ичда истаган маълумотни олиши мумкин. Японияда эса китобхонга қайси муаллифнинг асари керак бўлса, унинг исми-шарифи компьютерда терилса бас, ўша заҳоти ойнаи жаҳонда муаллиф китобларининг рўйхати кўринади. Энди бу ҳолни ўзбекистондаги кутубхона хизмати билан қиёбласак, бизда иш юритиш ўрта илгирдодий аҳволда эканлигини тан олмай иложимиз йўқ!..

Ҳозирги кунларда айрим олимлар ва давлат мулкни хусусийлаштириш тарафдорлари кутубхоналарни хусусийлаштириш орқали таназаулан чиқмоқчи бўлмоқдалар. Кутубхоналарни хусусийлаштириш жараёни бизда яхши кетмаслиги мумкин. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Масалан, йирик корхоналарда кутубхоналар мавжуд. Агар мазкур корхона давлат тасарруфидан чиқса, ўз-ўзидан унинг кутубхонаси ҳам ху-

сусийлашади. Яъни, ўша корхонанинг мулкига айланади. Қолаверса, шу кунларда, катта-катта пойтахт шаҳарларида давлат тасарруфидан ташқарида бўлган ўқув юртлари ташкил этилмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, унинг кутубхонаси ҳам давлатники эмас. Масалан, Хитўйда ҳам хусусий кутубхоналар фаолият кўрсатади. Шу билан бирга, давлат кутубхоналари ҳам мавжуд. Биз шу ҳақда ҳам атрофлича ўйлаб кўришимиз керак.

Мен бир неча йиллар ўзбекистон китоб палатасида ҳам хизмат қилдим. Ушунда ўндан ортиқ китоб солномаларининг ҳаммуаллифи сифатида қатнашдим. Бу муҳаррирлик фаолиятимда мени бир нарса таажжубга соларди. У ҳам бўлса, биз ўзимизнинг минг йиллик тарихга эга бўлган фанлар классификацияси бўла туриб, қандайдир классификацияларга амал қилдик. Шу ўринда ҳақиқатан тан олиб айтиш жоизки, Шарқ — инсоният илмининг бешиги. Фанларнинг манбаи ва келиб чиқиши ҳақидаги таълимот ҳам туркийларда узоқ тарихга эга. Масалан, Форобий яратган фанлар классификацияси ўз даври учун мукаммал даражада бўлган.

Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида ҳам XX асрга қадар асосан Форобийнинг Фанлар классификацияси қўлланилиб келинган. Унинг «Ихсо ал улум» рисоласига 15 га яқин шарҳлар ёзилган. Чунончи, Форобийнинг Фанлар классификациясига оид асаридан бутун дунё олимлари кенг фойдаланганлар. Муҳаммад ал-Хоразмийнинг «Мафотих ал улум» («Фанларнинг қалити») — 976—991) китобида ўрта асрда мавжуд бўлган илм соҳаларининг рўйхати берилган. Ибн Синонинг ҳам «Ақлий билимлар таснифи» асари бор. Энг таажжубланарлиси шундаки, ҳозир кўпгина илм соҳиблари фанлар классификацияси бўйича буюк бобоқолларимиз яратган ва бизгача

етиб келган қатор асарлар бўлишига қарамай, кўр-кўрона бизга ёт бўлган хоржий олимларнинг кўрсатмасига сажда қилиб иш юритиб келаямиз.

Энг ачинарли ҳоллардан яна бири — Ўзбекистондаги кўпчилик кутубхона хизматчиларининг билим савиясини ҳам кўнглигадидек деб бўлмайди. 1988 йилги маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Давлат оммавий кутубхоналаридаги 11 минг 386 ҳодимнинг 2 минг 184 нафари ёки 19,2 фоизига махсус олий маълумотга, 33,5 фоизи ихтисосли ўрта махсус маълумотга эга бўлган ходимлардир ҳолос. Олий ихтисосли мутахассислар Қашқадарёда 10,9 фоиз, Бухорода 12,2 фоиз эканлигини нима билан изоҳлаш мумкин. Аммо мазкур кўрсаткичлардан, кутубхоначи — библиографлар тайёрлаш миқдорини ошириш керак экан-да, деган ҳулоса келиб чиқмаслиги керак. Ихтисосли зейкорларнинг салмоғи етарли даражада. Масалан, 1974—1984 йиллар мобайнида Маданият олий билимгоҳида 4 минг 449 та малакали кутубхоначи-библиограф, маданий-оқартув техникумларида 5 минг 898 нафар мутахассис билим олди. Демак, бизда тайёрланган мутахассисларнинг кўпчилиги ўз соҳасида ишламаётти. Бунга сабаб нима, деган ҳақли савол туғилади. Бунга асосий сабаб: кутубхоначи-библиографларнинг ижтимоий-маънавий ва моддий жиҳатдан ҳимояланмаганликларидир. Бугунги кунда бу соҳа вакиллари давлат томонидан етарли даражада ҳимоя қилинаётгани йўқ. Қисқача айтганда, маънавий хазиналар довругини кўтариш учун уларга эътибор зарур.

Соибназар ДАВЛАТОВ,
А. Қодирий номи Маданият олий билим-гоҳининг кутубхоначилик кулиёти декани
муовини

ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН ЁШУЛЛИ

Қишнинг қирчиллама кунлари, қора кучлар ўз ниятларини амалга оширдилар. 1986 йилнинг 25 январь кунини ҳеч қандай санкциясиз қонунга хилоф равишда Олимбой Примов қамоққа олинди ва Нукусдаги ҳибсхонага олиб кетилди. Бундан хабар топган Беруний шўро хўжалиги ишчилари, айниқса кўпни кўрган қариялар унинг кетидан ҳимоя қилиб қолиш учун изма-из этиб бордилар. Аммо Нукусда улар талабига қўлоқ солиш ўрнига, сенларни Примовнинг одамлари уюштириб олиб келган, деган айб тақаб, улар ҳам сўроққа тутилдилар. Ҳар биридан тушунтириш хатлари ёзириб олинди.

Аслида эса у ўз меҳнати, қилган ишлари билан алакачон халқнинг ҳурмат-эътиборини қозонган эди. Олимбой Примов қандай вазифада хизмат қилмасин, ўз ери, ўз эли учун қайғурди, жонбозлик кўрсатиб ишлади, хизмат йўлида ғайратини, билиминини аямасди. У ёшлиғиданоқ заҳматкаш халқ дардига елкадош бўлишни дилига тугиб юрарди. Уқишни битиргач, ишни Беруний туман пахта тазалаш заводида муҳандисликдан бошлаган Олимбой орадан кўп ўтмай, аввал туман, кейин вилоят ёшларига етакчилик қилди. Йигирма олти ёшида Беруний туман ижрокўми кенгаши раислигига сайланди. Шундан кейин тез орада туман марказий кўргони ободонлаша бошлади. Меҳнаткашларнинг турмуш шaroитларида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди.

Айниқса унинг Қорақалпоғистон жанубида барпо этилган Эллиққалъа туманида амалга оширган улкан ишларини халқ жуда яхши билади. Беруний ва Тўрткўл туманлари оралиғидаги бир чеккаси Қизилқум саҳросига туташиб кетган кимсасиз қумлоқ ерларни ўзлаштириш осон бўлмади.

Олимбой Примов бошчилигида 1977 йилда бошланган Эллиққалъадаги бунёдкорлик ишлари 1983 йилга келиб дастлабки натижаларини бера бошлади. Бу ерда исми жисмига монанд Вўстон шаҳри чирой очди. Ваъзан бўстонликлар уни «Олимбой шаҳри» деб ҳам аташади. Олимбой Примов ўзи тепасида туриб, шаҳар кўчалари, қурилажак бинолари лойиҳасини чиздирди. Шаҳар жойларда хонадонлар учун олти сотихдан томорча участкаси ажратиб бериш ҳақида юқоридан махсус қарор бўлишига қарамасдан ҳар бир оила учун 12 сотихдан ер ажратилди. Уларга ўн минг сўмдан узоқ муддатли қарз берилди. Шунингдек, хўжаликларга кўчиб келувчи оилаларга эса уй-жой қилиш учун йигирма беш сотихдан ер ажратиб берилди... Шунинг учун ҳам халқ уни ҳимоя қилишга отланди.

О. Примов ҳибсга олинганга қадар ҳам анча ташвишларни бошидан кечирди. Полик ниқоби остида Ўзбекистонда бошланган қатлимон уни ҳам четлаб ўтмади. Четдан қақирилган «виждон» ли раҳбарларга Олимбой Примовнинг халқ ўртасида қозонган обрў-эътибори ёқмади.

Авалло уни ўзларининг қабиҳ ишларига шерик қилмоқчи бўлишди.

Шу ниятда ўша вақтдаги Қорақалпоғистон комфиркасининг биринчи котиби Қақимбек Солиқов уни ўз ҳузурига чақирди.

...Солиқов Примовни очиқ чеҳра билан қарши олди. Уни момиқ ўриндиққа таклиф этиб, ўзи ёнига ўтирди. Эски қадрдонлардек яна бир бор салом-алиқ қилиб олгач, мақсадга кўча бошлади:

— Шундай қилиб, ўртоқ Олимбой Примов, сиз билан бизнинг мақсадимиз муштарак. Иккалаимиз ҳам партиянинг суняган даст-ёримиз. Визга шунчалик масъулият юкланган экан, сидкидилдан бажарнишга мажбуримиз. Мен бу лавозимга келган кунимдан бошлаб сизнинг ишларингизни кузатдим. Ютуқларингиздан, эл-юрт орасидаги обрўингиздан хабардорман.

— Раҳмат,— дея миннатдорчилик билдирди Олимбой Примов. Солиқов ўзини унга қанчалик яқин олиб, самимий кўрсатишга уринмасин, замирида сезилар-сезилмас ялтоқланиш борлигини англаб етганди. Шунинг учун бир оз ҳўшёр тортиди. Биринчи котиб нолиганаммо оҳангда сўзини давом эттирди: — Сизни чақиримиздан мақсад янада масъулиятли вазифа юкломқчимиз. Сизга Нукус шаҳар фирқа кўмитаси биринчи котиблигини топшироқчимиз. Ута масъулиятли иш.

— Қаерни лозим топсангиз, ўша ерда ишлаш бизнинг бурчимиз,— деди Примов очиқ кўнгилчилик билан.

— Мана бу ўғилбола гап бўлди,— деди биринчи котиб ва овозини бир парда пасайтириб, бўйинини Примов томон чўзди. — Бу ерда менга ўпирилган иқтисодий, авжига чиққан қонунбузарлик мерос бўлиб қолганидан хабарингиз бор. Уни тартибга келтириш учун сизга ўхшашган эл-юрт орасида обрў қозонган ходимлар кўмаклашмас, бир ўзим нима қила олардим. Мен сизга айтсам, барча тартиббузарликларнинг тепасида Қаллибек Камолов бош-қош эканига ишонч ҳосил қилдим. Аммо ҳали унинг атрофида талайгина кучлар мавжуд. Ана шуларни бартараф этиб, халққа рўшнолик беришда менга елкадош бўласиз, деган умидда... Қисқаса, яқинда бўладиган йиғилишда уларнинг кирди-корларини фoш этиб ташлайсиз. Келишдикми?

Олимбой Примов, ичида бир нарса узилгандек, ўтирган ерида тўғлониб кетди. У мулоим табиати, итoаткор ходимдек кўрингани билан қатъий фикрли, эътиқодли, ҳар бир ишни халқ манфаатини кўзлаган ҳолда, виждон тарозисига солиб баҳолайдиган киши эди. У шу маҳалгача Қаллибек Камоловдан оталарча меҳрибонлик билан йўл-йўриқлар олган-у, аммо зинҳор ёмонлик кўрмаганди.

— Тўғри, узоқ йиллар бирга ишлагансиз,— дея тилёғламаликка ўтди Солиқов. — Аммо биз халқни ўйлашимиз керак. Аҳволни қаранг. Тўғри сўз бетга айтилса заҳри бўлмайди. Қолаверса... сиздан умидимиз катта. Ҳали анча ниятларимиз бор...

Примов кутилмаганда унинг сўзини бўлиб:

— Йўқ, ёшулли, бу иш менинг қўлимдан келмайди,— деди қатъий.

— Ўйлаб кўринг,— деди Солиқов тўсатдан кифеасини ўзгартариб.— Бизнинг ишончимиздан қолсангиз...

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Олимбой Примов устидан турли ташкилотларга шикоятлар туша бошлади. Узоқдан қақирилган десантчиларнинг ерли кадрларни жиловлаб олиш ёхуд бадном қилиш учун қўллайдиган биринчи усуллари шу эди. Наиллож, ўзингдан чиққан балoга қайга борасан даъвога. Амал учун, бойлик учун айрим «лаббайжонлар» қандай қабиҳликка боришмайди, дейсиз. Туманни комиссия устига комис-

сия босди. Текширув натижалари ҳар сафар муваффақиятсиз яқунланаверди.

Нихоят, 1984 йил 13 сентябрдаги бюрода Солиқов Примовга партиявий жазо берилишига эришди. Аммо у бу билан чекланиб қолмади. Примов тепасидаги қора булут тобора қуюқлашиб, пастлаша бошлади. Ўша йилнинг 29 декабрда бошқа ишга ўтишни баҳонаси билан вазифасидан олиниб, энг қо-лоқ Беруний шўро хўжалигига директор этиб тайинланди.

Одатда, лавозими пасайтирилган кўпчилик раҳбарларнинг қўли ишга бормай қолади. Демак, қаттиқроқ жазолаш учун баҳона тайёр. Аммо Олимбой Примов одати бўйича руҳини туширмасдан енг шимари ишга тушиб кетди. Ишлаб чиқаришда янги, халқчил усуллар изолади. Интиланганга толе ёр, дейди халқимиз. У директор бўлиб келгунча қо-лоқ хўжалик деҳқонларининг қўллари ишга бормай қолганди. Примов уларни қизиқтириш мақсадида оилавий пудрат усулини жорий этди-да, йил бошидаёқ қилинмаган меҳнат учун ҳақ тўлаб қўйилишини эълон қилди. Истаган одамнинг пули қўлига нақд берилди, истаган одамники омонат кассадаги ҳисобига ўтказилди... Бир йилга қолмай, хўжалик оёққа турди. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари қурилиши бўйича ҳам хўжалик илғорлар сафига чиқиб олди. Примовнинг обрўси эл орасида янада ошиб кетди. Орадан саккиз ой ўтгач, кўпчиликнинг талаби билан Примовга берилган жазо олиб ташланди.

Примовнинг бу ютуқларидан Солиқов ва унинг атрофидагилар оромларини йўқоттиди. 1985 йил 12 октябрда кутилмаганда бюрода Примов партия сафидан ўчирилди. Унга тақалган айб — Вўстон шаҳридаги шўролар уйи қурилишига ортиқча маблағ сарфланганлиқда эди. Аммо яна ҳақиқат қарор топиб, жазо олиб ташланди. Шундан кейин аламзадаларнинг жазаваси баттар тутиб кетди. Қандай қилиб бўлмасин, Примовнинг шохини букиш керак эди. Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти прокурори В. Донцов томонидан комиссия тузилди, қисқа фурсат ичида О. Примовнинг уйи ўн марта тинтув қилинди. Фақат ўзи эмас, қўни кўши-нилари ҳам терговлардан безор бўлиб кетишди. Ноҳақликка қидолмаган Примов тегишли ерда арз қилди. Терговчи ишдан олинди. Аммо қора ниятлари чиппака чиқаётганидан фиғони ошган Солиқов Донцов орқали Олимбой Примов устидан жиноий иш қўзғатиб, судга оширтирди. Қорақалпоғистон Олий суди, Примовнинг ишида ҳеч қандай жиноят аломатлари йўқ, деб топди. Вунга қидолмаган «поқдомонлар» нопок, нотанти ҳужумга ўтдилар. Иш мухтор жумҳурият прокуратурасининг тергов бўлими бошлиғи Глушенкога топширилди.

Нукусда Олимбойга қўйилган айблар исботини топмаган бўлса-да, Тошкентдаги «махсус ертўла»га юборилди, тириклайин дўзах азобига дучор қилинди. Унга:

— Билиб қўй, бу ерда чойшабларни рўйхатдан чиқариш мушкул. Аммо одамларни ҳисобдан чиқариб ташлаш ҳеч гап эмас. Шунинг учун ёганларимизга қўл қўйиб берсанг бас, барча азоблардан халос бўласан, йўқса...— деб тўққиз-ўн соатлаб тергов қилишарди. Кейин эса тонг отгунча азоб бериларди...

Бари бир судда адолат тантана қилди.

Примовнинг иши иккинчи марта судда кўрилиб, яна оқланиб юборилди. Бу сафар суд уни қамоқдан озод қилиб қолмасдан, райрикоунинг тергов олиб боргани учун Глушенкони жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида алоҳида ажрим чиқарди. Аммо адолат тарозисига адоват тошларини қўйган қора кучлар яна ғолиб чиқинди. Примов озодликка чиқиши керак бўлган куни Гдляннинг тергов гуруҳига ўтказиб юборилди. Уни Москвадаги «ишончли қўлларга» Глушенкони ўзи қўшқўллаб топшириб келди. Ташкентдаги кийноқлар «Матросская тишина» қамоқхонасидаги азоблар олдида ҳолва экан. У ердаги терговчиларга сўроқ қилинаётган шахс у ёқда турсин, унинг оила авзолирому қариндош-уруғларигача, айби борми-йўқлигидан қатъий назар, қийноққа дучор қилиш ҳуқуқи берилганди. Улар учун инсон (тўғрироғи ўзбеклар) ҳуқуқини истаганча поймол қилиб топташлари ҳеч гап эмасди. Шахсан Гдляннинг ўзи қуролланган шотирлари билан Примовнинг уйига келиб хотинига:

— Эринг керак бўлса миллион сўм топиб берасан, бўлмаса, ундан айрилдим, деявер,— деб болалари, қариндош-уруғлари ҳузурда дағдага қилди. Шундан кейин бечора аёл пул излаб тентирашга тушди. Гдлянчилар эса Примовнинг уйидаги бор нарсаларини таший бошладилар. Ҳатто неварасининг бошидаги бир сўм саксон тийинлик дўппичасини ҳам олиб кетдилар. Турмушга узатилган қизнинг тақинчоқлари ҳам қолмади улардан.

Олимбой Примовнинг хотини не-не азоблар чекиб ўн уч кишидан 163,5 миң сўм йинги, терговчиларга қўшқўллаб топширди. Бундан ташқари, Гдлян бошлиқ 25 киши уч ҳафта давомида уларникида турди. Примовнинг хотини уларга ўз рўзғори ҳисобидан овқат қилиб берарди. Ҳа, тизгинини узган терговчиларнинг мушугини «пишт» дейдиган кимса йўқ эди ўша кунларда. Улар ҳатто зўравонлик билан олинган қимматбаҳо буюмларни рўйхатга олишяптими, йўқми — ҳеч ким суриштирмасди.

Терговчилар Москвага борганда бошқа қиёфага киришиб, рўзнома ва мажаллалар, овознигор ва ойнаи жаҳон орқали «Ўзбеклар иши» дан лоф уришарди. Заррача андишага бормай, Ўзбекистонни тиканли симлар билан ўраб, маҳбухонага айлантириш ҳақида ваъзхонлик қилишарди.

Олимбой Примовга тақалаётган катта айблардан бири — унинг Камолов ва Рашидовлар билан яқинлиги эди. Шундан қинғирлик излашарди. Тўғри, Олимбой Примов инсон ақли бовар қилмайдиган қисқа фурсатда қумлоқда бўстон яратилишига бошчилик қилди. Шахсан унинг сайй-ҳаракатлари туфайли бу туман меҳнаткашлари хонадонларига қут-барака кирди. Харобага айланиб, кум кўчкилари остида қолиб кетган қалъалар, қадамжолар зиёратгоҳларга айлантирилиши режалаштирилди. Бўстон шаҳри ўртасидаги парвозга шайланаётган тайёра тимсоли уч қават қилиб солинган Кенгашлар уйи собиқ Иттифоқда беназир эди. Уни кўрганда Шароф Рашидов қойил қолганлигини яширмай:

— Боплабсан, Олимбой! Лойиҳадаги тўртинчи қаватини ҳам қурдира берсанг бўларди,— деганди. Шароф ака Примовнинг ҳатто қонунга хилоф равишда шаҳарликларга 12, қишлоқ жойларда 25 сотихдан томорқа учун ер ажратиб берганини эшитганда ҳам мамнун жилмайиб қўйганди. При-

мов кум остига кўмилиб кетган Абдулло Наримжоний қадамжоси рўпарасига катта айвонли, ҳовузли дала шийпони қурдиргани ҳам Рашидовга маъқул тушганди. Айниқса, Тупроққалъа ёнига музей қурдираётганини кўрган Рашидов:

— Мана бу ҳам зўр иш бўлибди! Аммо уни нималар билан тўлдирасан энди? — деб сўраганди.

— Шароф ака,— деганди Олимбой Примов гап келиб қолганидан қувониб.— Шу хусусда сиздан маслаҳат олишни дилимга тугиб юргандим. Хабарингиз бор, археологлар бу ерни 1937 йилдан бери титқилашади. Аммо ишларини биздан яширишяпти. Қавланмаган қисмига бизни яқин йўлатишмайди. Музейимизга шу ердан чиккан синик сополларни беришмоқчи холос. Қимматбаҳо буюмларнинг эса қорасини ҳам кўрсатишмайди. Москвадаги музейларда кўриб қолаямиз. Ахир Москвадаги Миклуха-Маклай номидаги илмий тадқиқот институтида ва Эрмитажда 5 миллиард сўмлик қазилма осори-атиқалар мавжуд.

— Тушунарли,— деди Шароф Рашидов ўйланиб.— Уларни қайтариб олиб келишга ҳаракат қилиб кўраман.

Аммо Москвадан бу нарсаларни ундириш ўша вақтда ниҳоятда қийин эди. Шунинг учун Шароф Рашидовнинг уларни қайтариб олиб келишга қурби етмаганди. Аммо шу томонга йўли тушса, Эллиққалъа туманига албатта кириб ўтарди. Ҳар сафар дили яйраб кетадиган бир ангилликка дуч келарди. Ҳатто Примов Шароф Рашидов билан яккама-якка қолганида:

— Шароф оға, мен баъзан пахта майдонидан юлиб олиб, мезазорликка, сабзавотчиликка берайпман,— дейишга ҳам журъат этганди. Шароф Рашидов чеҳраси ёришиб, унинг фикрига сўзсиз ҳамдамлик билдирганди. Эҳтимол, у ўзи орау қилиб, аммо амалга оширишга имкон тополмаётган дилидаги

орзуларини шу туманда рўёбга чиқараётгани учун Примовни хурмат қилгандир.

Ниҳоят, 1990 йилнинг апрель ойида Примов устидан учинчи марта суд бошланди. Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларига жойлашган ўнлаб ташкилот вакиллари ҳамда юз мингдан ортиқ аҳоли Примовни ҳимоя қилиб чиқишга бел боғлади. Уша кунларда Олимбой Примов яхши ниётлар билан қурдирган «Жайхун» киноконцерт залида туман партконференцияси иш бошлаганди. Минбарда В. Дондов сингари казо-казолар ўтиришига қарамай, йиғилишнинг 299 делегати ҳамда 50 нафар тақлиб қилинганлар суд залига кириб келишди. Примовнинг амалга оширган ишларини сўзлаб, озод этилишини талаб қилишди. Аммо суд терговнинг айрим эпизодларини тўғри деб топиб, ҳибсда ўтирган вақти ҳисобига уни залдан озод этиб юборди.

Хоразм вилояти судининг 1992 йил 17 январдаги ҳукми билан Олимбой Примов тўла оқланди.

Ҳозир бу отахон Беруний туманлараро насос станциясини қилганмоқда. Бу ерда у қисқа фурсатдаёқ ибратли ишларни амалга оширди.

Биз халқпарвар бир раҳбарнинг ишбилармонлиги, элпарварлиги учун чеккан азоблари билан танишар эканмиз: «Олимбой Примов ҳам ўз ҳузурини ўйласа бўлмасмиди? Шу кўргилликлар бошига тушмаслиги аниқ эди-ку», деган ўйга борамиз. Аммо бу тоифадаги тоза қалбли, кўпчиликка самимиятли, мустаҳкам эътиқодли одамлар учун эл дарди, халқ манфаати ўз оиласидан, ҳузур-ҳаловатидан юқори туради. Беихтиёр дилимизда ўша инсонлар сиймосига шукроналар қалқийди.


Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ

Беруний тумани



Бўлажак рақосалар.

Сувраткаш Р. НУРИНБОЕВ



Тўра СУЛАЙМОН

Сафин абзий

«Эргаш Жуманбулбул ўгли эл кезади» тизмаларидан

Музаффархонни танг қолдириб, халқ меҳрини қозониб, булбул лақабини олган оқиннинг болалиги Қўшрабатда бирга кечган, шу ерда уйли-жойли бўлиб, шу ерда униб-ўсган Сафин исмли татар тенгқури бир кунни оқинникига авзойи бузилиб, бўзариб-сўзариб келибди. Эргаш оқин:

— Ҳа, нима гап, Сафин абзий? Турқи-тароватингдан тупроқ ёғилиб қопти, тинчликми ўзи? — деб ҳол-ахвол сўрабди. Шунда Сафин абзий:

— Оч бола билан тўқ бола ўйнамай, тўқ бола ҳич нарсени ўйламай, диганлари ростга ўхшаб туюла. Шағирмин диб сен журистин, устамин деб мин журиш,— дебди.

— Бир эрга бергусиз булутдай қизимизни бериб қўйибмиз. Қиздан қизинг, улдан улинг бор, ҳаменинг тўла пулинг бор. Тағин нима керак ўзи сенга? Бошда, татар бор ерда хатар бор, деб Тошбувининг ота-энаси қизи тугил унинг босқан изини ҳам сенга раво кўрмаб эди. Тошбувини сенга олиб бергунча эна сутимиз оғзимизга келажакди. Яна нима демоқчисан? Сендан қутиламизми-йўқми ўзи? — деб ҳазиллашибди Эргаш оқин.

— Қуйсий шундай гапларингни. Утган ишга саловат. Мин бошқа турсенда суйлай диб эдим. Син эса,— деб Сафин абзийнинг фиғони фалакка чиқибди.

— Нима, ер ўйилиб, осмон узилиб тушдимми? Тинчликми ўзи? — Кошки шундай бўлса. Ҳазир унданда баттар, тунданда баттар, хунданда баттар. Бу элда қулоқ булмагад одамнинг ўзи қолмади. Қулоқ булганларнинг ички-улоғи тугил к...қолмади. Курпа-тушакларинда, тузлик-туршакларинда олиб китиб бўлдилар. Сибирга сургун булганларнинг эса саногига жетиб бўлмай. Сулаймон абзийнида қулоқ килибдилар.

— Бўлмаса иккимиз қолибмиз-да қулоқ бўлмаган?

— Шулай, шулай.

Оқин бир муддат сукут сақлаб, не деб жавоб берарини билмабди. Сиёсатга тил тегизай деса... Тегизмай деса унинг чораси йўқ. Сўнг яна абзийнинг ўзини гапга солибди:

— Савит сиёсатини мендан кўра ўзинг жуз пойиз жахши тушунасан. Давлат дегани — консираган қилич, дегани. Боз устига, баттарин тўқ бўлса — мусулмон тинч, деган гап ҳам бор. Бор топганимизни ўшалар тошиб, ўшалар тўйиб бўлсин. Кейин бир гап бўлар.

— Ер туйса туя, улар тўймай. Туйсаларда бу одатларин қуймай.

— Визнинг қўлимиздан нима ҳам келар эди? Даъвогаринг қози бўлса, дардингни оллоҳга айт, дебдилар. Энди биргина яратганинг ўзидан нажот.

Сафин абзий шоир табиатли, суҳани ширин, назмғўйликдан ҳам сал хабари бор, ҳожатбарор, қўли гул уста, унингсиз давралар ҳам қизмас, борган ерини баҳорга айлантириб ўтирадиган, афтодаҳол одамни кўрса юрак-бағри эзилладиган оққунгил, қўли очик киши экан. Қолаберса, қўшрабатликларга куёв бўлгани учун...

Ходи Тўхтош, Абдулла Тўқай, Муҳаммад Ходиларни ҳали ҳеч ким эшитиб, ҳеч ким ўқимаган:

*Мунаввар осмон остинда зулмат жонли инсонлар,
Чечакли ерлар устинда хазон виждонли инсонлар,
Бирда оташ тўпли, бирда қилмиш-қалқонли инсонлар,
Не учунким бу тупрогин қучоғи қонли инсонлар.*

Ехуд:

*Бу тупроғни ҳеч кўрмадим равзаи ризвон ҳолинда
Ер юзин кўрдим мудом бошдин-боша қон ҳолинда,*

сингари байту абётларидан айтиб ҳам ўзини, ҳам ўзгаларни овутиб юриши барчага ёққандин-ёқиб юрар экан.

— Ул тутта от қуйругиндан бул узун соч, деб қуя,
Тек нига бошда тугил танқидга муҳтож деб қуя...

Хулласи Эргаш бобо дебди:

— Сафин абзий, айтар гапингни айтиб бўлдинг. Энди муддаога ўт.

Сафин абзий:

— Син ё қози, ё муфтий бўлсанг эди, ё орзу-ҳол айтгани, ё фатво сурғали келсам. Син эл-улуснинг дарди-ҳасратини шигирга солиб айтувчи оқинсинг. Ўзбагингни хорлигин-зорлигин, озганин, тузганин куриб мин қуям. Сен ничек чидаб турасинг. Мин сиңдин шуни сурамоқчи эдим,— дебди.

Эргаш бобо:

— Сен бир қизик одамсан. Бунинг нимасига қуйиб, нимасига жонасан. Сен айтган бало биргина бу элга эмас, шўроларнинг қадами каерга жетган бўлса ўша кент, ўша шаҳар, ўша ўлкаларга бирдай дориган. Бундан сенинг хабаринг жўққа ўхшайди чоғи,— дебди.

— Хабарим бор, Эргаш абзий, бор. Мин синга шул туринда бир нича саволлар биреб, фикрингни билмоқчи идем.

— Бўлмаса берадиган саволингни, ўзингнинг тилинг билан айтганда, шигирга солиб берасинг. Килештикми?

— Килештик. Иккибиз-да, айтабиз.

— Бошла бўлмаса.

— Бошлийим:

— Бу ничек тузум узе? Тушунмай ҳайрондабиз,
Гап бошқа, яшаш бошқа — ёлонғоҳ ҳолиндабиз,
Маймундин фарқибиз йўқ — шармисор, шармандабиз,
Узе яшамокдабиз қандай биз замондабиз?

— Тапталишга яралган шўр қисган бир бандибиз,
Дарбадардин баттарбиз — на ер, на осмондабиз.

— Шўроми ё Эгамга, кий бирини бандабиз?

Кий бирини сиғиниб қилчақбиз сажда биз?

Фирқа саждагоҳ бўлса — эғнибизда жандабиз,

Итбодами, турмада — биз ўзи қайндабиз?

— Билмасанг билиб олғил аросатда қолганбиз,

На биҳишту, на дўзах, на еру осмондабиз.

— Ер юзинда эмасбиз, қабр ичинда турабиз.

...Изм-измларини¹ бунда қандай қурабиз?

Устухон ташласалар итдан олдин урабиз,

Ничик кунларга қолдик, узе қаён юрабиз?

— Амалда эмас тилда даеру даврон сурабиз,

Билмам бу қандай... изм, на ер, на осмондабиз.

— Урён ҳолинда юлда юргани уялабиз,

Ўрни олиб бирини бирсалар суюнабиз.

Минемча ҳа демай биз дарвишга айланабиз.

Қуйданда қуйчибон кўп, биз кимга суянабиз?

— Ҳа демай Учқўрғондин кўринади аммабиз,

Сафин абзий, сўнгра биз на еру осмондабиз.

— Кундан-кунга танг бўлиб борадир аҳволибиз.

Қуруқ шигорлар била тўлмай хуржун, халтабиз.

«Фаровон яшайбиз!» деб кучада толғаябиз

Гайдийдин баттар бўлгач биз кимга осилабиз?

— Олинб бўлди чоғи борлиқ яйлов, далабиз

Уй-жойдин ҳам айрилгач,— на ер, на осмондабиз.

— Йил-йил қуриб борур булоқ, дарёларибиз,

Иркаклардин қолишмай борад аёлларибиз.

Паришондин паришон ўю хаёлларибиз,

Ни қилабиз бўлмаса салқин-сояларибиз?

— Неки бор бўлса энди баридин айрилабиз

Эндиги қисматимиз — на еру осмондабиз.

— Ҳукумат биз учун ё биз у учун ишлайбиз?

Ез бўйи ишлаб сўнгра уйсиз-жойсиз қишлайбиз.

Шунинг учунми инде биз уни олқишлайбиз?

Қаҳатчилик бошланди энди қандай яшайбиз?

— Нон билан э² ўрнига энди кесак тишлайбиз,

Тирик мурда бўлиб сўнг на ер, на осмондабиз.

— Узи қочган тўядир большойой диганибиз,

Одамни қуй урнида суяр инонганибиз.

Ош урнига тош бира шул иярганибиз³.

Қайга бошлаб борадир суйиб-суйанганибиз.

— Узи⁴ ҳам билмас чоғи қайга кетиб борабиз,

Тушган кимабиз хавfli — на еру осмондабиз.

Эргаш бобо Сафин абзийнинг барча саволларига жавоб бериб бўлганидан сўнг абзий дебди:

— Ерий!

— Нима ёрий? — сўрабди шоир.

— Минем бирган саволларимга бирган жавобларинг ёрий,— дебди абзий.

— Одам оласи ичида. Яна бирон ерга бориб...

— Нонни, каломни шарифни уртага қуйиб айтим; мининг бирган саволимда, сенинг қайтарган жавобингда шу жирда қола.

¹ Феодализм, социализм, коммунизм, дарвинизм — маймунизм деганларидан бирини айтмоқчи бўлади шекилли.

² Гўшт

³ Эргашганимиз.

⁴ Ҳукумат демоқчи бўлса керак-ов.



ИсмаТ ХУДОЕР

ЕМҒИРЛИ КУН

Даричадан боқар кўз,
Хаёлотин чеки йўк...
Овлоқроқда бўтақўз,
Ҳайрат оққан кўзи лўк.

Хаёл тори сим-симдир,
Ухшар ёмғир сочига.
Лабларида исмимдир,—
Ғунча энди очилган.

Емғир тинмас, эзилиб
Ҳазин-ҳазин оқади.
Шуур ситар тизилиб
Ташбех силдай боқади...

Қўй, йиғлама, қўйгин қиз,
Емғир йиғлар, етади.
Юрагимдан чиққан ҳис
Оқиб-оқиб кетади...

* * *

... Рухимни чулғайди беимкон озор,
Бошимда юлдузлар сукут сақлар жим.
Шамоллар сарсари, хомуш — азадор,
Дардли ой қалқиниб тўкилар сим-сим.

Бемадор осмонда тентирайди хоб,
Юлдузлар қўрида қолар иссиқ кул.
Туннинг косасига сиғмайди зардоб,
Ой эса фарёддек саргаяр буткул...



ЯССАВИЙНИНГ НИЯТИ

Юрагимдан оқди дарёлар...
Кўчиб кетдим ўзимдан-ўзим.
Тегманг энди менга, сайёдлар
Ва ўлжага менгзаманг сўзим.

Каломимдан хайру гавҳарни
Мен эгнимга сарпо қилмасман.
Оғриқ берган илоҳ — ахтарни
Рухсоридан кеча билмасман.

Икки ҳақнинг оралиғида
Қолиб кетгай
бевафо танам —
Рухни
туннинг қоралиғида
олиб кетар
илоҳий санам...

Мен йўқолсам қай бир қаро кун,
Тун, ғайбга саждалар қилинг.
Агар қайда чиркилласа рух
Менман ўша Яссавий, билинг...

Бечоралар,
Эх, оворалар
Сиз билан йўқ заррача корим.
Пиёдалар,
Эй, суворалар,
Шудир менинг дунёда борим.

Чинқиради чарху фалак, оч
Кашкулимни олиб кетаман.
Мен сахройи,
Мен бир яланғоч
Поёнимга шундоқ етаман...

* * *

... Силқиган дамларнинг қаро ранглари —
Чўқар экан тундай ичу тошимга.
Йиғларкан онамдай унсиз туллари,
Ва дардкаш бўларкан ёлғиз бошимга.

Мен сўзсиз ва сассиз бундан кетаман,
Бепоён рухларга бўламан туткун.
Умримнинг сўнггида унга етаман —
Куйишга элтади мени ўша тун...

Мен сўзсиз ва сассиз бундан кетаман...

* * *

... Кўзларинг қоларкан ортимда маънос,
Яна бир кўрмоқлик қиларми nasib.
Шамоллар кулбанга ўгирсалар юз,
Мен ҳам шамол бўлиб келарман қайтиб.

Йиғлама, азизам, йиғламасанг ҳам,
Бу тийра нигоҳдан юрагим хундир.
Офтоб оймомога роз сўйлаган дам
Сен учун яралган энг ғўзал кундир.

Қароғинг қаърига сингиб кетгайман,
Ва тагин ёнинга қайтарман бир кун.
Ҳузурингга шомда етиб келгайман,
Азизам, ҳеч қачон алдамайди тун...

ЎЛАН АЙТГИН

Шоир болам
Айтганларинг
Ўлан эмас,
Нима учун
Ўлан бўлса
Кўнгул демас.
Ўланларинг
Иссиқ кунда
Ел бўлсин-а,
Қадди букик
Кампирларга
Бел бўлсин-а.
Бегим айтса
Бруғ кунлар
Тун бўларди,
Эшитганнинг
Юрак-бағри
Хун бўларди...
Ўлан бўлса
Куйган одам

Омон колмас,
Бу юртларда
Елгон айтсанг
Қўним топмас.
Ўлан айтгин
Иссиқ кунда
Ел бўлсин-а,
Қадди букик
Кампирларга
Бел бўлсин-а.
Шоир болам
Ўланнинг
Элинг бўлсин,
Дардин айтгин
Одамларинг
Селинг бўлсин.
Айтганларинг
Ҳали болам
Ўлан эмас.

Тузлиққа тупуриш яхшими?

Ассалому олайкум, ҳурматли «Гулистон» ойнамаси тахририяти! Биз ойнамага ҳар йили обуна бўламиз ҳамда унинг ҳар бир сонини, барча оила аъзоларимиз билан биргаликда зўр қизиқиши ва ҳаяжон билан ўқиб чиқамиз. Миллий қадриятларимиз ва ўзбек халқига хос бўлган анъаналар, муқталик жумхуриятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган воқеалар ҳақида ойнама саҳифаларида эълон қилинаётган мақолаларни севиб мутолаа қиламиз. «Гулистон»даги ҳар бир қатра сўз Ватанга бўлган муҳаббатимизни, юрт соғинчимизни доимо олованттириб туради. Биз ўзга юртларда яшайётган ўзбеклар учун «Гулистон» ойнамаси ҳам Ўзбекистоннинг бир бўлагидай муқаддас ҳисобланади.

Тақдир тақозоси билан биз ҳам ҳозирги вақтда Россиянинг Тверь вилоятида яшамоқдамиз. Турмуш ўртоғим Возоров Раҳмон-

жон давлат хўжалигида ишлайди. Тўртта фарзандимиз бор. Уларнинг ҳаммаси мактабда рус тилида ўқишади. Лекин оиламизда фақат ўзбек тилида гаплашамиз. Боаларимиз ўзбек тилида нашр қилинган китобларни ўқиб боришади. Доимо ўзимизнинг миллий одағларимизни фарзандларимиз онгига сингдириб борамиз.

Биз истиқомат қилаётган давлат хўжалиги ҳудудида турли миллат вакиллари яшашади. Ҳаммамиз аҳил, тинч ва тотув яшаб келаётган эдик. Яқинда Ўзбекистондан бу ерга европалик миллатга мансуб уч оила кўчиб келишди. Уларнинг айтишларича, Ўзбекистонда русларга айниган гўшт берилаётганмиш, ўзбеклар русларни қувиб ҳайдашаётганмиш. Ўзбекистонда ҳамма нарса ниҳоятда қимматмиш.

Уларнинг бу сўзлари қанчалик рост ёки ёлгонлиги айтганлар-

нинг виждонига ҳавола. Лекин уларнинг гапларидан кейин шу ерлик маҳаллий халқда ўзбекларга нисбатан ёмон фикр уйғонди ва улар ёмон кўз билан қарай бошлашди.

Биз бир нарсага ҳайронмиш. Уша кўчиб келганларнинг ҳаётларининг асосий қисми Ўзбекистонда ўтган. Серқудш замин саховатидан улар ҳам баҳраманд бўлишган. Уй-жойли, мол-мулкли бўлишиб, фарзандларини ўстиришган. Вузун эса улар Ўзбекистонли ёмонлиққа чиқариб ўтиришибди. Халқимизда улуг бир нақл бор: «Бир кун туз-намак еган жойингга қирқ йил сажда қил». Афсуски, Ўзбекистондан кўчиб кетаётган баъзи кимсалар бу нақлни унутиб қўйишиб, ўзлари туз ичган тузлиққа тупуриб кетишаётгир.

Наҳотки Ўзбекистонда қимматчилик, миллатлараро низолар авж олган бўлса. Мен бунга асло

ишонмайман! Ахир, ўзбек халқи бағри кенг, сахий, меҳмондўст, бировнинг бир қўлини ҳам бесўроқ олмайдиган халқ эмасми?

Ҳурматли тахририят ходимлари! Ойнама саҳифаларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, миллатлараро муносабатлар ҳақида мақолалар бериб борсанглар. Бизлар ўзбек миллатининг вакиллари сифатида шу мақолаларни ўқиб, Ватанимиз шаънига тухмат қилаётганларга тегишли жавобни берсак. Чунки ҳар бир ўзбек қаерда яшашидан қатъий назар, миллат шаънини кўтариш учун фидойилик қилиши керак.

Муҳаббат НОРМУРОДОВА,
Тверь вилояти,
Немидовский тумани,
Забори почта бўлими

ЭСКИ ЎЗБЕК ЕЗУВИДАН МУТОЛАА МАШҚЛАРИ

Чол ила ажал

Бир чол даладан ўтун кесиб оқалаб уйига жўнади. Йўлда чарчаб ҳаракатдан қолуб ўтунни ерга қўйди. Ўз фақирлигидан шикоят қилиб, «Бундай тириқдан ўлганим яхшидур», деб ўзига ўлум тилади: «Оҳ, ажал, қайдасан, келсанг-чи», деб ажални чақирди. Шул ҳолда ажал келуб «Нима буюрасан, бобо», деди. Чол бочора ажалдан кўрқуб шашуб «Ман сизни ушбу ўтунумни кўтариб оқамга қўйсангиз, деб чақирган эдим», деди. Ҳисса: Ўлумга ҳеч ким рози бўлмас.

Чал айла اجل

Берچал даладен отун киسوب арқалаб
 ауйка жонады йолде чарчаб حرکتدن قالوب
 отون نی میگا تویدی اوز فقیر لگیدن شکایت
 قیلوب بوندای تریکیک دن اوگانیز یاخشیدر
 دیب اوزگیه اولوم تیلادی آه اجل قیده سن
 کیلسانچکی دیب اجل نی چاتردی شول
 حالده اجل کیلوب نیمه بیور برسن بابا دیدی
 چال بیچاره اجلدن قورقوب شاشوب من
 سزنی اوشبوتونومنی کوتاروب آتامگه قویسانگیز
 دیب چاقون اییدی حصه اولوهگا، بچکم راضی بولمک

Шафқатли бола

Бир ёш болага отаси икки тийин ақча бермиш эди. Вола ул ақчага нон олуб емак учун бозорга жўнади. Йўлда очликдан тиланчилик қилуб ўтурган бир чолга учради. Боланинг ул чолга раҳми келуб ўйладики, «Бу ақчага нон олмасдан шул чолга берсам ҳам оч қолмасман. Чунки уйга борсам, албатта отам манга топиб берадур. Аммо бу бечора чолнинг отаси-онаси йўқдур, манга ўхшаш ота-оналик кишиларга муҳтождур. Агар бунга биров бир нарса бермас, очликдан ўлуб қоладур», деб қўлидаги икки тийин ақчани шул чолга берди ва шул чолнинг дуосини олуб уйига қайтди. Бу қилган яхшиликни отасига боруб сўйлаганда отаси хурсанд бўлуб яна йигирма тийин ақча берди. «Ҳар вақт шундай муҳтождарни кўрсанг яхшилик қилгил», деб насиҳат қилди.

Шуфқатли бал

Берияш балаге Атаسی ایکی تین اچپه بریش
 ایدی بال اول اچپه که نان اولوب ییمک اچون
 بازارге جوناды یوله آپمک دن تلانیلیک

قیلوب اوتوگان برچاگه اوپردی بالانیگ
 اویانگه حص کیلوب اولدیکه بو اچپه که نان
 آماسدن شولپانگه برسام، بچ قالماسمن
 چونکه اویگه برسام البته آتام منگه تاپیوب
 برادر و اما بو بیچاره چانیگ آتاسی اناسی
 یوقدور منگا اوششاش آتاناک کیش لارگه
 محتاجدور اگرده بونگه براو برنر سیریمکه

Кўмилган олтун

Бир кекса киши ўлушига яқин ўғлонларини олдига чақириб, васият қилиб айтдики, «Ман ушбу боғнинг бир жойига бир хум олтун кўмганман. Ман ўлгандан кейин боғни қовлаб, шул олтунни тоғуб олингиз ва ўз орангизда баробар тақсим қилингиз». Чол ўлди. Болалари олтунни топмак учун боғнинг ҳар ёғини қовлай бошладилар. Боғни тамом қовлаб чиқсалар ҳам «Кўмилган олтунни топмадилар. Лекин ул йили боғлар шундай ҳосил бердики, меваларини сотуб анча олтун ақча топдилар. Иккинчи йилда яна боғни қовлаб, олтунни ахтардилар. Яна топмадилар, лекин бу йили аввалги йилдигидан ортироқ ҳосил олдилар. Сўнгра билдиларки, оталарининг ерга кўмган олтунни шул боғнинг мевалари экан.

Ҳисса: Ишласанг қанча бог-бўстонинг кўп бўлур шунча ош ила нонинг.

Аچмкден اولوب قالادور دیب قولید اگی
 ایکی تین اچپه نی شولپانگه بریدی وشول
 چانیگ دعاسی نی اولوب اویگا قایتدی
 بو قیلگان یاخشیلیگینی آتاسی گه باروب
 سویلاگانه آتاسی خبرسنده بولوب یند
 یگره تین اچپه بریدی هر وقت شوندا
 محتاجلارنی کوتاروب یاخشیک تیگیل
 دیب نصیحت قیلدی

Кумилган олтун

Беркіسه کیش اولوشیکه یقین اولغانلارینی
 ادیگا چاقروب وصیت قیلوب ایتدیکه

Ақлли ўғил

Кечаси ётганда бир боланинг отаси уйғонуб таша бўлган экан. Ўғлини уйғотуб сув сўрабдур. Ўғли дархол туруб сув олиб келиб қараса, отаси яна ухлаб қолибдур. Мабодо яна уйғонуб сув сўрар, деб пиёладаги сувни кўтариб, тонг отгунча отасининг бошида пойлаб турубдур. Ота-оналарини шундоқ хурмат қилмоқ лозим.

من اوشبو باغ نینگ برچاگه بر نوم آتون کوملگن
 من اوگاندن کسین باغش کا اولاب شول آتونش
 تاپیوب ایکنیز و اوز ارانگیزده برابر تقسیم
 قیلینگیز چال اولدی بالالاری آتونش
 تاپمک اچون باغشنگ هر یاغینی کا ولی
 باشلادی لار باغ نی تمام کا اولاب چقیسه
 هم کوملگان آتونش تاپالمادیلار لیکن اول
 یلی باغ لاری شوندا ی حاصل بریدیکه میوه
 لارینی ساتوب برنیچ نوم آتون تاپدیلار
 ایکنی سیده یند باغش کا اولاب آتونش
 اختار دیلار یند تاپالمادیلار لیکن بولی اولگی

Ақлли киши

Бир оқил кишига сани фалон одам мундоқ ҳақорат қилди, ва ҳар вақт сани шиква қилиб ямонлаб юрадур деганларида, «Хайр, менинг оркамда ҳар нарса десалар онга хафа бўлмайман. Ҳар кимнинг тили ўз овзида. Мен ўзумнинг тилини тиёлмайман. Башка одамнинг тилига ҳукм этмоқ уҳдасидан чиқолмайман», деб яхши жавоб берди.

Муаллим ва хатот Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ

Кіші فرست یوزه سیدین چقی
 کیشینه قراب ای بیچاره شیطان کندن
 بشقه آدم ایلیس تاپایوب دیب اویاتوردی

عقل لیک کیش

برعقل کیشینه سنی فلان آدم موندای
 حقارت قیلدی وهم هر وقت سنلی شکوه
 قیلیب یانلاپ یورادور دیکلاریده خبر
 مینیک آرقده هر نه دیسه لار آنکا خف بولماین
 هرکم نینگ تیلی اوز آغزیده من اوزوم نینگ
 تیلینی تیلیم بشقه آدم نینگ تیغیه حکم
 ایتماق عهد سیدین چقالمانن بیجاوب بریدی



Ямин ҚУРБОН

Миннат

Бир кун барҳақ бўлиб орзу, нияти Бошпана қурувга тушди Афанди. Кун демай, тун демай урaverиб жўш, Бўлди нақ тузланиб, дудлатилган тўш. Туртта синч етмади, етмади сира, Энди битайин деб турганда бино. Бундан қайнотаси топдими хабар, Келди синч, келгандек бўлди мисли зар. Охири сувалиб ичию сирти, Усти ҳам ёпилди, кўчиб ҳам кирди. Шунда Афанди, денг, ўзин сезиб қуш, Боқди хотинига ошиқ каби хуш; «Э-ҳей, хотинжон, ҳимм, буёғи роҳат! Осонмас қурмоқлик бундоқ иморат!»

Таниқли масалчи шоир
Ямин Қурбон 60 ёшга тўлди.
Муборак ёш билан
қутлаймиз!

Хотини чимрилди, бурилди бурни,
Сичқондек чиқди, денг, чийиллаб уни:
«Қура олмасдингиз ақалли йўлак,
Бермаганлариди дадамлар кўмак».

Афанди аламдан йўқотдими ҳуш,
Туширди шу он ўз калласига мушт:
«Эҳ!! Эҳ!!! Шўр бўлмаса эди пешонам,
Сени менга Тангрим этмасди маҳрам!!»

Зўр

Донодан сўради соддадил Чўпон:
«Дунёда энг зўр ким, айтиб бер, иним!»:
«Зўрди у, унга эл меҳридри уммон,
Гуноҳдан ўзини тия олса ким!»



Мусаҳҳиҳ ён дафтаридан

«Воиз минбарни чертиб кўзлар-
ди».

«Халқнинг пахта йғим-терими-
га бўлган шижоати ҳанузгача авом
этноқда».

«Ҳар ўғрида бир шингил».

«Холалар дунёси магазини».

«У судда ўзини оқлаш учун гу-
ноҳларни қақиртирди».

Қабулхонадаги «ҳокима»

Ҳажвия

Махмасоли зарур муаммоли иш билан шаҳар ҳокими қабулхонасига кириб келди. Қараса, қабулхонада юзидан қони қочган икки жувон кимнингдир ғийбатини қилишаётган бўлса керак, уни кўриб дарҳол жим бўлиб қолишди. Дудоғига ясама хол қўйган хотин телефонга яқинроқ ўтирарди. Чамаси, у ҳокимнинг котибаси бўлса керак. У пичоқдек ўткир тирноқларини безаш билан андармон бўлса-да, шеригининг «мазмунли» гапини диққат билан тингларди. Махмасоли уларнинг қабулхонага келган одамга бундай бепасандлигидан дили ғашланса-да, бари бир ҳокимнинг ҳузурига киришга улардан рухсат сўради. Сўрамасликнинг иложи ҳам йўқ.

Телефон ёнида ўтирган жувон унга бир қаради-да, «ҳм», деб бурнини жийрди ва бирор сўз демай ғийбатни энди секинроқ давом эттира берди. Махмасоли сабри чидмай, яна гапини такрорлаганди, иккинчи жувон, «Гражданин, шилқимлик қилманг! Бу ер...» деди. Уларнинг қўрслиги Махмасолининг жаҳлини кўзади.

— Агар бу ер шаҳар ҳокимининг қабулхонаси бўлса, нега сизлар ғийбатхонага айлан-тириб, келганларга назар-писанд қилмайсизлар, киришга рухсат сўраб беринг, деб илтимос қиялман.

— Нима?... — телефон ёнида ўтирган жувон оғирсиниб ҳоким ҳузурига бедана юришда кириб кетди. Зум ўтмай қайтиб чиқди-да, совуқ ишора билан Махмасолини киришга ундаган-дек бўлди. У эшикдан кирар экан, ҳоким, «Нега бу ерга ичиб келдингиз? Фамилиянгиз нима?...» дея ўшқира бошлади.

— Махмасоли Эшматов.

— Қаерда ишлайсиз?

— Институтда аспирант.

— Бугуноқ ишдан бўшаттираман. Сиздек одам олимликка давзоғар бўлолмайди. Эрта соат учда келасиз...

Оғир ўйлар билан ҳоким ҳузуридан пати олинган товукдек шалпайиб чиқиб кетди. Қабулхонада ҳозиргина унинг устидан мағзава ағдарган котибанинг «илжайиб» турганлигини кўрдию унинг нигоҳидан «Сен ким билан баҳслашдинг, гумроҳ! Холинг шу экан-ку! Бу ерда мен ҳўжайин», деган маънони ўқди.

Эртаси куни соат айтган вақтида ҳоким ҳузурига кириш учун қабулхонага етиб борди. Қабулхона эшигидан кираркан, Махмасоли ўша танноз котибага қарамасликка ҳаракат қилиб, эшик ёнидаги ўтиргичга омонатгина чўқди. Бир кун олдин келиб кетган қабулхонани кўздан кечирди, деярли ўзгармиш йўқ, котибанинг ёнида ўтирган ўша жувондан ташқари.

Котиба хотин, худди Махмасолига теккизгандай телефон гўшагига бақирарди:

— Айтаялман-ку, гўшт музлатгичда деб! Бола мактабдан соат учда қайтади. Унгача овқат тайёр бўлсин... — Махмасоли девордаги соатга қаради. Учга ўн минут бор. Бу вақт ичида овқат пишармикан? Яна гўштли овқат. Ун минутда чой қайнамайди...

Қўли телефон гўшагидан бўшаган Махмасолига котиба энаси котиб қараб, тагин кечаги гаплардан асар сезилмайдиган кифада:

— Ҳўжайин кутаяптила...

Махмасоли ўрнидан турдию ичкарига юрди. Бугун у нимани гапиришни аниқ режалаб қўйган. Хонага кираркан, шаҳар ҳокими унга жиноятчиларга муомала қилгандек:

— Утиринг, ўртоқ Эшматов. Ҳўш, нега кеча ичиб келиб, котибани ҳақорат қилдингиз? Шундай ичиб юриш тўғрими? — Ҳокимнинг бир зум сукат сақлаганидан фойдаланиб, Махмасоли ҳам тилга киришга шайланди;

Аслида Махмасоли ҳоким ҳузурига киришдан мақсад, институтда илм билан шугулланиш учун шароитлар бироз салбий томонга тўс ола бошлаганлигидан эди. У ерда муаммо кўп эди, ниҳоятда. Уни фақат бир муаммо жуда қийнарди, тўғриси. Болалигида қишлоқ мактабларида китоб етишмасди. Шундай кезларда ўқийдиган китобини қандай қийинчилик юзага келмасин, барибир топиб ўқирди. Уларнинг учун институтда муаммоларнинг энг каттаси ҳам кутубхона институту биносининг ертўласига бир вақтлар тушиб «қолган»лигича, ҳали ҳанузгача у ерда жойлашганлиги — тафаккур бойлиги, китоблар зах таъсирида нам ва чириндини эслатувчи бадхуш ис, кейинги йилларда тарала бошлаганиди. Шунинг учун ертўла қироатхонага ҳеч ким кирмай қўйганлиги, хуллас, бир талай муаммоларни бўйнига томбаб

бу ерга келганди. У бу ерга келмай ҳам, кўпчилик сингари тинч, ғалвасиз ишлаб юрaverиши мумкин эди. Лекин тушларида китоблар...

Бугун унинг тили бинойидек «айлана» бошлади.

— Мен сизнинг олдингизга мадад сўраб келаётган эдим. Лекин сизнинг, қадрдон шахримизни ҳокимининг қабулхонасидаги аҳволни кўриб ўзимни тутиб туролмабман. Котибангизнинг қўполлиги, ўзини маҳкаманинг ҳўжайини каби тутишини кўриб, қоним қайнаб кетди. Ҳоким қанақа одам экан, наҳотки қўшни хонада ҳар хил талаблар билан келаётган одамларни ранжитаётган хонимларга шунчалар эрк бериб ўтирса?

Шаҳар ҳокими жиддийлашиб, Махмасолининг сўзларига эътибор бера бошлади. Бу йигитча тўғри гапираяпти. Наҳотки қабулмига келган, кунига ўнлаб кишилар, котибага «сеники нотўғри демаган?». Ахир ушбу одатини у ҳар бир кишига қилиб келган бўлса керак! Қанчалаб ҳоким дилини оғритган! Нега мен ўз котибамни бунчалар тантиқлашиб кетганлигини сезмаган, эътибор бермаган бўлсам? «Раҳмат ука, жамият сиздек кишиларга муҳтож. Қани энди тўғри сўз кишиларнинг сони кўпаяверса».

Наҳотки Махмасоли шу гапларни шаҳар ҳокимининг ўз оғзидан тушида эмас, ўнгида эшитаятган бўлса.

Махмасоли институтда юзага келган муаммолар ҳақида ҳоким билан узоқ гаплашди. Хуллас, ҳокимнинг аралашуви билан кейинчалик у ерда ишлар бир қадар яхши бўлди. Айниқса, Махмасолининг тўғрисиўзлиги қабулхонага ўрнашиб олиб, ҳамманинг дилини хуфтон қилаётган «ажина» бу ердан ғойиб бўлишига сабаб бўлди. Кўп иш мана шу қабулхонадаги котибаларга боғлиқ, уларнинг одамохуч, камтарлари ҳожатравон қилади, ёмонидан худо асрасин, бутун шаҳарни ёмон ортиқ қилади.

Маъмуржон УМРЗОҚ ўғли

БИР ОШНАМ ҲАҚИДА

Келди замон, тегди сон, бўлди сардор ошнам,
Юрган эди беқарор, энди номдор ошнам.

Мансаб ҳажрида дайдиб юртини тарк айлади,
Бир поғона курсидан ул ўмидвор ошнам.

Унга ёнма-ён Эшмат, бош узра сарбон Тошмат,
Улфатлар савлатига итоаткор ошнам,

Буқаламун сингари турланиб тургай ҳар дам,
Лаънатга қолиб бўлмас ҳеч шармисор ошнам.

Бирор ишқали ечмоқ бўлиб олдиға кирсанг,
«Биз-ку рози...» дейди-ю, бир гапи бор ошнам.

Кўнгилини-ку оғритмас у юмшоқ пахта мисол,
Хуш хулқи бирла гўё чун «хоқисор» ошнам.

Фиррибарлик бобида устозига берар панд,
Жуда алдамчи-безбет, ўта айёр ошнам.

Мансаби кичикларни назарга илмас сира,
Катталар хизматида доим тайёр ошнам.

Бу каби нусхалардан Розик оғоҳ бўлиб юр,
Бундайлардан сақласин парвардигор, ошнам.

Афғон латифалари

Ҳаво қандай!

Ичкарида ўтирган икки кишидан
бири ташқарига чиқди. Қайтиб кир-
ган эди, ошнаси сўради.

- Ташқарида ҳаво қандай?
- Худо ҳаққи, ҳавога қарай ол-
мадим.
- Нега?
- Емғир ёғаётган экан...

Дунёнинг чеккаси

Мушфиқидан сўрадилар:
— Дунёнинг чеккаси борми?
Мушфиқий кўча бўйлаб тобут кў-
тарганларга ишора қилиб деди:
— Мана бу марҳум жавоб
берарди. У дунё чеккасида.

Хушахлоқ ўғил

Йўлда икки ошна суҳбатлашиб
кетишарди:

- Уўлингиз борми?
- Ҳа.
- Сигарет чекадимми?
- Мутлақо!
- Мактабдан ҳам қочмайдимми?
- Асло.
- Қўшнилар ҳам унинг дастидан
азоб чекишмайдимми?
- Йўқ!
- Қандай яхши. Хўш, айтинг-чи,
бу хушфеъл ўўлингиз неча ёшда?
- Бир неча кундан сўнг олти
ойлик бўлади.

С. ҚОРАБОШЕВ таржимаси



Қишлоқ кўчаларида.


Сувраткаш Р. НУРИНБОЕВ

Тахририятга келган бир босма тобоқчача бўлган материаллар муаллифи-
га қайтарилмади.

Ойномадан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсати-
лиши шарт.

Босмаҳонага туширилди 19.09.92 й. Босишга руҳсат этилди 29.10.92 й.
Қоғоз бичими 70×108/16. Офсет усулда босилди. Қоғоз тури босма № 1.

ТИЛСИМ



Жавобларни белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам
атрофиға ёзинг.

1. XIX асрда яшаган ўзбек шоири, арабшунос, моҳир ҳаттот,
«Калила ва Димна» асарини форсчадан ўзбек тилига таржимони.
2. Ўзбек халқ достони. 3. Амирий тахаллуси билан газаллар ёзган Қўқон
хони. 4. Туркий тилининг қудратини асослаб берган озарбойжон шоири.
5. «Шоҳ ва Дарвеш» достони муаллифи, XVI асрда яшаган шахрисабз-
лиқ шоир. 6. Халқ оғзаки ижоди тури. 7. Муסיқа санъати ижрочиси.
8. Ўзбекистон халқ артисти. 9. Маълум халқнинг одоб-ахлоқ урф-одат
ва мерос бойлиқларига муносабат мажмуи. 10. X аср қасиданавис
форс-тожик шоири, «Шоҳнома» асарининг илк ижодкори. 11. Вақтли
матбуот асари. 12. «Девони ҳикмат» асари муаллифи, суфийлик
тариқати асосчиси, мумтоз шоир. 13. Эрон адаби, «Кўрқинчли Техрон»
романи муаллифи. 14. Мамлакат ҳукмдори насли. 15. Шекспирнинг
«Ҳамлет» фожеаси қаҳрамони. 16. Ўзбекистон халқ артисти, хушовоз
хонанда. 17. Шоир Дурбек достони қаҳрамони. 18. Уйғур адаби,
«Мойимхон» тарихий романи муаллифи. 19. Санскрит тилида ёзилган
қадимги ҳинд достони. 20. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқонда
яшаб ижод этган ўзбек шоираси.

Жавобларнинг биринчи ҳарфлари асосида, шакл марказидаги жум-
боқни ҳал этинг. Бунда икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ

9—10-СОНДА БОСИЛГАН ТИЛСИМНИНГ ЖАВОБИ

Очқич:

1. Низомулмулк. 2. Меҳржон. 3. Илоҳиёт. 4. Халфа. 5. Қўбиз.
6. Юсуф. 7. Элчи. 8. Язд. 9. Гул.

Ҳикмат:

Бутун халққа бўлгин содиқ, меҳрибон,
Тугал эзгулик эт ўзинг ҳар қачон.
Эл-юртга нафли бўл, зарар келтирма,
Ёмон ярамасга омонлик берма.

Юсуф Хос Ҳожиб

Муқованинг биринчи бетиде: Ўзбекистон Республикаси мустақилли-
гининг бир йиллик байрами тантаналари ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди.
Сувраткаш А. ЖУМАЕВ

Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,89. Шартли рангли наму-
налар 16,8. 39242 нусха чоп этилди. Буюртма 1103. Баҳоси сотувда
3 сўм 60 т.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг
босмаҳонаси, 700083, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.




Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» давлат ҳўжалиги маркази кундан-кўнга обод бўлиб, чирой очиб бормоқда. Умумий овқатланиш бўлимига қарашли муҳташам тамаддихонада турли хилдаги миллий таомлар тайёрланади.

Чойхоначи Нормўмин ака кексалар хизматида.

Корхона директори Сафарали Раҳимов.

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ





Индекс 75233
Видоси: сорувада — 3 сѹм 60 тиринт